

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

12-сон
(96)
2004 й.
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

139. «Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 134-сон қарори
140. «Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қили, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарори
141. «Ёнғинга қарши автмотика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни, лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарори
142. «Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарори
143. «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси

- фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 139-сон қарори
144. «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори
145. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика енгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарори [Кўчирма]
146. «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 26 мартдаги 144-сон қарори

Бешинчи бўлим

147. «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномалар тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 мартда 1329-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
148. «Адвокатлик бюrolари, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 февралдаги 41, 66-мх, 2004-29-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 22 мартда 1330-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 20 мартдан 26 мартгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

139 Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар билан ҳамкорлигини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида 1996 йил 21 июндаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни келгусида бажариш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Куйидагилар:

2004—2008 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир асосий ташкилий чора-тадбирлари комплекс дастури 1-иловага мувофиқ;

«Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгаши, «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик қўмитаси ва тегишли кичик қўмиталарнинг Ўзбекистонга оид қисми 2-иловага* мувофиқ таркибларда;

«Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. ТАСИС дастури бўйича Ўзбекистон Республикасининг миллий мувофиқлаштирувчиси ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Фаниев зиммасига юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага баъзи мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин ва айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев ва Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири С.С. Сафоев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 март,
134-сон

* 2-илова берилмайди.

**2004—2008 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо
давлатлар ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга
оширишга доир асосий ташкилий чора-тадбирлари
КОМПЛЕКС ДАСТУРИ**

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
I. Ташкилий ва ҳуқуқий тадбирлар			
1.1.	«Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгаши, Парламент ҳамкорлиги қўмитаси, Ҳамкорлик қўмитаси ва тегишли қўмиталар Ўзбекистонга оид қисмининг (умуман, Европа Иттифоқи билан ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг идоралараро комиссияси сифатида) мунтазам мажлислар ўтказиш йўли билан самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш	Ҳар чорақда	Ташқи ишлар вазирлиги, Олий Мажлис (қелишув бўйича) ҳамда бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
1.2.	Кичик қўмиталар фаолияти соҳаларига мувофиқ Европа Иттифоқи билан ҳамкорликнинг йиллик тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш	Ҳар йили, 15 декабргача	Ҳамкорлик қўмитасининг ва кичик қўмиталарнинг Ўзбекистонга оид қисми бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
1.3.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиялар ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
1.4.	Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи ва унга аъзо давлатлар (2004 йил 1 майда Европа Иттифоқи янги мамлакатлар киришини ҳисобга олган ҳолда) билан шартномавий-ҳуқуқий базасини бажариш мониторинги ва ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш	2004 йил 1 июнгача кейинчалик ижро этган ҳолда	Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
1.5.	Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини Европа Иттифоқи қонун ҳужжатларига мослаштириш бўйича концепцияни амалга ошириш тадбирлари режасини ва Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича қабул қилинган мажбуриятларни бажариш механизмини ишлаб чиқиш <i>Изоҳ: Концепция Европа Иттифоқи Комиссияси томонидан Ҳамкорлик кенгашининг 3-мажлиси якунлари бўйича хулосада маъқулланган (2002 йил январь)</i>	2004 йил 1 июнгача кейинчалик ижро этган ҳолда	Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
1.6.	Европа Иттифоқига аъзо давлатлар билан ҳуқуқий ахборотларни айирбошлаш тўғрисидаги Ҳуқуматлараро битимлар тузиш бўйича масалаларни ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар
II. Сиёсий соҳадаги ҳамкорлик			
2.1.	Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги сиёсий мулоқотни юқори даражадаги таширларни айирбошлаш йўли билан янада чуқурлаштириш	2004—2008 йил	Ташқи ишлар вазирлиги
2.2.	Олий Мажлис ва Европарламент, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар миллий парламентлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш	2004 йил II чорақ	Олий Мажлис (келишув бўйича), Ташқи ишлар вазирлиги
2.3.	Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона яратиш тўғрисидаги Шартномани имзоланиш Европа Иттифоқи томонидан сиёсий қўллаб-қувватланишини таъминлаш	2004 йил	Ташқи ишлар вазирлиги
2.4.	«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш	Ҳар йили (январь) Брюссель ш.	Ташқи ишлар вазирлиги, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти, бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.5.	«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш	Ҳар йили (I ярим йиллик), навбати билан Тошкент, Страсбург/Брюссель шаҳарларида	Олий Мажлис (келишув бўйича), Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
2.6.	«Ўзбекистон — Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик қўмитасининг навбатдаги мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш	Ҳар йили (IV чорак), навбати билан Тошкент ва Брюссель шаҳарларида	Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.7.	Савдо ва инвестициялар бўйича кичик қўмиталарнинг навбатдаги мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш	Ҳар йили (IV чорак), (Ҳамкорлик кенгаши мажлисидан олдин) навбати билан Тошкент ва Брюссель шаҳарларида	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.8.	Кичик қўмитанинг адлия, ички ишлар, божхона ҳамкорлиги ва бошқа қўшимча масалалар бўйича навбатдаги мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш	Ҳар йили (III чорак), (Ҳамкорлик кенгаши мажлисидан олдин) навбати билан Тошкент ва Брюссель шаҳарларида	Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.9.	Илмий-техника ҳамкорлиги, таълим, маданият ва атроф муҳит бўйича икки томонлама кичик қўмита ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш, шунингдек унинг мажлисларини тайёрлаш ва ўтказиш <i>Изоҳ: Ушбу кичик қўмитанинг Ўзбекистонга оид қисми ташкил этилган</i>	Ташкил этиш — 2004 йил охиригача, мажлислар — 2005 йилдан бошлаб ҳар йили (Ҳамкорлик кенгаши мажлисидан олдин)	Олий таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.10.	Ўзбекистон Республикасини Европа Иттифоқининг «Кенгайтирилган Европа-қўшни мамлакатлар» дастурига киритиш тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
2.11.	Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи уюшган аъзоси мақомини олиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
2.12.	Европа Иттифоқи Комиссияси, Европол, ЕИБ, Евро Инфо Марказ ва бошқа Европа тузилмаларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилиш учун сиёсий мандатини кенгайтириш имкониятини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.13.	Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи Комиссияси ваколатхонаси (делегацияси) очиш масаласини киритиш	Европа Иттифоқи Комиссияси билан келишув бўйича	Ташқи ишлар вазирлиги, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти
2.14.	Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари раҳбарларининг Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш масалалари бўйича Тошкент шаҳрида аккредитация қилинган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар элчилари билан учрашувларини ўтказиш	Ҳар чорақда	Ташқи ишлар вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.15.	Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи экспертлари ўртасида кичик қўмиталар доирасида мажлислар оралиғидаги даврда турли йўналишлар бўйича мунтазам алоқаларни амалга ошириш ва амалий учрашувлар ўтказиш	Европа Иттифоқи Комиссияси билан келишув бўйича мунтазам асосда	Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим Котибияти, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
2.16.	Республика ва хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг боришини ёритиш	Доимо	ЎЗА, «Ўзтелерадио» компанияси, Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги
2.17.	Европа Иттифоқи тузилмаларини Ўзбекистонда сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг бориши тўғрисида мунтазам равишда хабардор қилиш	Доимо	Ташқи ишлар вазирлиги, «Жаҳон» АА
2.18.	Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг жамоат ҳамда Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари ўртасида фуқаролик жамиятини шакллантириш, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият кўрсатиш масалалари бўйича ҳамкорликни ривожлантириш	Доимо	«Маҳалла» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги
2.19.	Европа Иттифоқи тузилмаларида тажриба орттириш учун Ўзбекистон вакиллари тайёрлаш ва юбориш масалаларини Европа Иттифоқи ишчи органлари билан ишлаб чиқиш	Доимо	Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
III. Демократия ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳамкорлик			
3.1.	Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг давлат органлари, Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлари ўртасида инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича ҳамкорлик тадбирлари режасини ишлаб чиқиш	2004 йил III чорак	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (келишув бўйича)
3.2.	Европа тузилмалари ва Ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларни Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларига риоя этиш ва ҳимоя қилиш масалалари бўйича хабардор қилишни таъминлаш	Заруриятга кўра	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
3.3.	БМТнинг Қийноқлар солишга ва муомалада бўлиш ва жазолашнинг бошқа шафқатсиз, гайрининсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияни (1984 йил, Нью-Йорк ш.) бажариш бўйича тадбирлар режасини амалга ошириш учун Европа Иттифоқи томонидан техник ёр дамни жалб этиш	2004—2006 йиллар	Адлия вазирлиги, Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Ташқи ишлар вазирлиги, УзБюроКЕС
3.4.	Пенитенциар тизимни ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ва келгусида амалга оширишда Европа Иттифоқининг техник кўмагини жалб этиш	2004-2005 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, УзБюроКЕС
3.5.	Гендер масалалари бўйича қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш учун Европа Иттифоқининг техник ёрдамни жалб этиш	2005—2007 йиллар	Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги, УзБюроКЕС
3.6.	Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва Европа Иттифоқи Омбудсмани, шунингдек Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар омбудсманлари ўртасида амалий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш	2004—2008 йиллар	Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (келишув бўйича), Ташқи ишлар вазирлиги
3.7.	Тошкент шаҳрида Европа Омбудсман институти бошқаруви мажлисини ўтказиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил II ярим йиллиги	Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (келишув бўйича), Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
3.8.	Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи суд органлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Олий суд, (келишув бўйича), Адлия вазирлиги
3.9.	ТАСИСнинг «Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш» дастури доирасида лойиҳаларни амалга ошириш бўйича ташкилий масалаларни ишлаб чиқиш	2004 йил	Олий Мажлис (келишув бўйича), Ташқи ишлар вазирлиги, ЎзБюроКЕС
IV. Ҳуқуққа зид фаолиятнинг олдини олиш, ноқонуний иммиграциянинг олдини олиш ва назорат қилиш бўйича ҳамкорлик			
4.1.	Терорризм, экстремизм, наркотрафик, ноқонуний миграция билан курашда Европа Иттифоқи (Европол, Евроюст) линияси бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, чегара ва божхона хизматларининг ҳамкорлигини, шунингдек аъзо мамлакатлар билан икки томонлама асосда ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш (моддий-техник-ахборот ва кадрлар потенциалини такомиллаштириш бўйича техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиш масаласини ишлаб чиқиш)	2004-2005 йиллар	МХХ, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, Адлия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Ташқи ишлар вазирлиги
4.2.	Дипломатик каналлардан фойдаланган ҳолда Европа Иттифоқи мамлакатларининг оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллари билан курашиш соҳасидаги сайъ-ҳаракатлари тўғрисидаги ахборотларни ёритиш	Доимо	Ташқи ишлар вазирлигининг «Жаҳон» ахборот агентлиги
4.3.	Бельгия, Греция, Франция, Швеция, Буюк Британия, Словения ва Эстония билан уюшган жиноятчилик, терроризм ҳамда наркотик воситалар ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомалада бўлишига қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги икки томонлама битимларни имзолаш масаласини ишлаб чиқиш, шунингдек мазкур битимларни Испания, Люксембург, Нидерландлар, Португалия, Финляндия, Дания, Ирландия, Кипр, Мальта билан тузиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш	2004—2006 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, МХХ, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
4.4.	Европа Иттифоқи билан ноқонуний молиявий маблағларнинг «четга чиқиб кетиши»га қарши курашиш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйиш. Европа Иттифоқи мамлакатлари томонидан миллий қонун ҳужжатларини FATF тавсияномаларига мувофиқ мослаштиришда маслаҳат ва техника ёрдами кўрсатиш	2005—2007 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, МХХ, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд, ЎзБюроКЕС

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
4.5.	Ўзбекистон Республикасининг БМТ коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк шаҳри, 2003 йил) қўшилиши тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш	2004 йил	Ташқи ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, МХХ, Адлия вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
4.6.	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларнинг четга чиқиб кетиши, уларни аниқлаш, олиб қўйиш ва мусодара қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясига (Страсбург ш, 1990 й.) қўшилиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш	2004 йил	Ташқи ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, МХХ, Марказий банк, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги
4.7.	Тошкент шаҳрида Жиноятчиликка қарши Марказий Осиё марказини ташкил этиш бўйича ташаббусни амалга оширишда Европа Иттифоқи томонидан сиёсий ва молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлаш	2004-2005 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази
4.8.	Гиёҳвандликнинг тарқалишини олдини олиш, гиёҳванд шахсларни даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш. Республиканинг наркологик даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техника базасини яхшилашда Европа Иттифоқи Комиссияси ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар томонидан ёрдамни жалб этиш	Доимо	Ташқи ишлар вазирлиги, Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқа тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
4.9.	Одамларни сотишга қарши курашиш бўйича комплекс дастур ишлаб чиқиш	2004 йил май	Ички ишлар вазирлиги, МХХ, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
4.10.	Европа Иттифоқи дастурлари линияси бўйича ёрдамни жалб этган ҳолда ИКАО етакчи марказларида авиация хавфсизлиги хизматлари ходимларининг семинар-кенгашларини ўтказиш ва уларни ўқитиш	Доимо	«Дававианазорат» инспекцияси, МХХ, Ички ишлар вазирлиги, ЎзБюроКЕС тегишли вазирликлар ва идоралар
4.11.	ИКАО хомийлиги остида Тошкент шаҳрида авиация хавфсизлиги бўйича минтақавий марказ ташкил этиш	2004—2006 йиллар	«Дававианазорат» инспекцияси, МХХ, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
4.12.	Фуқаро авиацияси хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Европа Иттифоқининг тегишли хизматлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	Доимо	«Дававианазорат» инспекцияси, МХХ, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
4.13.	Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти билан Европа Иттифоқи хавфсизлик институти ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича масалани ишлаб чиқиш: Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти ҳузурида Европа Иттифоқи ахборот марказини ташкил этиш (Европа Иттифоқи томонидан биргаликда молиялаштирган ҳолда); Европа Иттифоқи ташкилотлари ва жамғармалари грантлари бўйича илмий тажриба ошириш доирасида илм-фан айирбошлашни йўлга қўйиш; Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида икки томонлама муносабатларни чуқурлаштириш масалалари, минтақавий хавфсизлик муаммолари бўйича биргаликда халқаро семинарлар ва конференциялар, шу жумладан «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» мавзуда конференциялар туркумини ўтказиш	2004—2006 йиллар	Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институти, Ташқи ишлар вазирлиги
4.14.	Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳузуридаги Сиёсий тадқиқотлар маркази билан Европа Иттифоқи аъзо мамлакатларнинг ана шундай марказлари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш	Доимо	Ташқи ишлар вазирлиги
V. Иқтисодий соҳадаги ҳамкорлик.			
Ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини ривожлантириш			
5.1.	Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар билан, Европа Иттифоқини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда (Дания Қироллиги, Кипр Республикаси, Мальта Республикаси, Эстония Республикаси) инвестицияларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.2.	Европа Иттифоқи аъзо мамлакатлар билан Европа Иттифоқини кенгайтиришни ҳисобга олган ҳолда иккиламчи солиққа солишга йўл қўймаслик тўғрисидаги битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш (Дания Қироллиги, Испания Қироллиги, Швеция Қироллиги, Венгрия Республикаси, Ирландия Республикаси, Кипр Республикаси, Мальта Республикаси, Словения Республикаси, Эстония Республикаси)	2004—2007 йиллар	Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.3.	Божхона ва солиқ сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларини Европа Иттифоқи қонун ҳужжатлари билан ўзаро мақбул асосда ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши жараёни доирасида уйғунлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Молия вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги
5.4.	Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан атом энергияси бўйича Европа Ҳамжамияти (Евроатом) ўртасида 2003 йил 6 октябрда имзоланган Битимни кучга киритиш бўйича давлат ички тартиботларини тугаллаш	2004 йил I ярим йиллиги	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси, Ташқи ишлар вазирлиги
5.5.	Европа Иттифоқининг Ўзбекистон Республикаси қўшилиши мақсадга мувофиқ бўлган асосий халқаро шартномалари рўйхатини аниқлаш, жумладан Ўзбекистон Республикасининг хорижий расмий ҳужжатларни эркинлаштириш бўйича талабларни бекор қилувчи 1961 йилдаги Гаага конвенциясига қўшилиши	2004-2005 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.6.	Бельгия, Буюк Британия, Дания, Испания, Кипр, Словения, Франция, Швеция ва Эстония билан автомобиль транспортида халқаро юк ташишлар тўғрисидаги битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу битимларни Австрия, Люксембург, Португалия, Финляндия билан тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш	2004—2006 йиллар	Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.7.	Франция, Люксембург, Швеция, Дания, Венгрия, Чехия Республикаси, Кипр ва Эстония билан ҳаво йўллари соҳасидаги икки томонлама битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу битимларни Испания, Ирландия, Словения, ва Мальта билан тузиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш	2004—2006 йиллар	«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ташқи ишлар вазирлиги
5.8.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан темир йўл алоқаси соҳасидаги икки томонлама битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2006 йиллар	«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги
5.9.	Австрия, Испания, Франция, Португалия, Финляндия, Ирландия, Венгрия, Словакия ва Эстония билан божхона ишларида кўмаклашиш тўғрисидаги битимларни имзолаш масалаларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу битимларни ГФР, Люксембург, Швеция, Буюк Британия, Дания, Словения, Кипр ва Мальта билан тузиш масаласини кўриб чиқиш	2004—2006 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
Савдо масалалари бўйича ҳамкорлик			
5.10.	Европа Иттифоқига янги мамлакатларнинг аъзо бўлиб киришини ва жаҳондаги энг йирик бозорлардан бирининг барпо этилишини ҳисобга олган ҳолда Европа Иттифоқи билан ташқи савдони ривожлантириш тенденцияларини ҳамда экспортни қўпайтириш ва диверсификация қилиш истиқболларини комплекс таҳлил қилиш	2004 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Молия вазирлиги
5.11.	Ўзбекистон бенифециари ҳисобланадиган Европа Иттифоқи Преференциялари бош тизимини махсус рағбатлантирувчи чора-тадбирлар доирасида Европа Иттифоқига экспорт қилинадиган товарлар учун қўшимча тариф преференциялари бериш бўйича ишларни амалга ошириш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар
5.12.	Стандартлаштириш, сертификатлаш ва сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш масалалари бўйича Европа Иттифоқининг тегишли ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантириш	2004-2005 йиллар	«Ўзстандарт» агентлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
5.13.	Йўл қурилиши ва темир йўллар стандартларини жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	«Ўзавтойўл» компанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси
5.14.	Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг тегишли ташкилотлари билан стандартлаштириш, метрология, аккредитация, маҳсулотларнинг мувофиқлигини тасдиқлаш ва ишларнинг натижаларини ўзаро эътироф этиш бўйича маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимлари масалалари юзасидан маслаҳатлашувлар ўтказиш Сертификатлаш ҳужжатларини, шу жумладан қўшма сертификатлаш марказларини ташкил этиш орқали ўзаро эътироф этиш бўйича тадбирларни амалга ошириш	Доимо	«Ўзстандарт» агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.15.	Миллий кадрларнинг Европа Иттифоқига аъзо давлатлар ташкилотларида стандартлаштириш, метрология, аккредитация ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш мувофиқлигини тасдиқлаш соҳасида тажриба орттириши масалаларини ишлаб чиқиш	Доимо	«Ўзстандарт» агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.16.	Ўзбекистон товарлари ва хизматларининг Европа Иттифоқи бозорига кириб бориши учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш ҳамда уларнинг камситилиши элементларига йўл қўймаслик бўйича фаолиятни фаоллаштириш. Нотариф (техник) тўсиқларни бартараф этиш, ISO стандартларини жорий этиш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги
5.17.	Тўқимачилик бўйича битимнинг амал қилиши тўхтатилиши ва 2005 йилдан бошлаб Европа Иттифоқи бозорида тўқимачилик маҳсулотлари савдосининг миқдорий чеклашлари бекор қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган тўқимачилик товарларини экспорт қилиш шарт-шароитларини таҳлил қилиш. Экспорт ҳажмларини кўпайтириш ва тўқимачилик товарларининг Европа мамлакатлари бозорларидаги рақобатга бардошлилигини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш	2004 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси, Иқтисодиёт вазирлиги
5.18.	Ўзбекистоннинг экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришларини ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқишда, шу жумладан: ривожланаётган мамлакатлардан импортни қўллаб-қувватлаш маркази (Нидерландия, СБИ) билан; ривожлантириш масалалари юзасидан халқаро ҳамкорлик бўйича Швеция агентлиги (SIDA) билан; Германия техникавий кўмаклашиш жамияти (GTZ) билан; Италия ташқи савдо институти (ICE) билан ишлаб чиқишда Ташқи савдони ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича Европа миллий ташкилотлари кўмагини кенгайтириш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси
5.19.	Хусусий сектор раҳбарларини касбий тайёрлаш ва тажриба орттириши бўйича хусусий тадбиркорликни ва кичик бизнесни, хусусий сектор корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган товарларни Европа бозорларига чиқариш имкониятларини ривожлантириш жараёнига кўмаклашиш мақсадида Европа Иттифоқи мамлакатлари савдо-саноат палаталари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш	Доимо	Иқтисодиёт вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.20.	Ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш, Европа мамлакатларига экспортни ривожлантириш мақсадида Европа мамлакатларида Ўзбекистон Республикаси корхоналари томонидан савдо уйлари ва савдо ваколатхоналари ташкил этиш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекивест» компанияси, Давлат мулки қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.21.	Европа Иттифоқи аграр, техник ва демпингга қарши сиёсат нормаларини Марказий ва Шарқий Европа Болтиқ давлатларига татбиқ этишда Ўзбекистон манфаатларини таъминлаш мақсадида Европа Иттифоқи ва унга янги аъзо мамлакатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказиш	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
5.22.	Янги мева-сабзавотларни ва қуруқ меваларни экспорт қилиш ҳамда уларни Европа Иттифоқи стандартлари бўйича сертификатлаш масалалари юзасидан Болтиқ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш	2004—2006 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси
5.23.	Европа Иттифоқига янги аъзо мамлакатлар ҳудудлари ва портларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон ва Европа давлатлари ўртасида мультимодаль юк ташишларни ривожлантириш бўйича қўшма тадбирларни амалга ошириш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги
Инвестиция соҳасида ва молиявий ҳамкорлик			
5.24.	Тўғридан-тўғри инвестицияларни Ўзбекистон иқтисодиётининг реал секторига жалб этишни рағбатлантириш юзасидан Европа Иттифоқи мамлакатлари инвестиция институтлари ва банклари билан биргаликда инвестиция лойиҳалари пакетини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
5.25.	Европа Иттифоқи мамлакатлари ҳукумат тузилмалари билан ОЭСР таснифи бўйича Ўзбекистон Республикасининг кредитга қодирлик рейтингини ошириш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.26.	Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан биргаликда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар потенциал инвесторларини Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция муҳити ва инвестиция имкониятлари, хусусийлаштириш жараёнлари тўғрисида хабардор қилиш бўйича мақсадли инвестиция конференциялари ва бизнес-семинарлар ўтказиш масалаларини ишлаб чиқиш	Доимо	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси
5.27.	Ҳамкорлик кенгаши ва қўмитасининг режалаштирилаётган мажлислари доирасида Тошкент ва Брюссель шаҳарларида «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» бизнес-форум мажлисларини ўтказиш	2004-2005 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
5.28.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ва Ўзбекистоннинг ишбилармон доиралари делегациялари ташрифларини, шу жумладан икки томонлама савдо-иқтисодий комиссияларнинг мунтазам мажлислари доирасида мунтазам ва тизимли асосда ташкил этиш (Австрия, Буюк Британия, Германия, Греция, Италия, Латвия, Литва, Польша, Финляндия, Франция, Чехия, Словакия)	Доимо	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг Европа мамлакатларидаги дипломатик ваколатхоналари
5.29.	Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш учун имтиёзли кредитларни жалб этиш бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари ва унга янги аъзо мамлакатлар билан ҳамкорлик (ГФР, Бельгия, Испания, Польша)	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий таълим вазирлиги
5.30.	Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш соҳасида Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	2004—2006 йиллар	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «Ўзмиллийбанк», тегишли вазирликлар ва идоралар
5.31.	Транспорт инфратузилмаси, энергетикани ривожлантириш соҳасида устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун узоқ муддатли кредитларни жалб этиш (Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Германия тараққиёт банки, Гермес)	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.32.	Имтиёзли кредитлар ва грантлардан фойдаланган ҳолда қишлоқ аҳоли яшаш пунктларини ичимлик сув билан таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини ишлаб чиқиш (Франция, Испания, Германия)	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
5.33.	Ўзбекистоннинг умумтаълим мактабларини ўқув асбоб-анжомлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлашни молиялаштириш учун имтиёзли кредитларни жалб этиш (Франция, Германия, Бельгия, Австрия)	2004-2005 йиллар	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
5.34.	Кичик бизнесни ривожлантириш учун кредит линияларини жалб этиш (Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Польша, Чехия, Германия, Италия)	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.35.	Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун имтиёзли кредитларни жалб этиш (Польша, Германия, Испания, Франция, Чехия)	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда
5.36.	Юқумли касалликлар профилактикаси бўйича, шу жумладан: карантин ва алоҳида хавfli инфекциялар профилактикаси бўйича; сил касаллиги ва вирусли гепатитлар профилактикаси бўйича миллий дастур доирасида; ВИЧ/ОИТС ва бошқа касалликлар профилактикаси ва уларга қарши курашиш бўйича; ўткир ичак касалликлари, вабога қарши ва бошқаларга қарши курашиш бўйича давлат мақсадли дастурларини амалга оширишга молиявий ва техник кўмакни жалб этиш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги
5.37.	Ресурсларни тежайдиган технологияларни жалб этишга молиявий ва техник кўмакни жалб этиш масалалари юзасидан Европа Энергетика Хартияси (Гаага, 1991 йил) доирасида Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш	Доимо	«Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзбекнефтгаз» МХК, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.38.	Афғонистонда иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишда (энергетикани, ирригация иншоотларини тиклаш, автомобиль йўллари, кўприклар қуриш) Ўзбекистон Республикасининг иштироки бўйича масалаларни Европа Иттифоқи ва унга аъзо мамлакатлар билан ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, «Ўзавтойўл» компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.39.	Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш соҳасидаги ҳамкорлик бўйича амалий тадбирларни ишлаб чиқиш, миллий мутахассисларнинг Европа фонд биржаларида ва инвестиция институтларида тажриба орттиришини ташкил этиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Адлия вазирлиги, Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази
5.40.	Молия ташкилотлари ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар билан: солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш, давлат қарзини бошқариш; давлат бюджетининг ижроси, дастурий-мақсадли молиялаштириш соҳасида ўрта муддатли прогнозлаш ва режалаштириш; пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ва миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш; пул тизими фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш	2004-2005 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
5.41.	Туризм соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш ва: Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг туристик компанияларини Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш дастурлари доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишга жалб этиш; Ўзбекистонда Европа туризм компаниялари иштирокида туризм ярмаркалари ташкил этиш; Европа бозорида Ўзбекистон туризм компаниялари фаолиятини, шу жумладан Европа Иттифоқига аъзо давлатларнинг ҳар йилги ярмаркаларида уларнинг иштирокини ташкил этиш йўли билан фаоллаштириш тадбирларини тузиш (Лондондаги «World travel market», Берлиндаги «ITB», Брюсселдаги «BELASIA» ва бошқалар) масалаларини ишлаб чиқиш	Доимо	«Ўзбектуризм» миллий компанияси, Ташқи ишлар вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.42.	Потенциал шериклар (Жаҳон банкининг экспериментал карбон фонди, Германия тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Австрия, Германия, Нидерландлар) билан Парник газлари эмиссиясини қисқартириш бўйича Киот протоколи доирасида «Соф ривожлантириш механизми» соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида ўзаро ҳамфикрлик ҳақидаги меморандумларни имзолаш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўзбекэнерго» давлат-акциядорлик компанияси, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Технологиялар трансферти агентлиги
5.43.	Европа Иттифоқи компанияларини замонавий транспорт инфратузилмасини ривожлантириш лойиҳаларини амалга оширишга жалб этиш	Доимо	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Давлат божхона қўмитаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси
ТАСИС дастури доирасидаги ҳамкорлик			
5.44.	Лойиҳаларнинг инвестиция таркибий ҳажмини ва амалий натижадорлигини кўпайтириш масаласини ишлаб чиққан ҳолда ТАСИС доирасида техникавий кўмак дастурларини рўёбга чиқариш самарадорлигини ошириш	Доимо	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «ЎзБюроКЕС»
5.45.	1992—2003 йилларда Европа Иттифоқи-ТАСИС дастури доирасида амалга оширилган лойиҳалар комплексини эксперт таҳлил қилиш	2004 йил	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «ЎзБюроКЕС»
5.46.	ТАСИСнинг техник кўмаги дастури доирасида Европа Иттифоқи билан биргаликда ҳамкорликнинг ўрта муддатли стратегик йўналишларини, шу жумладан: маъмурий ислоҳотларни; атроф муҳитни муҳофаза қилишни; таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофазани; иқтисодий ўсиш ва хусусий секторни ривожлантиришни; транспорт, энергетика ва ахборот инфратузилмасини; ҳуқуқ ва суд тизимини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «ЎзБюроКЕС»

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.47.	ТАСИС дастури доирасида илгари келишилган йўналишлар асосида техник ҳамкорликнинг икки йиллик ва ҳар йилги дастурларини, шунингдек молиялаштириш бўйича битимларни ишлаб чиқиш ва имзолаш	2004—2008 йиллар	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «ЎзБюроКЕС», тегишли вазирликлар ва идоралар
5.48.	ТАСИС дастури доирасида келишилган лойиҳаларни самарали ижро этишни таъминлаш ва рўёбга чиқаришнинг тизимли мониторингини амалга ошириш	2004—2008 йиллар	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «ЎзБюроКЕС», тегишли вазирликлар ва идоралар
5.49.	Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни самарали амалга ошириш учун ТАСИС дастури доирасида зарур эксперт кўмакни жалб этиш	2004—2006 йиллар	Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «ЎзБюроКЕС»
5.50.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар томонидан корхоналарга, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес корхоналарига экспорт маҳсулотини сертификатлашни ташкил этишда кўмак олиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, «Ўстандарт» агентлиги, Давлат мулки қўмитаси, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси
5.51.	Европа Иттифоқи (Евробожхона) ва Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар божхона хизматлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича ТАСИС лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «ЎзБюроКЕС»
5.52.	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг ахборот тизимларини «Транзит» Европа Ҳамжамияти маълумотлари базасига улашнинг технологик ва техник дастурларини биргаликда ишлаб чиқиш	2004—2006 йиллар	Давлат божхона қўмитаси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
5.53.	Бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида замонавий методология негизида давлат статистикаси тизимини тегишли халқаро стандартларга, шу жумладан: Давлат статистика қўмитаси ва «Евростат» ўртасида тегишли битимни имзолаш; давлат статистика тизимида замонавий ахборот технологияларини ва ахборот ресурсларини шакллантириш методларини жорий этиш йўли билан мослаштиришда Европа Иттифоқи қўмағи масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Давлат статистика қўмитаси, «ЎзБюроКЕС», Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти
5.54.	USCAAP ва IAS халқаро стандартлари бўйича молия мутахассисларини касбий тайёрлашга қўмаклашиш	2004—2008 йиллар	«Ўзстандарт» агентлиги, «Ўзбекнефтгаз» компанияси, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти
5.55.	Ирригация (сув таъминотини яхшилаш, қурғоқчилик ва сув тақчиллигини, чўлланишни, тупроқнинг шўрланишини баргараф этиш, селекция ишларини амалга ошириш) соҳасида Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг илмий-тадқиқот институтлари ҳамкорлигини ривожлантириш	2004—2006 йиллар	Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.56.	Европа Иттифоқининг Келишилган олтинчи дастури (ИНКО, ИНТАС ва НТЦУ) доирасида Ўзбекистон олимлари ва мутахассисларининг иштирокини кенгайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш	2004 йил II чорак	Фан ва технологиялар маркази, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.57.	Европа Иттифоқининг илмий-техника ташкилотлари билан биргаликда технологиялар трансферти бўйича илмий семинарлар, конференциялар, ўқув курслари режасини шакллантириш	Ҳар йили	Фан ва технологиялар маркази
5.58.	ТЕМПУС дастури доирасида: илмталаб технологиялар, био-, нано-, опто-, микротехнологиялар ва шу қабилар соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича олий таълимнинг муҳандислик-техник йўналишларини ривожлантириш ва такомиллаштириш;	2004—2006 йиллар	Олий таълим вазирлиги, «ЎзБюроКЕС»

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	Ўзбекистон учун устувор йўналишлар бўйича Европа олий ўқув юртлари билан ҳамкорлик дастурларида қатнашишни таъминлаш; компьютер технологиялари (дастурчилар), иқтисодиёт, ташқи савдо соҳасида мутахассислар, менежерлар, Европа тилларини биладиган мутахассислар тайёрлаш соҳасида техник ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш		
5.59.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг манфаатдор ташкилотлари билан биргаликда ТАСИС дастури доирасида маиший ва саноат чиқиндиларини сақлаш ва қайта ишлашни тартибга солиш тадбирларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «ЎзБюроКЕС»
5.60.	Энергиянинг муқобил манбалари ишлаб чиқаришини ташкил этиш лойиҳалари концепцияларини ва техник-иқтисодий асосини ишлаб чиқиш учун техник кўмакни жалб этиш	2004—2006 йиллар	Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
5.61.	ТРАСЕКА транспорт коридори доирасида ҳамкорлик қилиш ва: ТРАСЕКА дастури вазирликлар конференциялари қарорларини амалда бажариш; инвестиция лойиҳалари ҳажмларини, шу жумладан Ўзбекистонда кўпайтириш; трансалфғон коридорини ривожлантириш учун ТРАСЕКА ресурсларидан фойдаланиш; халқаро юк ташишлар самарадорлигини ошириш; Афғонистоннинг ТРАСЕКА дастурига қўшилиши истиқболларини ҳисобга олган ҳолда Афғонистоннинг транспорт ва чегара инфратузилмасини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни Европа Иттифоқи билан ўрганиш ва амалга ошириш; Ўзбекистон мутахассисларининг транспорт логистикасини ривожлантириш масалалари бўйича тажриба орттиришини ташкил этиш ва амалга ошириш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	ТРАСЕКА Миллий комиссияси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАК, «ЎзБюроКЕС», тегишли вазирликлар ва идоралар
VI. Интеллектуал, саноат ва тижорат мулкни муҳофаза қилиш			
6.1.	Адабий ва бадий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Берн конвенциясига (Париж ҳужжати, 1971 йил) қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат патент идораси, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
6.2.	Ижрочилар, фонограммалар тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияга (Рим, 1961 йил) қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Муаллифлик ҳуқуқини муҳофаза қилиш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат патент идораси, Ташқи ишлар вазирлиги
6.3.	Фонограммалар ишлаб чиқарувчилар манфаатларини улар фонограммаларининг ноқонуний ишлаб чиқарилишидан муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенцияга (Женева, 1971 йил) қўшилиш масаласини ўрганиш	2004-2005 йиллар	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги, Давлат патент идораси, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
6.4.	Белгиларни халқаро рўйхатдан ўтказишга доир Мадрид битимига (Мадрид, 1989 йил) тааллуқли протоколга қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Давлат патент идораси, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
6.5.	Селекция ютуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенцияга (UPOV) қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Давлат патент идораси, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
6.6.	«Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш	2005 йил	Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Адлия вазирлиги
6.7.	Фирма номлари соҳасида ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш	2005 йил	Давлат патент идораси, Адлия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги
6.8.	Патент ҳуқуқи тўғрисидаги шартномага (2000 йил) қўшилиш масаласини ўрганиш	2004—2006 йиллар	Давлат патент идораси, Адлия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
6.9.	Саноат намуналарини халқаро таснифлашни таъсис этиш тўғрисидаги Локкарн битимига (1968 йил) қўшилиш масаласини ўрганиш	2004-2005 йиллар	Давлат патент идораси, Адлия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
6.10.	Интеллектуал мулк объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги миллий қонун ҳужжатларини Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти ва Жаҳон савдо ташкилоти томонидан бошқариладиган халқаро битимлар ва шартномаларнинг тегишли талабларига мувофиқлаштириш бўйича таклифларни мониторинг қилиш ва тайёрлаш	2004 йил 1 июлгача	Давлат патент идораси, Адлия вазирлиги, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Олий Мажлиснинг амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
6.11.	Ўзбекистон Республикасининг 1961 йилдаги Хорижий расмий ҳужжатларни эркинлаштириш бўйича тугатилаётган талабларнинг Гаага конвенциясига қўшилиши масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги
VII. Фан, техника, таълим, экология, соғлиқни сақлаш ва маданият масалалари бўйича ҳамкорлик, Фан ва техника			
7.1.	Икки томонлама битимлар доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи олимлари ва мутахассислари иштирокида танлов асосида қўшма тадқиқот дастурларини шакллантириш	2004—2008 йиллар	Фан ва технологиялар маркази, Ташқи ишлар вазирлиги
7.2.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар илмий марказлари билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қарашли институтлар ўртасида мавжуд лойиҳалар бўйича ишларни давом эттириш ва янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш	Доимо	Фанлар академияси
7.3.	Европа Иттифоқи илмий-тадқиқот дастурлари бўйича грантларни бажариш юзасидан ўқув курслари ва илмий семинарлар ўтказишни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш	Доимо	Фан ва технологиялар маркази
Таълим ва касб тайёрлаглиги			
7.4.	Талабалар, аспирантлар ва ўқитувчиларни кенг айирбошлаш мақсадида Европа Иттифоқи мамлакатларининг етакчи олий ўқув юртлари билан тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш	Доимо	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.5.	Устувор йўналишлар бўйича қўшма таълим марказлари, шунингдек Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг етакчи олий ўқув юртлари билан биргаликда ўқув-илмий-ишлаб чиқариш марказлари ва технопарклар ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	2004—2008 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази, Ташқи ишлар вазирлиги
7.6.	Ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими секторига ҳамкорлик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Қуйидаги масалаларни ишлаб чиқиш: Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ўқув юртлари томонидан Ўзбекистон талабаларига бериладиган таълим стипендияларини кўпайтириш; Европа Иттифоқининг таълим дастурлари доирасида Ўзбекистон ёшларининг Европа олий ўқув юртларида ўқишини ташкил этиш. Ўзбекистон Республикаси ўқув юртлари профессор-ўқитувчиларнинг тажриба орттириши ва малака оширишини ташкил этиш;	2004—2008 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, «Истеъдод» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «ЎзБюроКЕС»

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
	педагог ва муҳандис-педагог кадрларни Европа Иттифоқи мамлакатларининг етакчи таълим муассасалари ва ўқув юртлирида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш		
7.7.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар тилларини ўрганиш бўйича, шу жумладан синхрон таржимонлар малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик қилиш	Доимо	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
7.8.	ГФР ер таълими вазирлари конференцияси (PAD) ва Гёте номидаги институт педагогик айирбошлаш дастури доирасида ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг тажриба орттиришини ташкил этиш	Доимо	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.9.	«Марказий Осиё мамлакатларига бегараз ёрдам кўрсатиш» дастури доирасида «АЙЕ КОНТАКТ» ва «Мерси проджект» (Буюк Британия) хайрия ташкилотлари билан махсус таълим бўйича ҳамкорликни кенгайтириш	2004—2006 йиллар	Халқ таълими вазирлиги
7.10.	Британия Кенгаши ва Гёте номидаги институт билан биргаликда республиканинг умумтаълим мактаблари учун инглиз ва немис тилида дарсликларни тайёрлаш ва нашр этиш	2004 йил	Халқ таълими вазирлиги
7.11.	Мактаб ўқувчиларининг Европа Иттифоқи мамлакатларида танловлар, викториналар, мамлакатшунослик сайёҳатларида иштирокини ташкил этиш	Доимо	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.12.	Республика мактаблари, мактабдан ташқари муассасалари, ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ва педагогика олий ўқув юртлирининг Европа Иттифоқи давлатларининг ана шундай ўқув юртлири билан шериклик алоқаларини ўрнатиш	Доимо	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.13.	Республиканинг илмий-педагогик ишланмалар билан шуғулланувчи мутахассисларининг халқаро конференцияларда, симпозиумларда иштирокини ташкил этиш	2004—2006 йиллар	Халқ таълими вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.14.	Европалик шериклар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлири учун Европа сиёсати мавзуси бўйича ўқув дастури фанлари ўқитилишини ишлаб чиқиш ва жорий этиш	2004—2006 йиллар	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
Соғлиқни сақлаш			
7.15.	«Ҳомиладор аёлларнинг пренаталь скрининги учун скрининг марказларни асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш лойиҳаси»ни тайёрлаш ва амалга оширишда молиявий ва техник кўмакни жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, ЎзБюроКЕС
7.16.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Глобалъ фонд доирасида Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиши масаласини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.17.	Республиканинг қуйидаги тиббиёт марказларини: Ихтисослаштирилган республика урология маркази; Ихтисослаштирилган республика травматология маркази; Ихтисослаштирилган республика кўз микрохирургияси маркази; Ихтисослаштирилган республика кардиология марказини энг янги тиббиёт асбоб-ускуналари билан техник қайта жиҳозлаш лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг молиявий ва техник кўмагини жалб қилиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
7.18.	Рак касалликларини даволашда радиоизотоп диагностикани яхшилашда Европа Иттифоқининг кўмаклашиши масаласини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7.19.	Ўзбекистон Республикаси ҳамда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларларнинг тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқиш	2004 йил 1 октябргача	Соғлиқни сақлаш вазирлиги
7.20.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда тиббий суғуртани ташкил этиш тажрибасини Ўзбекистон Республикасида амалиётда фойдаланиш учун ўрганиш	2004-2005 йиллар	Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Давсуғуртаназорат»
Атроф муҳит			
7.21.	Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқ Ўзбекистон учун чиқиндиларни бошқариш бўйича миллий стратегияни ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш	2005-2006 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
7.22.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ташкилотлари ва компаниялари билан биргаликда экологик тоза ишлаб чиқаришлар дастурларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
7.23.	Европа Иттифоқи муассасалари ва фондлари билан биргаликда Биологик ранг-барангликни сақлаш бўйича миллий стратегияни ва ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси
7.24.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг манфаатдор илмий муассасалари билан биргаликда Орол денгизининг дастлабки тизимини ва биологик ранг-баранглигини тиклаш дастурини ишлаб чиқиш	2004—2008 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фанлар академияси, Фан ва технологиялар маркази
7.25.	Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқ атроф муҳитни ифлослантириш ва маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш бўйича ҳужжатларни нормалаштиришнинг тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш	2004 йил	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, «Ўзстандарт» агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги
7.26.	Европа Иттифоқи муассасалари билан ҳамкорлик асосида озонни бузувчи моддалардан фойдаланишни тўхтатиш миллий дастурини амалга ошириш	2004 йил	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
7.27.	Европа Иттифоқи ва донор мамлакатлар маблағларини жалб қилган ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари чегара ҳудудларидаги кон жинсларининг қолдиқлари майдонларини реабилитация қилишни таъминлаш дастурини амалга ошириш	2004—2008 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, ЎзБюроКЕС
7.28.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар иштирокида атроф муҳит ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг аҳволи мониторинги тизимини ривожлантириш	2006—2008 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси
7.29.	Ўзгармас органик ифлослантириш бўйича Стокгольм конвенциясига қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2005-2006 йиллар	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, тегишли вазирликлар ва идоралар
7.30.	Оролни қутқариш халқаро жамғармасини БМТ тузилмасига киритиш жараёнида Европа Иттифоқининг сиёсий қувватлашига ва амалий кўмагига эришиш	2004—2008 йиллар	Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар
7.31.	Чегара яқинидаги атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги конвенцияга (1991 йил, Эспо шаҳри) қўшилиш масаласини ишлаб чиқиш	2004 йил	Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, тегишли вазирликлар ва идоралар

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
7.32.	Ер ости бойликларидан ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича Европа Иттифоқи мамлакатлари билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш. Мазкур соҳаларда мутахассислар тайёрлаш	2004—2008 йиллар	Давлат геология қўмитаси, Ташқи ишлар вазирлиги
7.33.	Европа Иттифоқи кўмагида ер ости сувлари ва аҳолини ичимлик сув билан таъминлашнинг сифатли манбалари давлат мониторинги тизимини ишлаб чиқиш. Юқори техноген юкламага эга бўлган районларда геоэкологик тадқиқотлар ўтказиш	2004—2008 йиллар	Давлат геология қўмитаси, Ҳамкорлик кенгаши котибияти
Маданият			
7.34.	Чехия, Кипр ва Эстония билан маданий ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битимларни имзолаш масаласини ишлаб чиқиш, ушбу битимларни Австрия, Бельгия, Люксембург, Нидерландлар, Португалия, Швеция, Финляндия, Дания, Ирландия, Венгрия, Словения, Мальта билан тузиш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш	2004—2006 йиллар	Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.35.	Германия ва Франциядаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ҳузурида Ўзбекистон маданий марказларини очиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.36.	2005 йилда Мадрид, Барселона шаҳарларида Кастилия Қироллиги билан Амир Темур давлати ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигининг 600 йиллигига бағишланган «Самарқандда Кастилия элчихонаси, Клавихо Амир Темур саройида» мавзуида музей экспонатлари кўргазмаларини ташкил этиш ва ўтказиш масаласини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Маданият ишлари вазирлиги, Фанлар академияси, «Ўзбекмузей» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги
7.37.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда «Ўзбекистоннинг ўрта аср эпиграфияси», «XIX-XX асрларда Ўзбекистон этнографияси», «Самарқанд, Бухоро, Фарғона ва Хоразм халқ амалий санъати» кўргазмаларини, шунингдек Ўзбекистон тўғрисидаги (суратлар, расмлар, тасвирий санъат) кўргазмаларни ўтказиш	2004—2008 йиллар	Маданият ишлари вазирлиги, Бадий академия, Ташқи ишлар вазирлиги
7.38.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда мусиқа, рақс ва театр жамоалари гастролларини, халқаро фестивалларда, танловларда қатнашишини ташкил этиш	Доимо	Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «Ўзбекрақс» бирлашмаси, «Ўзбектеатр» бирлашмаси

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
7.39.	ТАСИС дастури линияси бўйича Адабий ва бадиий асарларни муҳофаза қилиш бўйича Берн конвенцияси (Париж ҳужжати, 1971 йил) ҳамда Ижрочилар, фонограммалар тайёрловчилар ва эшиттириш ташкилотлари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенция (Рим, 1961 йил) қоидаларини қўлланиш бўйича маслаҳатлашувлар ўтказиш	2004-2005 йилларда ва кейинчалик мунтазам асосда	Маданият ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш агентлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «ЎзБюроКЕС».
7.40.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар маданият ва санъат намоёндаларининг Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган халқаро фестиваллар, танловларда (Самарқанддаги «Шарқ тароналари», Бойсундаги (Сурхондарё) «Бойсун баҳори») қатнашишини ташкил этиш	Алоҳида режа бўйича	Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
7.41.	Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг молиявий ва техник кўмагини жалб этган ҳолда ижодий ва маданий муассасалари тизими ходимлари учун тренинг-семинарлар ташкил этиш масалаларини ишлаб чиқиш	Доимо	Маданият ишлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, «ЎзБюроКЕС»
VIII. Ижтимоий соҳадаги ҳамкорлик			
8.1.	Қуйидагиларни: ногиронлар жамоат ташкилотлари ходимлари ва раҳбарларининг малакасини, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича ўқув-амалий курслар ташкил этиш; ҳуқуқий билимлар, қонун ҳужжатларини ўрганиш, шунингдек ногирон шахслар учун ҳар хил мутахассисликлар бўйича курслар ташкил этиш; ногиронларни ижтимоий ва психологик реабилитация қилиш, ишга ва жамоат ишларига жойлаштириш масалаларини ҳал этиш; ногиронларга моддий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Ногиронлар жамияти Марказий бошқаруви ҳузурида «Ногиронларнинг ўқув-меҳнат ва ижтимоий реабилитацияси маркази»ни ташкил этиш лойиҳасини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Европа Иттифоқининг молиявий ва техник ёрдамини жалб этиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004-2005 йиллар	Ўзбекистон Ногиронлар жамияти, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамасининг Ташқи иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестициялар департаменти, «ЎзБюроКЕС»

Т/р	Тадбирларнинг номи	Муддатлари	Бажариш учун масъуллар
8.2.	Ўзбекистон ёшларининг Европа Иттифоқи етакчи фирмалари ўқув-ишлаб чиқариш базасида касбга ўқишни ташкил этиш. Ўзбекистон ёшларининг Европа Иттифоқи мамлакатларида ўқиши ва ишга жойлашиши учун квоталар бериш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи мамлакатлари ўртасида икки томонлама шартномалар тузиш масалаларини ишлаб чиқиш	2004—2006 йиллар	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Ташқи ишлар вазирлиги
8.3.	Нодавлат пенсия тизимини шакллантиришда, шу жумладан бадал тўловчиларнинг шақклантирилган ҳисобини ташкил этиш масалаларида Европа Иттифоқи мамлакатлари тажрибасини ўрганиш. Ўзбекистон Республикасининг пенсия тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш	2004-2005 йиллар	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
8.4.	Уйда, даволаш-ижтимоий муассасаларда ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш марказларида ижтимоий хизмат кўрсатиш бўйича Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг илғор ижтимоий технологияларини ўрганиш. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий таъминлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш	2004—2008 йиллар	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
8.5.	«Соғлом авлод учун» жамғармаси билан Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг тегишли хайрия ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатиш	2004-2005 йиллар	«Соғлом авлод учун» жамғармаси, Ташқи ишлар вазирлиги

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 мартдаги 134-сон қарорига
3-ИЛОВА

**«Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг
Ўзбекистонга оид қисми тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни таъсис этувчи 1996 йил 21 июндаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қоидаларига мувофиқ ташкил этилган «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми (кейинги ўринларда Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми деб аталади) вазирликлар ва идораларнинг Европа Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантириш сайъ-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи, шунингдек Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимнинг самарали амалга оширилишини таъминловчи орган ҳисобланади.

2. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисмига Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири — «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгашининг ҳамраиси раҳбарлик қилади.

II. Асосий вазифалари ва функциялари

4. Комплекс дастурда белгиланган тадбирларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қоидаларини келгусида бажариш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, сиёсий мулоқотларни ривожлантириш ва кенгайтириш, Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар билан савдо-иқтисодий, ижтимоий, илмий, технологик ва маданий ҳамкорлик доирасидаги ахдлашувларни бажариш Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисмининг асосий вазифаси ҳисобланади.

5. Қуйидагилар Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисмининг асосий функциялари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан ҳар томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштиришнинг умумий стратегияси бўйича таклифлар тайёрлаш;

Кенгаш доирасида Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқининг ҳамкорлиги, Европа Иттифоқи ҳамда унга аъзо давлатлар билан шериклик муносабатлари масалалари бўйича сиёсий мулоқотнинг узвийлигини ва унга кўмаклашишни, Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, суд-ҳуқуқ ва маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг Европа Иттифоқи билан сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича вазирликлар ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш;

миллий қонун ҳужжатларини Европа Иттифоқи қонун ҳужжатларига мослаштиришга ҳамда Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларини бажаришга йўналтирилган тавсияларни ишлаб чиқиш;

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қоидаларини бажариш бўйича комплекс чора-тадбирларни, тадбирлар режаларини тасдиқлаш ва уларнинг ижросини назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи Ҳамкорлик қўмитаси ҳамда ҳамкорлик кичик қўмиталарининг Ўзбекистонга оид қисми вазифаларини тасдиқлаш ва фаолиятини мувофиқлаштириш.

III. Тузилмаси ва таркиби

6. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми таркибига Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми раиси, Парламентлараро ҳамкорлик қўмитасининг Ўзбекистонга оид қисми раиси (келишув бўйича), Ҳамкорлик қўмитасининг Ўзбекистонга оид қисми раиси, шунингдек кичик қўмиталар раҳбарлари киради.

7. Ҳамкорлик қўмитаси ва кичик қўмиталарнинг Ўзбекистонга оид қисми функциялари, ваколатлари ва уларнинг фаолияти тартиби Кенгаш томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ белгиланади.

8. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми фаолиятини таъминлаш, унинг мажлисларини ташкил этиш ва ўтказиш учун Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми котибияти (кейинги ўринларда Котибият деб аталади) ташкил этилади.

9. Котибият функциялари, ваколатлари ва фаолияти тартиби Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ белгиланади.

IV. Ваколатлари

10. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг комплекс чора-тадбирлари дастурида белгиланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот сўраб олиш ва уни эшитиш;

Олий Мажлис ва Вазирлар Маҳкамасига Парламентлараро ҳамкорлик қўмитаси (келишув бўйича), Ҳамкорлик қўмитаси ва унинг кичик қўмиталари мажлислари кун тартибига, Ўзбекистон Республикасининг делегацияларига кўрсатмаларга таклифлар киритиш;

Вазирлар Маҳкамасига Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар киритиш;

кичик қўмиталарга Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамкорлигини амалга ошириш масалаларини ҳал қилишни юклаш;

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим қоидаларини бажаришга доир маслаҳатлашувлар ўтказиш ва бажарилиши мажбурий бўлган зарур тадбирлар ишлаб чиқиш;

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш мақсадида бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

11. Кенгашнинг Ўзбекистонга оид қисми томонидан қабул қилинадиган қарорлар ижро этувчи ҳокимият органлари ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

V. Ишларни ташкил этиш

12. «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми мажлислари йилнинг ҳар чорагида ўтказилади.

13. «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Кенгашининг мажлисларини тайёрлаш мақсадида Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисмининг навбатдан ташқари мажлислари ўтказилиши мумкин.

14. «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми фаолиятига раис раҳбарлик қилади, Раис:

Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми мажлисларини олиб боради;

Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми мажлислари кун тартибини тасдиқлайди;

Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битимни амалга ошириш масалалари бўйича бошқа давлатларнинг тегишли органлари ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларда Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми номидан вакиллик қилади;

Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича бошқа функцияларни бажаради.

15. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми ўзига юкланган вазифаларни амалга ошириш учун, зарур ҳолларда, вазирликлар, идоралар, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари раҳбарларини, шунингдек келишув бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларини, халқаро ташкилотлар ва бизнес вакилларини, бошқа мамлакатлар дипломатик вакилларини жалб қилиши мумкин.

16. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми ўз ишларини ўзи тасдиқлайдиган иш режасига мувофиқ ташкил этади.

17. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми мажлислари қарорлари протоколлар билан расмийлаштирилади, улар Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми раиси томонидан имзоланади.

18. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми асосий вазифалар ва ўз фаолияти йўналишларига мувофиқ ишчи гуруҳлар ташкил этишга ҳақлидир.

VI. Яқунловчи қоидалар

19. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми фаолияти «Ўзбекистон-Европа Иттифоқи» Ҳамкорлик кенгаши фаолияти тўхтатилган пайтдан бошлаб тўхтатилади.

20. Кенгашининг Ўзбекистонга оид қисми фаолиятини тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорига кўра амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 мартдаги 134-сон қарорига
4-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз қучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамиятлари ва уларга аъзо давлатлар ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар ҳақида» 1999 йил 5 июлдаги 328-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Ўзбекистон Республикаси билан Европа ҳамжамиятлари ва уларга аъзо давлатлар ўрта-

сидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни амалга ошириш юзасидан комплекс дастури тўғрисида» 1999 йил 3 сентябрдаги 415-сон қарори.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда Овropa Иттифоқи Комиссиясининг техникавий ёрдамни мувофиқлаштириш Бюросини ташкил этиш тўғрисида» 1994 йил 24 январдаги 29-сон қарорида 2-банд чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Икки томонлама Ҳукуматлараро ва идоралараро комиссиялар, қўмиталар ҳамда кенгашлар таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 14 декабрдаги 520-сон қарорига 1-илова чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳукумат комиссияларини ташкил этиш масалалари бўйича айрим қарорларига ўзгартиришлар, қўшимчалар киритиш ва баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2000 йил 19 сентябрдаги 359-сон қароридаги 1-илованинг 24 ва 29-бандлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

140 Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика «Маънавият ва маърифат» кенгашининг лицензия бериш тўғрисидаги қарорлари протоколини расмийлаштириш, лицензиялар ўз вақтида берилишини назорат қилиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси котибияти томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 март,
135-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 мартдаги 135-сон қарорига
ИЛОВА

**Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш,
дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият
турларини лицензиялаш тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Қуйидагилар киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича лицензияланадиган фаолият турлари ҳисобланади:

бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мультипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш;

киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш ва сотиш;

киновидеомаҳсулотлар прокати.

3. Лицензиялар бериш ва уларни бекор қилиш, қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ёхуд тўхтатиш тўғрисидаги қарорлар Республика «Маънавият-маърифат» кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) хулосалари асосида Вазирлар Маҳкамаси (лицензияловчи орган) томонидан қабул қилинади.

Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлар қабул қилиш, улар юзасидан эксперт хулосалар тайёрлаш, лицензиялар бериш ва қайта расмийлаштириш, лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича ишчи орган функциясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) амалга оширади.

Республика «Маънавият-маърифат» кенгашининг қарори протоколини расмийлаштириш, ишчи орган томонидан лицензияларни ўз вақтида берилиши ва уларнинг ҳисоби олиб борилиши юзасидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекс котибияти амалга оширади.

4. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турлари юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

5. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензиялар умуман фаолият турига ёхуд унинг бир қисмига берилади.

6. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини амалга оширишга лицензия 5 йил муддатга берилади. Лицензия фақат лицензия талабгорининг аризасига кўра беш йилдан кам муддатга берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Қўйидагилар киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини амалга оширишнинг лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

зўравонликни, мамлакат хавфсизлиги ва ижтимоий-сиёсий барқарорликни, фуқаролар тинчлигининг, миллатлараро ва динлараро тотувликнинг бузилишини, Ўзбекистон тўғрисида нотўғри ахборотлар тарқатилишини ҳамда унинг тарихий, маданий ва маънавий бойликларининг бузиб кўрсатилишини тарғиб қилиш учун фойдаланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда тарқатишга йўл қўймаслик юзасидан лицензиатнинг мажбурияти;

а) бадиий ва хроникал-хужжатли, илмий-оммабоп, тасвирий, мултипликацион киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқаришда:

киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, норматив-техник талабларга мажбурий тарзда риоя қилиниши;

киновидеофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган тегишли моддий-техника базасининг, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

б) киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш ва дубляж қилишда: киновидеофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш ва дубляж қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига, киновидеомаҳсулотлар нусхалари техник сифатига қўйиладиган талабларга, шунингдек киновидеомаҳсулотларни кўпайтириш ва дубляж қилишда уларнинг безатилишига оид талабларга мажбурий тарзда риоя қилиниши;

маҳсулотни кўпайтириш ҳуқуқига эга бўлган шахс ёхуд кино ва видео асарларни кўпайтириш ва дубляж қилишга ҳуқуқи бўлган шахснинг розилиги бўлган бошқа буюртмачи томонидан буюртмани тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлиги;

лицензиат томонидан кино ва видео асарнинг маҳсулотнинг номи, ушбу маҳсулот таркибига кирган асарлар номи, тайёрланган нусхалар сони кўрсатилган ҳолдаги тайёрланган нусхаларининг, шунингдек лицензиат ёки тираж буюрмачисининг кино ва видео асарни кўпайтириш ва дубляж қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг ҳисоб-китоби юритилиши;

лицензиат томонидан кино ва видео асарни кўпайтириш ва дубляж қилишга доир ишлаб чиқариш фаолиятининг ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена нормалари талабларига жавоб берувчи, улар тўғрисида лицензияловчи органга ахборот тақдим этилган бинолар ва хоналарда амалга оширилиши;

лицензиат томонидан кино ва видео асарни кўпайтириш ва дубляж қилишга доир ишлаб чиқариш фаолиятини манбаларнинг ҳар қандай турида стандартлар талабларига мувофиқ келувчи асбоб-ускуналар ва техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш;

в) киновидеофильмлар ва дастурларни сотиш ҳамда уларнинг прокати соҳасида: киновидеофильмлар ва дастурларни сотиш ҳамда уларнинг прокати соҳасидаги қонун ҳужжатларига, киновидеомаҳсулотларни сотиш ҳамда уларнинг прокатига қўйиладиган норматив-техник талабларга мажбурий тарзда риоя қилиниши;

кино ва видео асарларга интеллектуал мулк эгаси ҳуқуқлари бузилган тарзда киновидеомаҳсулотларнинг сотилишига ҳамда уларнинг прокатига йўл қўймаслик;

лицензиат томонидан киновидеомаҳсулотларни сотиш ҳамда уларнинг прокатига доир фаолиятни ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена нормалари талабларига жавоб берувчи, улар тўғрисида лицензияловчи органга ахборот тақдим этилган бинолар ва хоналарда амалга оширилиши;

хар бир сеанс бўйича мавжуд ва сотилган патталарнинг қатъий равишда алоҳида олиб борилиши, касса интизоми ва патталарни сотишдан тушган тушумни инкассация қилиш қоидаларига риоя этилиши.

8. Лицензия битимида ушбу Низомнинг 7-бандида санаб ўтилган лицензия талаблари ва шартларидан келиб чиқувчи аниқ талаблар ва шартлар назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатлар

9. Лицензия олиш учун лицензия талабгори лицензияловчи органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади:

юридик шахс учун — юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банкдаги ҳисоб рақами;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, фуқаролик шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг маълумотлари;

фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) ҳамда фаолиятнинг ушбу тури амалга ошириладиган муддат;

б) нотариал тасдиқланган нусхалар:

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси — юридик шахслар учун;

якка тартибдаги тадбиркорнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси — жисмоний шахслар учун;

в) лицензия талабгори томонидан ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Лицензия талабгори томонидан ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатилган ҳужжатларга қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) бадий ва хроникал-ҳужжатли, илмий-оммабоп, мультипликацион, тасвирий киноvideофильмлар ҳамда дастурлар ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш учун — лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд моддий-техник база, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар тўғрисидаги маълумотлар;

б) киноvideофильмларни ҳамда дастурларни кўпайтириш, дубляж қилиш фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензияланадиган фаолият амалга ошириладиган бинолар ва хоналарга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

ёнгин назорати ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена нормалари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосалари;

лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган мавжуд асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситалар тўғрисида маълумотлар;

в) киноvideофильмлар ва дастурларни сотиш ҳамда уларнинг прокати фаолиятини амалга ошириш учун:

лицензияланадиган фаолият тури амалга ошириладиган бинолар ва хоналарга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат;

ёнгин назорати ва санитария-эпидемиология назорати органларининг мавжуд бинолар ва хоналарнинг ёнгин хавфсизлиги ва санитария-гигиена талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги ҳулосалари.

11. Лицензия талабгоридан мазкур Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларнинг тақдим этилишини талаб қилишга йўл қўйилмайди.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан ишчи органга бевосита ёхуд олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Ҳужжатлар ишчи орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).

Нотўғри ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризаларни кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

13. Лицензия талабгори аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида тўлов кунда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида йиғим ундирилади.

Ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим суммаси ишчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

14. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор лицензия талабгорининг аризаси олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Ишчи орган ариза олинган кундан бошлаб ўн беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда ҳужжатларни кўриб чиқади ва улар бўйича Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Кенгаш ишчи органнинг таклифи олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади. Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекс котибияти томонидан Кенгаш йиғилиши протоколи расмийлаштирилади, протокол Кенгаш раиси (унинг ўринбосари) томонидан имзоланади. Зарур ҳолларда Кенгаш қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

Вазирлар Маҳкамаси Кенгашнинг таклифи олинган кундан бошлаб беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ҳамда лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

15. Ишчи орган тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун муддатда лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

Лицензия битими ишчи орган билан лицензиат ўртасида тузилади, унда қуйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, эгаллаб турган лавозими;

томонларнинг реквизитлари;
амалга оширилишига лицензия берилётган фаолиятнинг аниқ тури;
лицензиянинг амал қилиш муддати;
лицензияга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;
лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензия томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини ишчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензия ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

16. Лицензиялар ишчи орган томонидан белгиланган шаклдаги бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва химояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензия бланкалари намуналари Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда ишчи орган томонидан ишлаб чиқилади. Лицензия бланкалари ишчи орган буюртманомасига кўра «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмаҳона усулида тайёрланади. Ишчи орган раҳбари лицензиялар бланкалари ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун шахсан жавоб беради.

Ишчи орган томонидан лицензияларни расмийлаштириш ва бериш муддатларига риоя этилиши, шунингдек берилган лицензиялар ҳисобини олиб борилиши юзасидан назоратни Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий комплекси қотибияти томонидан амалга оширилади.

Лицензиялар Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси раҳбари томонидан имзоланади.

17. Лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва лицензия битими имзолангандан кейин уч кун муддатда берилади.

18. Агар лицензия лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида ишчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, Вазирлар Маҳкамаси лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.

19. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

Лицензия талабгори ишчи органнинг лицензия беришни рад этилиши тўғрисидаги қарори, шунингдек ишчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

20. Лицензия бериш рад этилиши тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

21. Лицензия талабгори томонидан лицензия бериш рад этилишига асос бўлган сабаблар бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензия талабгорининг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан биргаликда олинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

Бунда ишчи орган ҳужжатлар такроран тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида улар юзасидан Кенгаш йиғилишида кўриб чиқиш учун эксперт хулосаси тайёрлайди.

Кенгаш эксперт хулосаси олингандан кейин тўрт кун муддатда уни кўриб чиқади ва лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги таклифни Кенгашнинг тегишли қарор протоколи билан бирга Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Вазирлар Маҳкамаси Кенгаш таклифи олингандан кейин уч кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни кўриб чиқади ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Лицензия талабгорларининг аризалари такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

V. Лицензияларни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

22. Юридик шахс — лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Жисмоний шахс — лицензиатнинг фамилияси, исми, отасининг исми ёки яшаш жойи ўзгарган тақдирда, лицензиат қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда ишчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

23. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

24. Лицензияни қайта расмийлаштиришда ишчи орган лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади. Лицензияларни қайта расмийлаштириш ишчи орган томонидан тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияларни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза олинган кундан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

25. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза ишчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

26. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликати беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

27. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат белгиланган тартибда ишчи орган томонидан амалга оширилади.

28. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда ишчи орган ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензия талаблари ва шартлари лицензиат томонидан бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

лицензиатга аниқланган бузилишларини бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай бузилишларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш учун лицензияловчи органга киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар томонидан фаолиятни лицензиясиз амалга ошириш ҳоллари аниқланган тақдирда материалларни қонун ҳужжатларида белгиланган чоралар кўриш учун белгиланган тартибда солиқ органларига юбориш.

29. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ишчи орган ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

Кенгаш ёки ишчи орган қарорига кўра лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан текширишлар ўтказиш учун тегишли ташкилотлар мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш

30. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

31. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган қарори асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

32. Ишчи орган лицензиялар реестрини юритади.

Реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

жисмоний шахс учун — фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш манзили, телефони;

лицензияланадиган фаолият турининг номи;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензиянинг умуман фаолият турига ёки унинг бир қисмига берилганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

лицензияни қайта расмийлаштириш, уларнинг амал қилиш муддатини узайтириш, тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилишнинг асослари ва санаси;

дубликат бериш асослари ва санаси.

33. Лицензиялар реестридаги маълумотлар улар билан юридик ва жисмоний шахсларнинг танишиши учун очик ҳисобланади. Улар ишчи органдан тўлов асосида реестрдан кўчирма сифатида аниқ лицензиатлар тўғрисида ахборот олишлари мумкин.

Лицензиялар реестридан маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдоридаги тўлов ишчи орган ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензиялар реестридан маълумотлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига бепул берилади.

34. Реестрдан ахборот бериш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб уч кундан ортиқ бўлиши мумкин эмас (ахборот берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этилган тақдирда).

IX. Давлат божини тўлаш тартиби


35. Киновидеомаҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун тўлов қунида қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия беш йилдан кам муддатга берилган ва беш йилдан кам муддатга муддати узайтирилган тақдирда давлат божи миқдори лицензиянинг амал қилиш муддатига мутаносиб равишда камаяди.

Лицензия берилганлиги учун давлат божи маблағлари давлат бюджети даромадига ўтказилади.

Киноvideомахсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисидаги низомга ИЛОВА

Киноvideомахсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва уларнинг прокати бўйича фаолият турларини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

141 Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан самарали тартибга солиш, ишлаб чиқариш ва бошқа объектларни ёнғиндан сақлашнинг ишончли техник воситаларини яратишда ягона муҳандислик-техника сиёсатини ўтказиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З.А. Алматов):

бир ой муддатда идоравий норматив ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштирсин;

ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти соҳасидаги янги талаблар ва шартлар тўғрисидаги ахборот икки ой муддатда лицензиатлар-юридик шахсларга етказилишини ва тушунтириш берилишини таъминласин;

ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун ҳақиқий лицензияларга эга бўлган юридик шахслар билан 2004 йил мобайнида мазкур Низомда назарда тутилган йиғимлар ва божларни ундирмасдан тасдиқланган Низом асосида лицензия шартномаси тузсин;

лицензиатлар фаолияти ҳамда улар томонидан мазкур соҳада амалда бўлган қонун ҳужжатларига, нормалар ва стандартларга риоя этилиши устидан самарали назоратни таъминласин.

4. «Давархитектқурилиш» қўмитаси (А.Р. Тохтаев), «Ўзстандарт» агентлиги (Р.А. Бўриев), «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси (Ш.Ҳ. Умаров) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, «Саноатконтехназорат» давлат инспекцияси билан биргаликда замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда қурилиш меъёрлари ва қоида-

ларининг ёнғинга қарши автоматика воситаларига, қўриқлаш сигнализацияларига, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларга тааллуқли қисмини қайта ишлаб чиқсинлар ҳамда тегишли норматив ва йўриқнома ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар киритсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 март,
136-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 22 мартдаги 136-сон қарорига
ИЛОВА

Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда фойдаланиладиган тушунчалар ва таърифлар:

ёнғинга қарши автоматика воситалари — объектда (бино, иншоот, хона, ҳудудда) ёнғин чиқиши белгилари тўғрисидаги ахборотларни қабул қилиш ва уларга ишлов бериш, ёнғинни автоматик тарзда ўчириш ҳамда ёнғинга қарши хавфсизликни таъминлаш учун масъул бўлган кучлар ва воситаларни хабардор қилиш учун мўлжалланган техник воситалар комплекси;

қўриқлаш сигнализацияси воситалари — объектни (бино, иншоот, хона, ҳудудни) қўриқлашнинг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш, узатиш ва акс эттириш учун мўлжалланган техник воситалар йиғиндиси;

ёнғиндан дарак берувчи сигнализацияси воситалари — ёнғин белгиларини аниқлаш, тегишли ахборотга ишлов бериш ва уларни узатиш, ёнғинга қарши хавфсизликни таъминловчи кучлар ва воситаларни автоматик тарзда хабардор қилиш, шунингдек ёнғинни ўчириш автоматик қурилмаларини ишга туширишга команда бериш учун мўлжалланган техник воситалар йиғиндиси;

қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари — қўриқлаш сигнализацияси ва ёнғиндан дарак берувчи сигнализациянинг қўшма тизимлари.

3. Объектларда ўрнатиладиган ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализа-

цияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти лицензияланади ва фақат юридик шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин.

Автотранспорт воситаларида ўрнатиладиган ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолияти лицензияланмайди.

4. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан (кейинги ўринларда лицензияловчи орган деб аталади) амалга оширилади.

5. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун намунавий (оддий) лицензия берилади.

6. Лицензиянинг амал қилиш муддати 5 йил. Лицензия 5 йилдан кам муддатга лицензия талабгорининг аризасига кўра берилиши мумкин.

7. Лицензия талабгорининг аризасига кўра лицензия лицензияланадиган фаолиятнинг бир қисмига берилиши мумкин.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

8. Лицензия талабгорига ва лицензиатга қуйидаги талаблар қўйилади:

юридик шахс-лицензия талабгорининг доимий штатида махсус тайёргарликка ва тегишли ихтисослик (ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш) бўйича камида уч йил иш стажига эга бўлган камида иккита ходимнинг мавжуд бўлиши;

лицензия талабгорида лицензияланадиган фаолият турини амалга ошириш учун зарур моддий-техник базанинг, асбоб-ускуналар ва бошқа техник воситаларнинг мавжуд бўлиши;

лицензиат томонидан қонун ҳужжатларига, ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва стандартлар талабларига риоя этилиши;

лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича лицензияланадиган фаолият бўйича ишларни бажарувчи ходимлар тўғрисида лицензияловчи органга ҳар йили маълумотлар тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатланган ёки қўллаш учун «Қўриқлаш» республика бирлашмаси ёки Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан рухсат берилган ёнғинга қарши автоматика воситалари, қўриқлаш сигнализацияси, ёнғиндан дарак берувчи сигнализация, қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситалари ва тизимларидан фойдаланиш;

ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализациясини, ёнғиндан дарак берувчи ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситаларини

монтаж қилиш лойиҳаларининг ҳисобини олиб бориш ва уларни ишлатишнинг бутун даврида лойиҳаларнинг (ёки уларнинг нусхаларининг) сақланишини таъминлаш;

лицензиат томонидан объектларда ўрнатилган ёнғинга қарши автоматика воситалари, қўриқлаш сигнализацияси, ёнғиндан дарак берувчи сигнализация ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси тўғрисидаги ахборотларнинг, шунингдек объектни қўриқлаш ва унинг хавфсизлигини таъминлаш тизими тўғрисида лицензияланадиган фаолиятни амалга ошириш жараёнида маълум бўлиб қолган бошқа маълумотларни муҳофаза қилишга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кўрилиши;

лицензиат томонидан ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияси, ёнғиндан дарак берувчи сигнализация ва қўриқлаш-ёнғиндан сақлаш сигнализацияси воситаларини лойиҳалаштириш ва монтаж қилиш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисидаги, жиҳозланган объектларнинг идоравий қарашлилиги, ўрнатилган приборлар ва кўрсаткичларнинг тури ва миқдори кўрсатилган ҳолда маълумотларнинг, шунингдек ишларни бажаришда иштирок этган шахсларнинг рўйхати ҳар йили Ички ишлар вазирлигига тақдим этилиши.

9. Лицензияланадиган фаолиятни амалга оширишда:

илгари судланган ва қасддан жиноят содир этганлиги учун муддати ўталмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахсларнинг;

рухий касалликлар, гиёҳвандлик, токсикомания, алкоголизм юзасидан ҳисобда турувчи шахсларнинг ишга ёлланишига ёки жалб қилинишига йўл қўйилмайди.

10. Лицензияловчи орган ва лицензиат ўртасида тузиладиган лицензия битимида мазкур Низомнинг 8-бандида санаб ўтилганлардан келиб чиқувчи аниқ лицензия талаblари ва шартлари назарда тутилиши мумкин.

III. Лицензия олиш учун зарур ҳужжатлар

11. Лицензия олиш учун лицензия талабгори қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

лицензия бериш тўғрисида ариза, унда қуйидагилар кўрсатилади: юридик шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, лицензияланаётган фаолиятнинг (унинг бир қисмининг) юридик шахс томонидан амалга оширилиши мўлжалланаётган тури ва фаолиятнинг кўрсатилган тури амалга ошириладиган муддат;

юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома-нинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилганлиги учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича мутахассисларнинг малака таркиби тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар (меҳнат дафтарчасининг, маълумоти ёки махсус тайёргарлиги тўғрисидаги ҳужжатларнинг нусхаси) илова қилинган рўйхати;

лицензияланаётган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник базанинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумотлар.

12. Лицензия талабгоридан ушбу Низомда назарда тутилмаган ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

13. Ҳужжатлар лицензияловчи органга лицензия талабгори томонидан бевосита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқа воситаси орқали етказиб берилади.

Хужжатлар лицензияловчи орган томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси хужжатлар қабул қилиб олинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда ариза берувчига юборилади (топширилади).

14. Ишончли бўлмаган ёки бузилган маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ жавоб беради.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

15. Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун ариза берилган кунда амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади ва лицензияловчи орган йиғимни лицензиялашда иштирок этган бўлинмалар ўртасида тақсимлайди. Лицензия талабгори берилган аризадан воз кечган ёки лицензияловчи орган томонидан лицензия беришни рад этган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтарилмайди.

16. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш ушбу Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади.

Лицензияловчи орган томонидан лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия талабгорининг аризаси ва барча зарур хужжатлар олинган кундан бошлаб ўттиз кундан ортиқ бўлмаган муддатда қабул қилинади.

Лицензияловчи орган хулоса тайёрлаш учун ўз маблағлари ҳисобига:

лицензия талабгорида лицензияланаётган фаолият турини амалга ошириш учун талаб қилинадиган мавжуд шарт-шароитларни жойига бориб баҳолаш;

тегишли хулосалар тайёрлаш учун шартнома асосида экспертларни жалб этиш ҳуқуқига эга.

17. Лицензияловчи орган лицензия талабгорини қабул қилинган қарор тўғрисида тегишли қарор қабул қилингандан кейин уч кун мобайнида хабардор қилади.

Лицензия беришга қарор қабул қилинганлиги тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

18. Лицензияловчи орган ва лицензиатнинг ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи лицензия битимида куйидагилар бўлиши керак:

битимни имзолаган шахсларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими; томонларнинг реквизитлари;

амалга оширилишига лицензия берилаётган фаолият тури (унинг бир қисми)-нинг номи;

лицензиатга қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензия битими талаблари ва шартлари бузилганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги;

лицензиат томонидан лицензия битими талаблари ва шартлари бажарилишини лицензияловчи орган томонидан назорат қилиш тартиби.

Лицензия битими икки нусхада — лицензиат ва лицензияловчи орган учун бир нусхадан тузилади.

19. Лицензиялар махсус бланкаларда расмийлаштирилади. Лицензия бланка-

лари намуналари лицензияловчи орган томонидан тасдиланади ва лицензияловчи орган буюртмаси бўйича «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади. Лицензияловчи орган лицензиялар бланкаларининг сақланиши учун жавоб беради.

Лицензияловчи орган номидан лицензиялар Ички ишлар вазирлиги ваколат берилган шахс томонидан имзоланади ҳамда лицензия талабгори томонидан давлат божи тўланганини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан ва у лицензия битимини имзолагандан кейин уч кун муддатда берилади.

20. Агар лицензиат лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензияловчи органга лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса, лицензияловчи орган лицензия бериш тўғрисидаги қарорни бекор қилишга ҳақлидир.

21. Лицензия бериш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддасида назарда тутилган асослар бўйича рад этилиши мумкин.

22. Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда рад этиш тўғрисидаги билдиришнома лицензия талабгорига рад этишнинг аниқ сабаблари ва лицензия талабгори кўрсатиб ўтилган сабабларни бартараф этиб ҳужжатларни такроран кўриб чиқишга тақдим этиши учун етарли бўлган, бироқ ўттиз кундан ортиқ бўлмаган, муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда юборилади (топширилади).

23. Лицензия беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар лицензия талабгори томонидан бартараф этилган тақдирда, ҳужжатларни такроран кўриб чиқиш лицензияловчи орган томонидан кўрсатилган камчиликлар лицензия талабгори томонидан бартараф этилганлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар (далолатномалар, маълумотномалар, сертификатлар, формулярлар ва бошқалар) билан биргаликда аризаси олинган кундан бошлаб ўн кун мобайнида амалга оширилади. Бунда лицензия талабгорининг аризаси такроран кўриб чиқилганлиги учун йиғим ундирилмайди.

24. Лицензия бериш рад этилганлиги тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан берилган ариза ҳисобланади.

25. Лицензия талабгори лицензияловчи органнинг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор, шунингдек лицензияловчи орган мансабдор шахсининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилиш муддатини узайтириш, дубликат бериш

26. Юридик шахс-лицензиат қайта ташкил этилган, унинг номи ёки жойлашган жойи (почта манзили) ўзгарган тақдирда, лицензиат ёки унинг ҳуқуқий вориси қайта рўйхатдан ўтказилгандан кейин бир ҳафта муддатда лицензияловчи органга кўрсатиб ўтилган маълумотларни тасдиқловчи тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

27. Лицензияловчи орган тегишли ҳужжатлар илова қилинган ҳолда ариза олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида лицензияни қайта расмийлаштирилади ҳамда лицензиялар реестрига тегишли ўзгартиришлар киритади.

Лицензияларни қайта расмийлаштиришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярами

миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

28. Лицензиат лицензия қайта расмийлаштирилгунга қадар унда кўрсатилган фаолиятни илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

29. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш лицензиатнинг аризасига кўра амалга оширилади.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги ариза лицензияловчи органга лицензиянинг амал қилиш муддати ўтгунга қадар икки ойдан кечикмай берилиши керак.

Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки узайтиришни рад этиш тўғрисидаги қарор лицензия бериш учун назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

30. Амал қилиш муддати ўтмаган йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига лицензиатнинг аризасига кўра дубликат берилиши мумкин. Бунда лицензиат оммавий ахборот воситаларида йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензиянинг ҳақиқий эмаслиги тўғрисида ахборот эълон қилиши ва эълонни лицензияловчи органга тақдим этиши шарт.

Лицензия дубликатини беришда лицензия талабгорининг лицензия бериш тўғрисидаги аризаси кўриб чиқилганлиги учун тўланадиган сумманинг ярми миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

31. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назорат лицензияловчи орган томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

32. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда лицензияловчи орган ўз ваколатлари доирасида:

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигидан далолат берувчи ҳоллар мавжуд бўлган тақдирда лицензиатнинг уларга риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режадан ташқари текшириш;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

текширишлар натижалари асосида, лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

аниқланган бузилишларни бартараф этиш юзасидан лицензиатга мажбурият юкловчи қарорлар қабул қилиш;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уни бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

33. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш чоғида лицензияловчи органнинг текширувчи ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, унинг бир нусхаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси лицензияловчи органда қолади.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ва лицензияни бекор қилиш

34. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22—24-моддаларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда лицензияловчи орган томонидан амалга оширилади.

35. Лицензияловчи органнинг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, уни бекор қилиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга шикоят қилиниши мумкин. Лицензияловчи орган томонидан қабул қилинган қарор асоссиз эканлиги суд томонидан эътироф этилган тақдирда, лицензияловчи орган лицензиат олдида лицензиат кўрган зарар миқдорида жавоб беради.

VIII. Лицензиялар реестри

36. Лицензияловчи орган берилган лицензиялар реестрини юритади.

37. Ҳар бир реестрда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

юридик шахснинг номи, унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, почта манзили, телефони;

лицензияланадиган фаолият турининг номи;

лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами;

лицензиянинг амал қилиш муддати;

лицензияни қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклашнинг асослари ва санаси;

лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш асослари ва санаси;

лицензияни бекор қилиш асослари ва санаси.

38. Реестрдаги мавжуд маълумот манфаатдор шахсларнинг у билан танишиши учун очиқ ҳисобланади ва ёзма сўровга кўра реестрдан кўчирма тарзида берилади.

39. Реестрдан бир лицензиатга оид маълумот берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақи миқдорида тўлов ундирилади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига маълумотлар бепул берилади.

40. Реестрдан маълумот берилганлиги учун тўлов суммаси лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

41. Реестрдан маълумот бериш муддати тегишли ариза берилган санадан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак (маълумот берилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилган тақдирда).


IX. Лицензия берганлик учун давлат божи

42. Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун тўлов қунида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида давлат божи ундирилади.

43. Давлат божи республика бюджетига ўтказилади.

Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Ёнғинга қарши автоматика воситаларини, қўриқлаш сигнализацияларини, ёнғиндан дарак берувчи ва ёнғиндан сақловчи сигнализацияларни лойиҳалаштириш, монтаж қилиш, созлаш, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш фаолиятини лицензиялаш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

142 Иқтисодий ночор корхоналарнинг суд бошқарувчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Янги тахрирдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ҳамда банкротлик тартиботларини амалга оширишда суд бошқарувчилари фаолиятининг зарур норматив-ҳуқуқий базасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Суд бошқарувчилари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси:

бир ой муддатда республиканинг барча минтақаларида суд бошқарувчиларини тайёрлаш учун ўқув курслари ташкил этсин ва уларни мазкур қарорга мувофиқ аттестациядан ўтказсин;

суд бошқарувчилари фаолияти устидан доимий мониторинг ва назоратни таъминласин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 23 март,
138-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига
1-ИЛОВА

Суд бошқарувчилари тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда қарздор корхонанинг банкротлиги тартиботларини амалга оширишда суд бошқарувчилари томонидан ваколатларни амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Хўжалик суди томонидан банкротлик тўғрисидаги аниқ иш бўйича қуйидаги турдаги суд бошқарувчилари тайинланади:

кузатиш тартиботи жорий этилганда — муваққат бошқарувчи;

суд санацияси тартиботи ўтказилганда — санация бошқарувчиси;

ташқи бошқарув жорий этилганда — ташқи бошқарувчи;

тугатишга доир иш бошланганда — тугатиш бошқарувчиси.

3. Суд бошқарувчиси:

кузатиш тартиботи жорий этилганда — кредитор (кредиторлар) томонидан таклиф этилган номзодлардан тайинланади. Кредитор (кредиторлар) томонидан муваққат бошқарувчи номзоди тавсия қилинмаган тақдирда, у Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) ёки унинг ҳудудий бошқармаси томонидан тавсия қилинган номзодлардан тайинланади;

суд санацияси тартиботи ўтказилганда — кредиторлар йиғилиши ёки мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланишини зиммасига олган шахслар томонидан таклиф этилган номзодлардан тайинланади;

ташқи бошқарув жорий этилганда ва тугатишга доир иш бошланганда — кредиторлар йиғилиши ёки Қўмита ёхуд унинг ҳудудий бошқармаси томонидан таклиф этилган номзодлардан тайинланади.

Суд санацияси ёки ташқи бошқарув тартиботи жорий этилганда ёхуд тугатишга доир иш бошланганда муваққат бошқарувчи ваколатини амалга ошириб турган шахснинг номзоди суд бошқарувчиси сифатида кўриб чиқилиши мумкин.

4. «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 18-моддасига мувофиқ суд бошқарувчиси сифатидаги фаолиятни амалга оширишига чеклашлар мавжуд бўлган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланиши мумкин эмас.

5. Суд бошқарувчиларининг фаолияти «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилади.

II. Банкротлик тартиботларини амалга оширишда суд бошқарувчиларининг фаолиятини ташкил этиш

2.1. Муваққат бошқарувчи фаолияти тартиби

6. Муваққат бошқарувчи хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан бошлаб:

намунавий календарь иш режасини тузади;

уч кун мобайнида расмий нашрларга қарздор корхонага нисбатан кузатиш тартиботи жорий этилганлиги тўғрисида хабар йўлланишини таъминлайди;

матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда аниқланган барча кредиторларни кузатиш тартиботи жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилади, меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича кредиторлар бундан мустасно. Хабарни эълон қилиш ва кредиторларни хабардор қилишга доир барча харажатлар қарздор корхона ҳисобига амалга оширилади;

қарздор корхонанинг бошқарув органларини кузатиш тартиботи жорий этилганлиги ва муваққат бошқарувчи тайинланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, шунингдек қарздор корхона бошқарув органларининг мансабдор шахсларини кузатиш даврида уларнинг вазифалари рўйхати билан имзо қўйдириб ташиштиради;

қарздор корхона раҳбарининг қарздор корхона ходимларини, муассисни (қатнашувчини) ёки қарздор корхона мол-мулки эгасини қарздор корхонага нисбатан кузатиш тартиботи жорий этилганлиги тўғрисида хабардор қилиш бўйича хатти-ҳаракатлари устидан назоратни таъминлайди;

қарздор корхонанинг мол-мулкни сақлаш таъминланишини ташкил этади. Зарур ҳолларда қарздор корхонанинг мол-мулки сақланишини таъминлаш бўйича қўшим-

ча чора-тадбирлар кўриш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилади;

қарздор корхона битишувлари қарорларига розилик беради. Қарздор корхона мурожаат қилгандан кейин уч кун муддатда унинг битишув тузишига ёки қарздор корхона томонидан «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни-нинг 64-моддасига мувофиқ қарорлар қабул қилишига ёзма равишда розилик (рад жавоби) беради.

7. Муваққат бошқарувчи қарздор корхонанинг бухгалтерия ва молиявий ҳужжатлари (баланс, шартномалар, ҳисоботлар ва бошқалар) асосида қарздор корхонанинг молиявий аҳволи таҳлил қилинишини ташкил этади. Бунда муваққат бошқарувчи ушбу ишларни ташкил этиш учун бошқа шахсларни қарздор корхонанинг маблағлари ҳисобига жалб қилиши мумкин.

8. Муваққат бошқарувчи қарздор корхонага тегишли бўлган мол-мулкни таҳлил қилади ва пул маблағларини (қарздор корхонанинг ликвидли активларини) аниқлайди, шунингдек қарздор корхонага тегишли бўлган бошқа мол-мулкнинг, унинг ҳам баланс қийматини, ҳам сотишдан тахминан тушиши мумкин бўлган қийматини кўрсатган ҳолда рўйхатини тузади, ушбу тушумдан суд харажатларини қоплашга, суд бошқарувчисига мукофот пули тўлаш ҳамда кредиторлар талабларини қондириш учун фойдаланилиши мумкин. Зарур ҳолларда муваққат бошқарувчи қарздор корхона мол-мулкни хатловдан ўтказиши мумкин.

9. Муваққат бошқарувчи қарздор корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш учун зарур ва етарли бўлган ахборот базасини аниқлаши ва шакллантириши зарур.

Молиявий таҳлил учун зарур ахборот мавжуд бўлмаган ёхуд қарздор корхона томонидан бундай ахборот тақдим этилмаган тақдирда муваққат бошқарувчи тегишли солиқ хизмати ҳудудий органларига, бюджетдан ташқари фондларга, кўчмас мулкка оид битишувларни рўйхатдан ўтказувчи органларга ҳамда қарздор корхона ҳамда унга тегишли мол-мулк тўғрисида зарур ахборотга эга бўлиши мумкин бўлган бошқа ваколатли органларга сўров билан мурожаат қилиши лозим.

10. Олинган маълумотлар асосида муваққат бошқарувчи, қарздор корхонага тегишли мол-мулкнинг суд харажатларини қоплаш, суд бошқарувчисига мукофот пули тўлаш ва кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли эканлигини (етарли эмаслигини) аниқлаш учун, қарздор корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилади.

Қарздор корхонанинг молиявий аҳволини ўрганиш жараёнида муваққат бошқарувчи қарздор корхона томонидан фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигига етказилган зарар учун мажбурият бўйича уларга тўланадиган сумма, шунингдек қарздор корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлари суммаси аниқланади.

11. Муваққат бошқарувчи томонидан ликвидли мол-мулкни сотишдан тушадиган тахминий тушум миқдорини ҳамда кредиторнинг қондирилиши лозим бўлган талаблари миқдорини солиштириш асосида қарздор корхонага тегишли ликвидли мол-мулкнинг кредиторлар талабларини қоплаш учун етарли эканлиги (ёхуд етарли эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Қарздор корхонанинг ликвидли мол-мулки кредиторлар талабларини қондириш учун етарли бўлмаган тақдирда муваққат бошқарувчи қарздор корхона молиявий аҳволининг таҳлили ва унинг хўжалик фаолияти натижалари асосида қарздор корхонага нисбатан кейинчалик банкротликнинг қуйидаги — суд санацияси, ташқи бошқарув, томонларнинг келишуви ёхуд тугатишга доир иш қўзғаш тартиботини танлаб олишни иқтисодий жиҳатдан асослаши зарур.

12. Қарздор корхонанинг молиявий аҳволи ва унинг тўловга қодир эмаслиги

сабабларининг таҳлилидан келиб чиққан ҳолда муваққат бошқарувчи томонидан қарздор корхонада ташқи бошқарув доирасида тўловга қодирликни тиклаш ёхуд қарздор корхонанинг томонлар келишуви шартларини бажаришни таъминлаши учун ички ресурсларнинг мавжудлиги ёки бундай манбаларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

Ташқи бошқарувчи ёхуд томонлар келишувини амалга ошириш учун ички манбалар мавжуд бўлмаган тақдирда муваққат бошқарувчи ушбу тартиботларни амалга оширишнинг ташқи манбаларини (қарздор корхона мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни жалб этиш имкониятини) кўриб чиқиши ва таҳлил қилиши керак.

13. Муваққат бошқарувчи қарздор корхонанинг тўловга қодир эмаслиги сабабларининг таҳлилига асосланган ҳолда қарздор корхонанинг тўловга қодирлигини тиклашга йўналтирилган, шу жумладан томонлар келишуви доирасида қарздор корхонанинг мажбуриятларини таркибий ўзгартириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва тавсия этиши мумкин.

Қарздор корхонанинг мажбуриятларини таркибий ўзгартириш қарздор корхона мажбуриятларининг бажарилишини кечиктириш ёки уларни бўлиб-бўлиб бажариш, қарздор корхона талаблари ҳуқуқини ўзгаларга бериш, унинг мажбуриятлари учинчи шахслар томонидан бажарилиши, қарздан чегириш, талабларни акцияларга алмаштириш, кредиторлар талабларини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа усуллар билан қондириш сифатида бўлиши мумкин.

14. Молиявий таҳлил тугаллангандан кейин муваққат бошқарувчи қарздор корхонанинг тўловга қодирлигини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида, банкротликнинг кейинги тартиботларини жорий этиш мақсадга мувофиқлигини асослаб таклифлар тайёрлайди.

15. Муваққат бошқарувчи томонидан ўтказилган таҳлилларнинг натижалари билан кредиторларнинг танишиш имкониятини таъминлаш, шунингдек уларни хўжалик судига тақдим этиш учун таҳлиллар натижалари қарздор корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги хулоса шаклида расмийлаштирилади.

16. Муваққат бошқарувчи кредиторлардан тушган талаблар асосида уларнинг талабларини қондириш миқдори ва навбатини белгилаш ишларини олиб боради, зарурият бўлганда хўжалик судига кредиторларнинг талаблари юзасидан эътироз юборади.

17. Муваққат бошқарувчи кредиторлар талаблари реестрини юритади ва кредиторларга ушбу реестр билан танишиш учун имконият яратади.

18. Муваққат бошқарувчи қарздор корхона кредиторларининг биринчи йиғилишини «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 71-моддасида белгиланган тартибда ташкил этади ва ўтказиши.

19. Муваққат бошқарувчи хўжалик судига ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни, қарздор корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги маълумотларни ҳамда қарздор корхонанинг тўловга қодирлигини тиклаш мумкинлиги ёки мумкин эмаслиги тўғрисида таклифларни, кредиторлар йиғилишининг зарур ҳужжатлар илова қилинган протоколини тайёрлайди ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини белгиланган муддатларда тақдим этади.

2.2. Санация бошқарувчиси фаолияти тартиби

20. Санация бошқарувчиси хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан бошлаб:

намунавий календарь иш режасини тузади;

қарздор корхонанинг бошқарув органларини суд санацияси тартиботи жорий этилганлиги ва санация бошқарувчиси тайинланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади, шунингдек қарздор корхона бошқарув органларининг мансабдор шахсларини суд санацияси даврида уларнинг вазифалари рўйхати билан имзо қўйдириб таништиради;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) мажлиси ўтказилишини ташкил этади.

21. Санация бошқарувчиси кредиторлар талаблари реестрини юритади ва кредиторларга ушбу реестр билан танишиш учун имконият яратади.

22. Санация бошқарувчиси ҳар ойда камида бир марта кредиторлар йиғилишига (қўмитасига) ўз фаолияти тўғрисида ҳисобот ва қарздор корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисида ахборот тақдим этади. Бунинг учун санация бошқарувчиси суд санацияси режаси ҳамда қарзни тўлаш жадвали бажарилиши устидан доимий назоратни ташкил қилади ва таъминлайди, қарздор корхона раҳбари томонидан суд санацияси режаси ҳамда қарзни тўлаш жадвали бажарилиши юзасидан ҳисобот ва қарздор корхонанинг молия-хўжалик фаолиятининг таҳлили ўз вақтида тақдим этилишини талаб қилади.

Санация қилувчи бошқарувчи олинган ахборотлар асосида кредиторлар йиғилишига тегишли хулосаларни тақдим этади. Санация қилувчи бошқарувчи кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида пул оқимлари ҳаракатини ўрганаяди, жорий (шу жумладан муддати ўтган) кредиторлик ва дебиторлик қарзларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилади, қарздор корхонанинг ҳисоб рақамида кредиторлар талаблари бўйича ҳисоб-китоб қилиш учун пул маблағлари йиғилишини кузатиб боради.

23. Санация бошқарувчиси қарздор корхона раҳбари томонидан суд санацияси режаси бажарилмаслиги ёки зарур даражада бажарилмаслиги ёхуд унинг томонидан қарздор корхонанинг, кредиторларнинг, мажбуриятлар бажарилишини зиммасига олган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) қилиш ҳолларини аниқлаган тақдирда санация бошқарувчиси қарздор корхона раҳбарини ўз вазифасидан четлатиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома юборади. Хўжалик суди томонидан қарздор корхона раҳбари ўз вазифасидан четлатилган тақдирда қарздор корхона раҳбари вазифаси санация бошқарувчиси зиммасига юкланиши мумкин.

24. Суд санациясини муддатидан олдин тугатиш вазияти мавжуд бўлган тақдирда санация бошқарувчиси муддатидан олдин тугатиш учун асос пайдо бўлган вақтдан бошлаб икки ҳафта мобайнида суд санациясини муддатидан олдин тугатиш тўғрисида хўжалик судига илтимоснома билан мурожаат қилиш ҳақидаги масалани кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишини чақириши шарт. Мазкур масалани кўриб чиқишда санация бошқарувчиси кредиторлар йиғилишига қарздор корхона раҳбарининг ҳисоботи бўйича ўзининг хулосасини тақдим этади.

25. Суд санацияси тугаганда ёки у муддатидан илгари тугатилганда санация бошқарувчиси барча кредиторларни қарздор корхона раҳбарининг суд санациясини ўтказиш натижалари тўғрисидаги ҳисоботини кўриб чиқиш юзасидан суд мажлисининг санаси, вақти ва ўтадиган жойи тўғрисида хабардор қилиши шарт.

26. Санация бошқарувчиси ўз фаолияти тўғрисида ҳамда қарздор корхона мажбуриятларининг бажарилишини зиммасига олган шахслар томонидан ўз мажбуриятларини бажариши яқунлари тўғрисида ҳисобот тайёрлайди ва белгиланган муддатларда хўжалик судига тақдим этади.

2.3. Ташқи бошқарувчи фаолияти тартиби

27. Ташқи бошқарувчи хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан бошлаб: намунавий календарь иш режасини тузади;

қарздор корхонанинг бошқарув органларини ташқи бошқарув тартиботи жорий этилганлиги ҳамда ташқи бошқарувчи тайинланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

28. Ташқи бошқарув тартиботи жорий этилган пайтдан бошлаб қарздор корхона бошқарув органларининг ваколатлари тўхтатилади. Қарздор корхона раҳбари ва қарздор корхонанинг бошқа бошқарув органлари ваколатлари ташқи бошқарувчига ўтади, кредиторлар йиғилишига (қўмитасига) ўтадиган ваколатлар бундан мустасно.

29. Ташқи бошқарувчи уч кун муддатда қарздор корхона раҳбарининг ўз вазифаларини бажаришдан четлатилишини таъминлайди, қарздор корхона раҳбари билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқаради. Бунда қарздор корхона раҳбари унинг розилигига кўра раҳбар ўринбосари, ташқи бошқарувчи ёрдамчиси ёхуд ушбу корхонада бошқа ишга ўтказилиши мумкин.

30. Қарздор корхонанинг бошқарув органлари ташқи бошқарувчи тайинланган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида юридик шахснинг бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлари, муҳрлар ва штамплар, моддий ва бошқа бойликларнинг ташқи бошқарувчига берилишини таъминлаши шарт.

31. Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарувни жорий этиш ва кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун махсус ҳисоб рақами очади.

32. Ташқи бошқарувчи ўзи тайинланган вақтдан бошлаб бир ой муддатда ташқи бошқарув режасини ишлаб чиқиши керак, уни тасдиқлаш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этади.

Ташқи бошқарув режасида қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш чора-тадбирлари, кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш шарт-шароитлари ва тартиби, уларни амалга ошириш учун харажатлар ва қарздор корхонанинг бошқа харажатларини, шунингдек қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш муддати назарда тутилиши лозим.

Қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклаш учун қуйидаги чора-тадбирлар кўрилиши мумкин:

ишлаб чиқаришни қайта ихтисослаштириш;

рентабелсиз (фойда келтирмайдиган ва зарар билан ишлаётган) ишлаб чиқаришни ёпиш;

дебиторлик қарзларни ундириш;

қарздор корхона мол-мулкининг қарздор корхона фаолиятининг амалга оширилишига тўсқинлик қилмайдиган қисмини сотиш;

қарздор корхона талаблари ҳуқуқини ўзгаларга бериш;

қарздор корхона мажбуриятларининг учинчи шахслар томонидан бажарилиши;

қарздор корхонанинг қўшимча акцияларини жойлаштириш;

қарздор корхона учун манфаатли бўлмаган бир қанча шартномалардан воз кечиш;

қарздор корхонани (унинг бизнесини) сотиш;

қарздор корхонанинг активларини алмаштириш;

қарздор корхонанинг тўлов қобилиятини тиклашнинг бошқа усуллари.

Мазкур бандда назарда тутилган чора-тадбирлардан ташқари, Иқтисодий но-чор корхоналар ишлари қўмитаси тақдимномасига кўра хўжалик суди томонидан

устав фондида давлат улуши бўлган корхонанинг ишламаётган объектларини консервация қилиш тўғрисида ажрим чиқарилиши мумкин.

Ташқи бошқарув режаси ташқи бошқарувчи томонидан ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан икки ойдан кеч бўлмаган муддатда белгиланган тартибда чақириладиган кредиторлар йиғилишида кўриб чиқилади.

33. Ташқи бошқарувчи ўз фаолиятида:

кредиторлар талаблари реестрини юритади ҳамда кредиторларга ушбу реестр билан танишиш учун имконият яратади;

барча кредиторларга ташқи бошқарув жорий этилган пайтдан бошлаб уларнинг талабларига мораторий жорий этилганлиги тўғрисида билдиришнома юборади;

қарздор корхона мол-мулки хатловдан ўтказилишини, зарурият бўлганда эса уни баҳолашни ташкил этади;

қарздор корхонанинг учинчи шахслардаги мол-мулкани аниқлаш ва уни қайтариш чора-тадбирларини кўради;

қарздор корхонани молиявий соғломлаштириш ва қарздор корхонанинг кредиторлари талабларини мутаносиб равишда қондириш мақсадида ташқи бошқарув режасини бажариш ишларини ташкил қилади;

қарздор корхонанинг бухгалтерия ҳамда статистика ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини таъминлайди;

ташқи бошқарув режасининг бажарилиши ва яқунлари тўғрисида ҳисобот тақдим этган ҳолда кредиторлар йиғилиши (қўмитаси) мажлислари ўтказилишини ташкил этади.

34. Ташқи бошқарувчи кредиторларнинг тақдим этилган талабларини кўриб чиқади ва уларни кўриб чиқиш яқунларига кўра кредиторлар талаблари реестрига тегишли талаб олингандан кейин икки ҳафтадан ортиқ бўлмаган муддатда тегишли ёзувни ёзиб қўяди. Ташқи бошқарувчи кўриб чиқиш натижалари тўғрисида кредиторнинг талаби олингандан кейин бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда тегишли кредиторни хабардор қилади.

Ташқи бошқарувчи томонидан кредиторларнинг талабларини кўриб чиқиш натижалари бўйича эътирозлар кредитор томонидан билдиришнома олинган пайтдан бошлаб бир ой муддатда банкротлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқаётган хўжалик судига берилиши мумкин.

35. Ташқи бошқарувчи ташқи бошқарув тугаши муносабати билан ёки уни муддатидан олдин тўхтатиш учун асослар мавжуд бўлганда унинг яқунларига кўра ҳисобот тайёрлайди ва уни кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этади.

Ташқи бошқарувчи ҳисоботни «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида белгиланган муддатларда йиғилишга тақдим этиши шарт.

36. Ташқи бошқарувчи кредиторлар йиғилиши томонидан кўриб чиқилган ҳисоботни ва кредиторлар йиғилиши протоколини кредиторлар йиғилиши ўтказилгандан кейин беш кундан ортиқ бўлмаган муддатда хўжалик судига тақдим этади. Ташқи бошқарувчининг ҳисоботи хўжалик суди томонидан тасдиқланиши керак.

37. Қарздор корхонанинг тўловга қодирлиги тикланганлиги муносабати кредиторлар йиғилиши томонидан ташқи бошқарувни муддатидан олдин тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда ташқи бошқарувчи ташқи бошқарувчининг ҳисоботи хўжалик суди томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кредиторлар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишга ҳақлидир.

Ташқи бошқарувчи томонидан кредиторлар билан ҳисоб-китоблар кредиторлар талаблари реестрига мувофиқ амалга оширилади.

38. Ташқи бошқарувнинг тўхтатилиши, қарздор корхона бошқа органларининг ҳамда қарздор корхона мол-мулки эгасининг ваколатлари тикланган ҳолда, ташқи бошқарувчи ваколатларининг тўхтатилишига олиб келади.

Агар ташқи бошқарув томонлар келишувига кўра ёки кредиторлар талаблари қопланиши муносабати билан тугалланса ташқи бошқарувчи янги раҳбар тайинлангунгача (сайлангунгача) қарздор корхона раҳбари ваколатлари доирасида ўз вазифаларини бажариб туради.

39. Агар хўжалик суди томонидан қарздор корхонани банкрот деб эълон қилиш ва уни тугатишга доир иш бошлаш тўғрисида қарор қабул қилинса, тугатиш бошқарувчиси этиб эса бошқа шахс тайинланса, ташқи бошқарувчи ишларни тугатиш бошқарувчисига топширгунгача ўз вазифаларини бажариб туради. Ташқи бошқарувчи тугатиш бошқарувчиси тайинланган санадан бошлаб уч иш кунидан кечиктирмай ишларни тугатиш бошқарувчисига топшириши шарт.

2.4. Тугатиш бошқарувчиси фаолияти тартиби

40. Тугатиш бошқарувчиси хўжалик суди томонидан тайинланган вақтдан бошлаб:

намунавий календарь иш режасини тузади;

юрidik шахс — қарздорнинг бошқарув органларини, шунингдек ходимларини тугатишга доир иш бошланганлиги ҳамда ташқи бошқарувчи тайинланганлиги тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

41. Тугатиш бошқарувчиси расмий нашрларда қарздор корхона банкрот деб эълон қилинганлиги ва «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 127-моддасига мувофиқ тугатишга доир иш бошланганлиги тўғрисидаги хабар эълон қилинишини таъминлайди.

42. Тугатиш бошқарувчиси уч кун муддатда қарздор корхона раҳбарининг ўз вазифаларини бажаришдан четлатилишини таъминлайди.

43. Тугатиш бошқарувчиси тасдиқланган вақтдан бошлаб уч иш куни мобайнида банкрот корхонанинг бухгалтерияга оид ва бошқа ҳужжатларини, муҳрларини ва штампларини, моддий ва бошқа бойликларини қабул қилиб олади. Юридик шахс — қарздор корхона раҳбари тугатиш бошқарувчиси талабига кўра унга қарзлар суммасини кўрсатган ҳолда ўз кредиторлари ва дебиторларининг тўлиқ рўйхатини, активлар ва пасивларнинг батафсил балансини, молиявий аҳвол тўғрисидаги ҳисоботни, китобларда, ҳисоб рақамларида ҳамда бошқа ҳужжатларда молиявий-хўжалик ва иқтисодий фаолият тўғрисидаги мавжуд барча зарур ахборотларни тақдим этиши шарт.

44. Акциядорлик жамияти шаклидаги банкрот корхона тугатилганда тугатиш бошқарувчиси ўзи тасдиқланган вақтдан бошлаб икки кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказига акциядорлик жамияти бошқарув органлари ваколати тўхтатилганлиги ва эмитентнинг ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатиб қўйилганлиги тўғрисида ахборот юбориши шарт. Агар эмитентнинг акциялари фонд бозорларида муомалада бўлса тугатиш бошқарувчиси икки кун муддатда фонд биржасига ҳам ахборот тақдим этиши шарт.

45. Тугатишга доир иш бошланганда битта банкдаги сўмлардаги ва валютадаги ягона ҳисоб рақамларидан фойдаланилади. Тугатиш даврида пул-касса операцияларини юритиш учун тугатиш бошқарувчиси банкнинг ҳисоб карточкасидаги имзони ўз номига ва бухгалтерия ҳисобини юритиш учун масъул бўлган шахс номига қайта расмийлаштиради.

46. Тугатиш бошқарувчиси қарздор корхонанинг тугатишга доир иш бошланган вақтда маълум бўлган ҳамда тугатишга доир иш жараёнида аниқланган банклардаги бошқа барча ҳисоб рақамларини ёпади. Қарздор корхонанинг бошқа ҳисоб рақамлари аниқланган тақдирда қарздор корхонанинг пул маблағлари қолдиғи кўрсатиб ўтилган ҳисоб рақамларидан асосий ҳисоб рақамига ўтказилади.

47. Тугатиш бошқарувчиси ўзи тайинланган вақтдан бошлаб юридик шахс — қарздор корхонанинг ходимларини улар бундан буён ишдан бўшатилиши тўғрисида хабардор қилиши шарт. Юридик шахс — қарздор корхонанинг ходимларини ишдан бўшатиш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига мувофиқ амалга оширилади. Тугатиш бошқарувчиси жойлардаги меҳнат органларига юридик шахс — қарздор корхонанинг ходимлари ишдан бўшаб қолаётганлиги тўғрисидаги маълумотни етказди.

48. Тугатиш бошқарувчиси банкрот корхонани тугатиш режасини ишлаб чиқади ва кредиторлар йиғилиши билан келишиб олади.

Банкрот корхонани тугатиш режасига мувофиқ тугатиш бошқарувчиси тугатиш массасини шакллантиради, қарздор корхонанинг мол-мулки сотилишини, дебиторлик қарзлари ундириб олинишини, кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш учун пул маблағларининг банкдаги ягона ҳисоб рақамига жамланишини таъминлайди, шунингдек қарздор корхонанинг учинчи шахслардаги мол-мулкни аниқлаш ва уларни қайтариб олиш чора-тадбирлари кўрилишини ташкил этади.

49. Тугатиш бошқарувчиси тугатиш даврида кредиторлар талаблари реестрини юритади.

Кредиторлар талаблари реестрида ҳар бир кредитор, унинг пул мажбуриятлари ва (ёки) мажбурий тўловлар бўйича талаблари миқдори, ҳар бир талабни қондириш навбати тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

Талабларнинг таркиби, миқдори ва уларни қондириш навбати тўғрисида кредиторлар ва тугатиш бошқарувчиси ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар ҳужжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Кредиторларга кредиторлар талаблари реестри билан танишиш имконияти таъминланиши керак.

50. Тугатишга доир ишлар давомида тугатиш бошқарувчиси қарздор корхона мол-мулки қийматини хатловдан ўтказди ва унинг қийматини аниқлайди. Ушбу мақсадлар учун тугатиш бошқарувчиси аудиторларни, баҳоловчиларни ва бошқа мутахассисларни, агар кредиторлар йиғилиши қарорида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, улар хизматиغا тугатиш харажатлари ҳисобидан ҳақ тўлаган ҳолда жалб этишга ҳақлидир.

Тугатиш бошқарувчиси балансда бошқа мақсадларда, шу жумладан тижорат мақсадларида ҳам фойдаланилиши мумкин бўлмаган ижтимоий ва коммунал инфратузилма объектлари мавжуд бўлган тақдирда ушбу объектларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига далолатнома бўйича беришга мажбур. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кўрсатиб ўтилган объектларни қолдиқ қиймати бўйича балансга қабул қилиб олади.

51. Юридик шахс — қарздор корхона мол-мулкни хатловдан ўтказиш ва баҳолаш якунлари бўйича тугатиш бошқарувчиси кўрсатиб ўтилган мол-мулкни, агар кредиторлар йиғилишида мол-мулкни сотишнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса, очиқ савдоларда сотишга киришади.

Мол-мулк дастлабки савдоларда сотилмаган тақдирда тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилишининг розилиги билан қарздор корхонанинг мол-мулкни олди-сотди шартномаси асосида, шу жумладан ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш асосида, сотиб олувчи томонидан хизмат кўрсатувчи банк кафолатини тақдим этиш шarti билан сотишга ҳақлидир.

Тугатиш бошқарувчиси маблағларни тугатиш харажатларини тўлаш учун топишириш мақсадида кредиторлар йиғилишининг розилиги билан кам қимматли ва тез эскирадиган мол-мулкни, шунингдек хом ашё ва тайёр маҳсулот қолдиқларини ким ошди савдолари ўтказмасдан, олди-сотди шартномаси асосида сотишга ҳақлидир.

52. Тугатиш бошқарувчиси савдолар ташкилотчиси бўлишга ёхуд шартнома шартларига кўра савдоларни ташкил этиш ва ўтказиш зиммасига юкланган ихтисослаштирилган ташкилотлар билан шартнома тузишга ҳақлидир.

53. Тугатиш бошқарувчиси кредиторлар йиғилиши розилиги билан қарздор корхонанинг талаб қилиш ҳуқуқини (дебиторлик қарзларни) савдога қўйишга ҳақлидир. Талаб қилиш ҳуқуқларини сотишни истисно ҳолларда, талаб қилишнинг ушбу ҳуқуқларини тегишли мажбуриятларда қарздор корхона номидан иш кўрувчи шахсларга тақдим этиш йўли билан сотишнинг реал имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда қўлланиш лозим.

54. Тугатиш бошқарувчиси қарздор корхонанинг мол-мулки сотилгандан кейин «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қарздор корхона талаблари бўйича ҳисоб-китоб қилишга киришади.

55. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугаллангандан кейин тугатиш бошқарувчиси тугатишга доир ишларни амалга ошириш натижалари тўғрисида якуний ҳисобот тузади ва уни кўриб чиқиш учун кредиторлар йиғилишига тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси тугатиш ишларини амалга ошириш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни хўжалик судига тақдим этади.

Тугатиш бошқарувчиси ҳисоботга қўйидаги ҳужжатларни илова қилади:

қарздор корхона мол-мулки сотилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

кредиторлар реестри, унда ҳар бир кредитор қарзининг миқдори ва талабларни кондириш навбати кўрсатилади;

кредиторлар талаблари қопланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (улар қопланмаган тақдирда сабаблари кўрсатилган ҳолда);

қарздор корхонанинг кредиторлар талаблари қоплангандан кейин қолган мол-мулки, шунингдек қарздор корхонанинг сотишга мўлжалланган, тугатиш жараёнида сотилмай қолган мол-мулки тўғрисидаги маълумотлар, кўрсатиб ўтилган мол-мулк кредиторлар томонидан ўз талабларини қоплаш ҳисобига қабул қилиш рад этилгандан ҳамда кредиторлар талаблари қоплангандан кейин қолган мол-мулкка муассислар (қатнашчилар) ёки қарздор корхона эгаси томонидан ўз ҳуқуқлари тўғрисида ариза берилмаган тақдирда;

тугатиш ишини ўтказишга тааллуқли бошқа ҳужжатлар, хўжалик суди талабига кўра.

56. Кредиторлар талаблари кондирилгандан кейин сотилмаган мол-мулк қолган тақдирда, тугатиш бошқарувчиси беш кун муддатда муассисларни (қатнашчиларни) ёки қарздор корхона эгасини ушбу мол-мулкни балансга қабул қилиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади.

Агар тугатиш бошқарувчиси томонидан хабар юборилган санадан бошлаб икки ҳафта мобайнида муассислар (қатнашчилар) ёки қарздор корхона эгаси қолган мол-мулкка ўз ҳуқуқлари тўғрисида ариза бермаса, тугатиш бошқарувчиси маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ушбу мол-мулкни балансга қабул қилиш зарурлиги тўғрисида хабардор қилади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қолган мол-мулк тўғрисида хабар олингандан кейин бир ой мобайнида ушбу мол-мулк балансдан балансга қабул қилинишини таъминлайдилар ва унинг таъминоти бўйича барча харажатларни зиммасига оладилар.

57. Хўжалик судининг тугатишга доир иш тугалланганлиги тўғрисидаги ажри-

ми давлат реестрига қарздор корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни ёзиб қўйиш учун асос ҳисобланади. Юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига акциядорлик жамияти шаклидаги банкрот корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув ёзиб қўйилганда тугатиш бошқарувчиси эмитент фаолияти тугатилганлиги ҳақида икки кун мобайнида хабар эълон қилади.

58. Давлат реестрига қарздор корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзув ёзиб қўйилган вақтдан бошлаб тугатиш бошқарувчисининг ваколатлари тўхтатилади, тугатишга доир иш тугалланган, қарздор корхона эса — тугатилган ва қарзлардан озод ҳисобланади.

III. Суд бошқарувчисининг пул мукофоти

59. Суд бошқарувчиси пул мукофоти олиш ҳуқуқига эга. Суд бошқарувчисининг ҳар ойлик пул мукофоти миқдори ўз функцияларини:

муваққат бошқарувчи сифатида амалга оширганда — хўжалик суди томонидан белгиланади ва кейинчалик кредиторлар йиғилиши илтимосномасига кўра ўзгартирилиши мумкин;

санация бошқарувчиси, ташқи бошқарувчи, тугатиш бошқарувчиси сифатида амалга оширганда — кредиторлар йиғилишида белгиланади ва хўжалик суди томонидан тасдиқланади.

60. Кредиторлар йиғилиши қарорига кўра суд бошқарувчисига унинг фаолияти натижаларига кўра тўланадиган қўшимча пул мукофоти белгиланиши мумкин.

IV. Суд бошқарувчиси фаолиятини назорат қилиш

61. Суд бошқарувчиси томонидан ўз вазифаларига риоя этилиши устидан назорат Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

62. Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари ўз ваколатлари доирасида: суд бошқарувчиси фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ текшириш; текширишлар ўтказишда пайдо бўладиган масалалар юзасидан суд бошқарувчисидан зарур тушунтиришлар ва материалларни сўраш; текширишлар натижаларига кўра, аниқ бузилишларни кўрсатган ҳолда далолатномалар тузиш;

суд бошқарувчисига аниқланган бузилишларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

суд бошқарувчисини огоҳлантириш;

суд бошқарувчиси аттестатининг амал қилишини тўхтатиб туриш;

суд бошқарувчиси томонидан унга юкланган вазифаларнинг зарур даражада бажарилишини назорат қилиш бўйича бошқа ваколатларни амалга ошириш.

63. Суд бошқарувчиси Қўмита ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан текширишлар ўтказиш учун шарт-шароитларни таъминлаши, шу жумладан зарур ахборот ва материалларни тақдим этиши шарт.

V. Суд бошқарувчисининг жавобгарлиги

64. Қарздор корхона, кредиторлар суд бошқарувчисидан унинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) оқибатида етказилган зарарни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қоплашни талаб қилишга ҳақлидирлар.

65. Банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузишда айбдор бўлган суд бошқарувчиси белгиланган тартибда жавоб беради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 23 мартдаги 138-сон қарорига
2-ИЛОВА

Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда суд бошқарувчилари сифатида фаолиятни амалга оширувчи шахсларга малакавий ва профессионал талабларни, уларни аттестациядан ўтказиш, аттестат бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тиклаш ва тўхтатиш тартибини, шунингдек Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (кейинги ўринларда Қўмита деб аталади) суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш ва Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритади.

Аттестация жисмоний шахсларнинг суд бошқарувчиларига қўйиладиган малакавий ва профессионал талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

3. Суд бошқарувчиси сифатида фаолиятни амалга ошириш учун Қўмита тўрт тоифали:

юридик шахслар банкротлигининг содалаштирилган тартиботларини амалга ошириш учун — тўртинчи тоифали аттестат;

кузатиш ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун — учинчи тоифали аттестат;

кузатиш, суд санацияси ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун — иккинчи тоифали аттестат;

кузатиш, суд санацияси, ташқи бошқарув ва тугатиш тартиботларини амалга ошириш учун — биринчи тоифали аттестат беради.

4. Тўртинчи тоифали аттестат олишни хоҳловчи шахсларга нисбатан аттестациядан ўтказишнинг Қўмита томонидан белгиланадиган содалаштирилган тартиби қўлланади.

5. Барча тоифали аттестатларнинг амал қилиш муддати — 5 йил.

II. Суд бошқарувчиларига профессионал ва малакавий талаблар

6. Суд бошқарувчиси қуйидаги профессионал талабларга жавоб бериши керак: корхонанинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиш; бухгалтерия ҳисоби, мол-мулкни баҳолаш ва менежментга оид билимлар асосига эга бўлиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари асосларини билиш.

Суд бошқарувчиси:

қарздор корхонани молиявий соғломлаштириш ва кредиторлар талабларини мутаносиб равишда қондириш юзасидан ечимлар топиши;

корхонани инкирозга йўл қўймасдан бошқариш соҳасида профессионал билимларга эга бўлиши, уларни доимий равишда такомиллаштириши;

юксак ахлоқий сифатларга эга бўлиши — топширилган ишга виждонан муносабатда бўлиши, ўз фаолиятини амалга оширишда ижрочи, ташаббускор, интизомли, босиқ ва руҳий барқарор бўлиши;

суд бошқарувчиларига мазкур Низомга мувофиқ белгиланадиган малака талабларига жавоб бериши керак.

7. Қўйидаги малака талабларига жавоб берувчи:

олий маълумотга эга бўлган;

мутахассислиги бўйича камида икки йиллик иш стажига эга бўлган;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитасида аттестациядан ўтган шахслар суд бошқарувчилари этиб тайинланишлари мумкин.

8. Мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатиб ўтилган асосий талаблардан ташқари суд бошқарувчиларига қўйидаги қўшимча малака талаблари қўйилади:

а) кузатиш ва тугатиш тартиботларини амалга оширувчиларга — ўрта бўғин раҳбари (цех бошлиғи, участка бошлиғи, бўлим бошлиғи ва бошқалар) сифатида камида икки йиллик иш стажига эга бўлиш;

б) суд санацияси тартиботларини амалга оширувчиларга — раҳбарлик лавозимида (ташкilotнинг раҳбари, раҳбар ўринбосари, бош бухгалтери ва бошқалар) камида икки йиллик иш стажига ёхуд учинчи тоифали суд бошқарувчиси сифатида камида ўн икки ойлик иш стажига эга бўлиш;

в) ташқи бошқарув тартиботларини амалга оширувчиларга — ўрта бўғин раҳбари сифатида ва раҳбарлик лавозимида камида беш йиллик иш стажига, шу жумладан раҳбарлик лавозимида камида уч йиллик иш стажига ёхуд иккинчи тоифали аттестатга эга бўлган даврда камида икки марта суд санациясини ва (ёки) тугатиш жараёнини амалга оширишда суд бошқарувчиси сифатида иш стажига эга бўлиш;

г) банкротликнинг соддалаштирилган тартиботларини амалга оширувчиларга — ушбу ҳолда тегишли тоифали аттестатга эга бўлган солиқ инспекцияси ёки Қўмита ходимлари тайинланади.

III. Аттестат олишга талабгор шахсларнинг аризаларини кўриб чиқиш тартиби

9. Учинчи тоифали аттестат олишга талабгор шахс (кейинги ўринларда аттестат талабгори деб аталади) Қўмитага қўйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) аттестатнинг тоифаси кўрсатилган ҳолда аттестат бериш тўғрисида ариза;

б) анкета (1-иловага мувофиқ шакл бўйича);

в) олий маълумоти тўғрисидаги дипломнинг нусхаси;

г) меҳнат дафтарчасининг нусхаси;

д) тегишли тоифали суд бошқарувчилари дастури бўйича ўқиганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси (аттестатнинг амал қилиш муддати тугаши муносабати билан аттестациядан ўтишда шарт эмас);

е) ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

10. Иккинчи тоифали аттестат олиш учун раҳбарлик лавозимида камида икки йиллик иш стажига бўлмаган тақдирда ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари Қўмитага хўжалик судининг:

аттестат талабгорининг суд бошқарувчиси этиб илгариги тайинланишлари тўғрисидаги;

суд бошқарувчисининг банкротлик тартиботларини ўтказиш бўйича ҳисоботини тасдиқлаш, учинчи тоифали суд бошқарувчиси сифатида жами камида ўн икки ой вазифаларни ижро этганлигини тасдиқловчи ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлари нусхалари тақдим этилади.

11. Ўрта бўғин раҳбари сифатида ва раҳбарлик лавозимида камида беш йиллик иш стажы, шундан раҳбарлик лавозимида камида уч йиллик иш стажы мавжуд бўлмаганда биринчи тоифали аттестат олиш учун ушбу Низомнинг 9-бандида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлардан ташқари, Қўмитага хўжалик судининг:

аттестат талабгорининг суд бошқарувчиси этиб илгариги тайинланишлари тўғрисидаги;

суд бошқарувчисининг аттестат талабгорининг иккинчи тоифали аттестатга эга бўлган иш даврида камида иккита тугалланган суд санацияси ва (ёки) тугатишга доир иш тартиботлари тўғрисидаги ҳисоботларини тасдиқлаш тўғрисидаги ажримлари нусхалари тақдим этилади.

12. Аттестат талабгорининг аризасини кўриб чиқишда операция харажатларини қоплаш учун энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида ҳақ ундирилади. Ариза кўриб чиқилганлиги ва аттестат берилганлиги учун тўлов Қўмитанинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармасига тушади.

13. Аттестат олиш учун тақдим этилган барча ҳужжатлар суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш комиссияси (кейинги ўринларда аттестация комиссияси деб аталади) томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади. Тақдим этилган ҳужжатлар рўйхати нусхаси аттестат талабгорига берилади. Тақдим этилган ҳужжатлар қайтариб берилмайди. хўжалик судлари ажримларидан ташқари, ҳужжатлар нусхалари нотариус томонидан тасдиқланган бўлиши ёки асл нусха кўрсатилиши керак.

14. Ҳужжатлар улар аттестация комиссиясига топширилган вақтдан бошлаб уч иш кунидан ошмайдиган муддатда кўриб чиқилади.

Аттестация комиссияси аттестат талабгорини аттестациядан ўтишга қўйишни рад этишга ҳақлидир ва унга ариза тушган вақтдан бошлаб уч иш кунидан кечикмай ёзма равишда асосланган рад жавобини жўнатади.

Қўйдагилар рад этиш учун асос ҳисобланади:

тақдим этилган ҳужжатларнинг зарур даражада расмийлаштирилмаганлиги ёки ҳужжатларнинг тўлиқ ҳажмда тақдим этилмаганлиги;

аттестат талабгори томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ишончсиз ёки нотўғри маълумотларнинг мавжудлиги;

аттестат талабгорининг малакавий ва профессионал талабларга мувофиқ эмаслиги.

Бошқа сабабларга кўра рад этишга йўл қўйилмайди.

Рад этилган тақдирда ариза кўриб чиқилганлиги учун тўлов қайтарилмайди.

IV. Аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказиш ва аттестат бериш тартиби

15. Аттестат талабгори тақдим этилган ҳужжатлар бўйича камчиликлар мавжуд бўлмаган тақдирда аттестациядан ўтишга қўйилади.

16. Аттестат олиш учун барча аттестат талабгорлари аттестация комиссияси томонидан белгиланган дастур бўйича ва муддатларда тест имтиҳони топширадилар.

17. Аттестация (қайта аттестация) тест имтиҳони методи бўйича ўтказилади. Тест имтиҳони қабул қилиш ҳужжатлар берилган кундан бошлаб ўттиз кундан кечикмай амалга оширилади. Тест имтиҳонларини ўтказиш тартиби Қўмита томонидан белгиланади.

Тест имтиҳони компьютер дастуридан фойдаланган ҳолда тест саволларига жавоблар шаклида амалга оширилади.

18. Тест имтиҳони топширишда учинчи тоифали аттестат учун камида 60 фоиз, иккинчи тоифали аттестат учун 70 фоиз, биринчи тоифали аттестат учун 75 фоиз ижобий жавоблар олиш ижобий натижа ҳисобланади.

19. Тест имтиҳони яқунларига қўра аттестат талабгори (натижа ижобий бўлганда) аттестациядан ўтган ёки (натижа салбий бўлганда) аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилади.

Аттестат талабгорлари тест имтиҳони топширишда маълумотномалардан, махсус ёхуд бошқа адабиётлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас. Қўрсатиб ўтилган талаблар бузилган тақдирда аттестат талабгорлари аттестациядан чиқариб юборилади.

20. Аттестация натижалари аттестация комиссияси протоколи билан расмийлаштирилади, протокол аттестация комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Аттестация натижалари аттестация комиссияси протоколидан кўчирма тарзида, тест имтиҳони топшириш маълумотлари билан бирга аттестат талабгорларига аттестация ўтказилган санадан бошлаб беш иш кунидан кечикмай етказилади.

21. Аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахс тест имтиҳонини охириги аттестация ўтказилган кундан бошлаб бир ойдан эрта бўлмаган муддатда такрорий топшириш ҳуқуқига эга.

Аттестация комиссияси аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахсни такрорий аттестациядан ўтказиш қунини белгилайди. Илгари аттестациядан ўтмаган деб эътироф этилган шахс тест имтиҳонини такрорий топшириш натижаларига қўра аттестациядан ўтган деб ҳисобланган тақдирда унга аттестат умумий асосларда берилади.

Аттестат талабгори тест имтиҳонини такрорий топширишда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди ҳақ тўлайди.

22. Тест имтиҳонини такрорий топшириш яқунларига қўра салбий натижа олинган тақдирда аттестат талабгори навбатдаги тест имтиҳонига фақат тегишли тоифадаги суд бошқарувчилари дастури бўйича ўқув курсини такрорий ўтагандан кейингина қўйилади.

23. Аттестат талабгорлари аттестация комиссиясининг аттестация натижалари юзасидан охириги аттестация ўтказилган кундан бошлаб бир ой мобайнида шикоят аризаси бериши мумкин.

Шикоят аризаси бериш учун қуйидагилар асос бўлиши мумкин:
аттестат талабгорининг тест имтиҳони натижаларидан рози эмаслиги;
тест имтиҳонини ўтказиш тартибининг бузилиши.

24. Аттестат талабгори асосий эътирозлар асосли равишда баён қилинган шикоят аризасини аттестация комиссияси раиси номига беради. Шикоят аризасини кўриб чиқиш муддати шикоят аризаси берилган кундан бошлаб уч кундан ошмаслиги керак. Қўриб чиқиш натижаси протокол билан расмийлаштирилади.

Такрорий шикоят аризаси берилишига йўл қўйилмайди.

25. Аттестация комиссияси қарорига рози бўлмаган тақдирда аттестат талабгори аттестация комиссияси қарори юзасидан суд тартибида шикоят аризаси тақдим этиши мумкин.

26. Аттестатлар 2-иловага мувофиқ шакл бўйича расмийлаштирилади. Аттестатни бериш аттестация ўтказилган санадан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

27. Аттестатлар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади, химояланганлик даражасига, ҳисобга олиш серияси ва тартиб рақамига эга бўлади. Бланкаларни сотиб олиш, ҳисобини юритиш ва сақлаш Қўмита томонидан амалга оширилади.

V. Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини юритиш тартиби

28. Қўмита Суд бошқарувчиларининг ягона реестрини (кейинги ўринларда Реестр деб аталади) юритади.

Реестр қуйидаги шаклларда юритилади:

қоғозли манбаларда (Қўмитанинг тикилган ва муҳрланган журналлари шаклида, тикилган саҳифалар миқдори кўрсатилган ҳолда);

электрон манбаларда, маълумотлар базасига ёзиш шаклида.

Қоғозли ва электрон манбалардаги маълумотлар номувофиқ бўлган тақдирда қоғозли манбадаги ёзувларга устунлик берилади.

29. «Суд бошқарувчиларининг ягона реестри» журнали қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади ва Қўмитада сақланади.

Журналда ва маълумотлар базасида суд бошқарувчилари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар кўрсатилади:

а) фамилияси, исми, отасининг исми;

б) яшаш жойи ва паспортига доир маълумотлар;

в) аттестатнинг берилган жойи, тартиб рақами, санаси ва амал қилишининг тугаш муддати;

г) аттестат бланкасининг тартиб рақами;

д) аттестат олинган сана ва уни олган шахснинг имзоси (аттестациядан ўтказилган шахсларни рўйхатга олиш журналида);

е) суд бошқарувчиларини ягона дастур бўйича ўқитиш тўғрисида;

ж) суд бошқарувчиси сифатида тайинлаш тўғрисида ва унинг фаолияти натижалари тўғрисида;

з) аттестатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш, тиклаш, узайтириш ёки тўхтатиш ҳамда дубликат бериш тўғрисида;

к) суд бошқарувчисини Реестрдан чиқариш ва чиқариш учун асослар тўғрисида;

л) суд бошқарувчисини Реестрдан чиқариш санаси;

м) изоҳлар, унда аттестацияни амалга оширувчи орган компьютер дастурига киритишни зарур деб ҳисоблайдиган ҳар қандай қўшимча маълумотлар мавжуд бўлиши керак.

30. Реестрга киритиш унда тегишли ёзувларни қайд қилиш йўли билан амалга оширилади.

31. Реестрдаги маълумотлар очиқ ҳисобланади, суд бошқарувчиларининг паспортга доир маълумотлар ва уй манзили бундан мустасно. Юридик ва жисмоний шахслар белгиланган тартибда ҳақини тўлаш асосида Реестр маълумотлари билан танишиш ҳуқуқига эга. Маълумотлар берилганлиги учун Қўмита томонидан Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ярми миқдорида тўлов ундирилади.

Паспортга доир маълумотлар ва уй манзили фақат давлат ҳокимияти ва бош-

қаруви органларининг, уларнинг ваколатларига мувофиқ расмий сўровларига биноан берилиши мумкин.

32. Реестрдаги маълумотларни бериш муддати Қўмита томонидан тегишли сўровнома олинган кундан бошлаб беш кундан ошиши мумкин эмас.

33. Суд бошқарувчиси Реестрдан Қўмитанинг фаолият тури учун аттестатнинг амал қилиши тўхтатилгани тўғрисидаги қарори асосида, ушбу Низомда назарда тутилган асослар бўйича чиқарилади.

34. Қўмита томонидан суд бошқарувчисини Реестрдан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан кейин уч кун мобайнида Реестрда тегишли ёзув қайд қилинади.

Реестрдан чиқарилган суд бошқарувчисининг ҳужжатларини сақлаш муддати чиқариш кунидан бошлаб беш йилдан кам бўлиши мумкин эмас.

VI. Аттестация комиссиясининг иш тартиби

35. Аттестация комиссияси жисмоний шахсларни суд бошқарувчиси аттестати олиш учун аттестациядан (қайта аттестациядан) ўтказишни амалга оширувчи коллегиял орган ҳисобланади. Аттестация комиссияси тўғрисидаги низом ва унинг шахсий таркиби Қўмита томонидан тасдиқланади.

36. Аттестация комиссияси мажлислари заруриятга кўра ўтказилади. Аттестация комиссияси котиби аттестация комиссияси мажлисини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул ҳисобланади.

37. Аттестация комиссияси мажлиси унинг аъзоларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ўтказилади.

Аттестация комиссияси қарорлари аттестация комиссияси мажлисида қатнашаётган аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда аттестация комиссиясининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. Аттестация комиссияси қарори протокол билан расмийлаштирилади.

38. Аттестация комиссиясининг навбатдаги мажлисини ўтказиш (санаси, жойи ва вақти) тўғрисида аттестация комиссияси аъзолари аттестация комиссияси котиби томонидан хабардор қилинади.

VII. Аттестатларни қайта расмийлаштириш ва аттестатлар дубликатларини бериш тартиби

39. Аттестатни қайта расмийлаштириш суд бошқарувчисининг фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгарган тақдирда унинг аризаси асосида амалга оширилади.

Аттестатни қайта расмийлаштирганлик учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида тўлов ундирилади.

Аттестатни қайта расмийлаштириш даврида унинг эгаси фаолиятни Қўмита томонидан илгари берилган аттестат асосида амалга ошириши мумкин.

40. Илгари берилган аттестатда кўрсатилган маълумотларнинг ўзгарганлиги муносабати билан аттестатни қайта расмийлаштириш учун Қўмитага қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) Қўмитага аттестатни қайта расмийлаштириш учун ариза;

б) малака аттестатининг асл нусхаси;

в) киритилган ўзгартиришлар ва тузатишлар (ФХДЁ органи томонидан берилган туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадаги фамилияси, исми ёки отасининг исми ўзгартирилганлиги муносабати билан қайдлар) тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси;

г) аттестатнинг қайта расмийлаштирилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

41. Аттестат қайта расмийлаштирилганда тегишли тоифа ва амал қилиш муддати кўрсатилган ҳолдаги аттестатнинг янги бланкаси берилади. Илгари берилган аттестат бланкаси йўқ қилинади.

42. Аттестат йўқолган тақдирда аттестат эгаси томонидан Қўмитага қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) аттестат дубликати бериш тўғрисида ариза, унда илгари берилган аттестатнинг йўқолиши сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилади;

б) йўқолган аттестатнинг бекор қилинганлиги тўғрисида оммавий ахборот воситаларидаги (аризачининг маблағлари ҳисобига) эълоннинг нусхаси;

в) аттестат дубликати берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат.

43. Аттестат бланкаси яроқсиз бўлиб қолган тақдирда аттестат эгаси томонидан Қўмитага қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

а) аттестат дубликати бериш тўғрисида ариза, унда илгари берилган аттестатнинг яроқсиз бўлиб қолганлиги сабаблари ва ҳолатлари кўрсатилади;

б) аттестат дубликати берилганлиги учун тўлов тўланганлиги тўғрисидаги ҳужжат;

в) илгари берилган аттестатнинг яроқсиз бўлиб қолган бланкаси.

44. Аттестат дубликати беришда Қўмита суд бошқарувчисига аттестат амал қилишининг илгари белгиланган муддати ёзилган, «ДУБЛИКАТ» ёзуви қайд қилинган аттестатнинг янги бланкасини беради. Дубликат берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдоридан тўлов ундирилади. Аттестат йўқолганда ёки илгари берилган аттестат бланкаси яроқсиз бўлиб қолганда унинг эгаси фаолиятини аттестация комиссияси томонидан бериладиган вақтинчалик рухсатнома асосида амалга ошириши мумкин.

45. Аттестатни қайта расмийлаштириш ёки аттестат дубликатини бериш Қўмита томонидан ариза олинган вақтдан бошлаб беш кун мобайнида амалга оширилади.

46. Илгари берилган аттестатнинг яроқсиз бўлиб қолган бланкаси дубликат берилгандан кейин йўқ қилинади.

47. Аттестат дубликати олингандан кейин аттестатнинг илгариги йўқолган асл нусхаси топилган тақдирда аттестат дубликатини олган суд бошқарувчиси кўрсатиб ўтилган ҳолат рўй бергандан кейин беш кундан кечикмай Қўмитага аттестатнинг асл нусхасини йўқ қилиш учун қайтариши керак.

48. Аттестатни қайта расмийлаштириш ва аттестат дубликатини олиш учун аттестациядан ўтиш талаб қилинмайди.

Аттестат дубликати олиш учун зарур ҳужжатлар лозим даражада расмийлаштирилмаган тақдирда ариза эгасига асосланган ҳолдаги рад этиш ариза берилган вақтдан бошлаб уч кун мобайнида ёзма шаклда етказилади.

VIII. Аттестатларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш

49. Қўмита аттестатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш ҳуқуқига эга.

50. Қўмита аттестатнинг амал қилишини қуйидаги асосларга кўра тўхтатиб туришга ҳақлидир:

а) аттестат олингандан кейин аттестацияга илгари тақдим этилган ҳужжатларда маълумотларнинг нотўғри кўрсатилганлиги аниқланганда;

б) банкротлик тартиботларида қатнашувчи суд бошқарувчиси мажбуриятлари бажарилмаганда;

в) Қўмитанинг аниқланган бузилишларни бартараф этиш тўғрисидаги ёзма буйруқлари ёки фармойишлари суд бошқарувчиси томонидан бажарилмаганда;

г) суд бошқарувчилари фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг бузилиши ҳоллари аниқланганда;

д) суд қарори асосида.

51. Қўмита уч кун муддатда суд бошқарувчисига аттестатнинг амал қилиши тўхтатиб турилиши тўғрисида ёзма билдиришнома жўнатади, унда тўхтатиб туриш асослари ва Қўмита томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган чора-тадбирлар кўрсатилади.

52. Аттестат эгаси Қўмита томонидан белгиланган муддатларда билдиришномада кўрсатилган чора-тадбирларни бажариши ва улар тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда Қўмитага ёзма равишда хабар қилиши шарт.

53. Аттестатнинг амал қилиши тўхтатиб турилиши тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган чора-тадбирлар белгиланган муддатларда бажарилган тақдирда Қўмита ушбу аттестатнинг амал қилишини уч кун мобайнида тиклайди.

54. Қўмита аттестатнинг амал қилишини қўйидаги асосларга кўра тўхтатишга ҳақлидир:

а) қонун ҳужжатларининг бир неча марта (бир мартадан кўп) бузилиши ҳоллари аниқланганда;

б) Қўмитанинг ёзма буйруқлари ёки фармойишлари бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда;

в) банкротлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд бошқарувчисига юкланган мажбуриятлар бажарилмаганда ёки зарур даражада бажарилмаганда, шунингдек суд бошқарувчисининг хатти-ҳаракатлари қарздор корхона ёки кредитторлар учун зарар етказганда;

г) суд бошқарувчисининг аризасига кўра;

д) суд қарори асосида.

55. Қўмита аттестатнинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилган кундан бошлаб уч кун муддатда ушбу қарор тўғрисида суд бошқарувчисига ва хўжалик судига тасдиқловчи асослар билан ёзма равишда хабар қилади.

56. Амал қилиши тўхтатиб турилган ва тўхтатилган аттестатлар тўғрисидаги маълумотлар Қўмита томонидан Реестрга киритилади.

57. Қўмита қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят аризаси берилиши мумкин.

Суд бошқарувчиларини аттестациядан
ўтказиш тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Суд бошқарувчиси аттестатига талабгорнинг анкетаси

1. Фамилияси, исми, отасининг исми _____
2. Туғилган йили, кун, ойи _____
3. Паспортига оид маълумотлар (серияси, тартиб рақами, берилган вақти, ким томонидан берилган) _____

4. Яшаш жойи: _____

_____ вилояти, _____ шаҳри, _____ кўчаси,
 _____ уй, _____ квартира
 телефони _____ факси _____

5. Маълумоти _____
 (ўқув юртининг номи кўрсатилган ҳолда)

мутахассислиги _____ тугатган йили _____

6. Меҳнат фаолияти:

Йил ва ой		Муассаса, ташкилот, корхона кўрсатилган ҳолда лавозими	Муассаса, ташкилот, корxonанинг жойлашган жойи
ишга кирган вақти	ишдан кетган вақти		

7. Суд бошқарувчиси сифатидаги меҳнат фаолияти:

Йил ва ой		Муассаса, ташкилот, корхона кўрсатилган ҳолда лавозимга тайинланиши	Муассаса, ташкилот, корxonанинг жойлашган жойи
тайинлан- ган вақти	бўшатишган вақти		

Тўлдирилган сана _____

Шахсий имзоси _____

Суд бошқарувчиларини аттестациядан
 ўтказиш тўғрисидаги низомга
 2-ИЛОВА



№000000

Серия ААА

**Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги
 Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси**

**_____ тоифали
 Суд бошқарувчиси аттестати**

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор
 корхоналар ишлари қўмитасининг Суд бошқарувчиларини аттестациядан ўтказиш
 комиссиясининг 200 ____ йил _____ да ўтказилган тест имтиҳонлари асо-
 сидаги қарорига биноан _____ га

(фамилияси, исми, отасининг исми)

«Суд бошқарувчиси» малакаси берилади.

Мазкур суд бошқарувчиси аттестати унинг эгасини:

_____ сифатида тайинлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун асос ҳисобланади.

Аттестат 200 _____ йил _____ гача амал қилади.

Муҳр ўрни _____ Аттестат 200_____ йил _____ да берилган.

Аттестация комиссиясининг раиси _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

143 Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 139-сон қарори Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармониға мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни кўриқлаш, минерал-хом ашё базасини такрорий ишлаб чиқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кон муносабатлари соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш, конларни прогноз қилиш ва аниқлаш бўйича ишларни ташкил этиш, фойдали қазилмалар ресурсларини (углеводородлар бундан мустасно) геологик-иктисодий баҳолаш, ер ости бойликлари участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш имкониятини асослаш;

ўз ваколатлари доирасида давлат ер ости бойликлари фондини ва давлат тош геологик материаллари фондини, шунингдек алоҳида кўриқланадиган геологик объектларни давлат томонидан бошқариш;

Ўзбекистон ҳудудини геологик ўрганиш билан боғлиқ ишларни (углеводородлар бўйича ишлар бундан мустасно) мувофиқлаштириш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси ҳамда Қўмитанинг ходимларнинг чекланган умумий сони 64

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 45 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раисига ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси тўғрисидаги низом лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, шунингдек айримларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 25 март,
139-сон

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг ташкилий тузилмаси



**Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг
марказий аппарати тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 64 киши, шу жумладан
бошқарув ходимлари — 45 киши

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 25 мартдаги 139-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (кейинги ўринларда матнда Давлат геология қўмитаси деб юритилади) давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Давлат геология қўмитаси ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

4. Давлат геология қўмитаси аппарати таъминоти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган харажатлар сметасига мувофиқ Қўмитага қарашли давлат қорхоналари ва ташкилотларининг ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Давлат геология қўмитаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби акс эттирилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Давлат геология қўмитасининг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Давлат геология қўмитасининг асосий вазифалари ҳисобланади: ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни қўриқлаш, минерал-хом ашё базасини такрорий ишлаб чиқариш соҳасида ягона давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, қон муносабатлари соҳасида давлат бошқарувини амалга ошириш;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш, қонларни прогноз қилиш ва аниқлаш бўйича ишларни ташкил этиш, фойдали қазилмалар ресурсларини (углеводородлар бундан мустасно) геологик-иқтисодий баҳолаш, ер ости бойликлари участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш имкониятини асослаш;

ўз ваколатлари доирасида давлат ер ости бойликлари фондини ва давлат тош геологик материаллари фондини, шунингдек алоҳида қўриқланадиган геологик объектларни давлат томонидан бошқариш;

Ўзбекистон ҳудудини геологик ўрганиш билан боғлиқ ишларни (углеводородлар бўйича ишлар бундан мустасно) мувофиқлаштириш.

7. Давлат геология қўмитаси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон ҳудудининг геологик жиҳатдан ўрганилганлигини, иқтисодиётнинг фойдали қазилмалар захиралари билан таъминланганлигини таҳлил қилади ва шунинг асосида вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда минерал-хом ашё базасидан фойдаланиш, такрорий ишлаб чиқариш суръатларини, янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш, оқилона ва комплекс фойдаланиш стратегияси ва ушбу мақсадлар учун зарур бўлган давлат маблағлари ва бошқа инвестициялар ҳақида таклифларни ишлаб чиқади;

республикани ижтимоий ва иқтисодий ривожлантириш прогнозларини, республиканинг минерал-хом ашё базасини такрорий ишлаб чиқариш, ер ости бойликларини муҳофаза қилиш дастурларини, ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва муҳофаза қилиш халқаро дастурларини ишлаб чиқишда ва амалга оширишда қатнашади;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан фойдаланиш соҳасида илмий-тадқиқот, мавзули, тажриба-конструкторлик ишлари, конлар ва кон жинсларининг технологик тадқиқотлари, шунингдек бошқа ишларнинг устувор йўналишлари илмий асосланишини таъминлайди;

геология-қидирув, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари ўтказилишига давлат буюртмаларини ўзига қарашли корхоналар ва ташкилотлар ўртасида тақсимлайди, Давлат бюджети маблағлари ва Давлат геология қўмитасининг ўз маблағлари ҳисобига уларнинг бажарилишини молиялаштиради;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишлари олиб борилишини, фойдали қазилмаларнинг асосий турлари захиралари ўсиши ва республика моддий-хом ашё базаси шакллантирилиши, мустаҳкамланиши ва кенгайтирилиши бўйича (углеводород хом ашёдан ташқари) ҳамда республика ҳудудини геологик ўрганиш соҳасидаги бошқа ишлар бўйича давлат буюртмалари бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон ҳудудининг геология-экологик тадқиқ этилиши дастурлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида иштирок этади;

тадбиркорлик таваккалчилиги шароитларида геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун ер ости участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда беради (углеводородлар конларини излаш ва разведка қилиш ҳамда қазиб олиш мақсадида геологик ўрганиш, углеводородларни сақлаш учун ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш, чиқиндиларни сақлаш ва қўмиш учун лицензиялардан ташқари), техноген минерал ҳосилалардан, алоҳида қўриқланадиган геологик объектлар ҳосилаларидан фойдаланиш ҳамда товланадиган тош хом ашё, палеонтологик қолдиқлар намуналарини ва бошқа геологик коллекция материалларини тўплаш;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига геологик ўрганиш учун ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқи пайдо бўлишининг асоси ҳисобланган ер ости бойликларини геологик ўрганишга лойиҳа-смета ҳужжатларини ўз ваколатлари доирасида тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда фойдаланиш учун берилган ер ости бойликлари участкаларининг давлат ҳисобини юритади, ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини ва ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларининг давлат ҳисобини юритиш ҳуқуқини давлат рўйхатидан ўтказиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси экспертларининг шахсий таркибини тасдиқлайди;

геология материалларини кўриб чиқади ва саноат аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинчалик олиб борилган геология-қидирув ишларида ёки конни қазилмадан фойдаланишнинг қазилмалар захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчилар балансидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясига киритади;

давлат маблағлари ҳисобига олинган ер ости бойликлари тўғрисидаги геологик ахборотга ва бошқа ахборотга мулкдорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширади (углеводород хом ашё бўйича ахборотдан ташқари);

ўз ваколатлари доирасида ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширади;

идоравий бўйсунуши ва мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар ва ташкилотлар томонидан ер ости бойликларининг геологик ўрганилиши бўйича ишларни амалга ошириш учун ажратиладиган давлат маблағларидан фойдаланилишини назорат қилади;

илмий, тарихий, маданий, эстетик аҳамиятга ва бошқа аҳамиятга эга бўлган алоҳида муҳофаза қилинадиган геология объектлари ҳудудида (илмий ва ўқув полигонлари, геология қўриқхоналари, табиат ёдгорликлари, ғорлар ва бошқа ер ости бўшлиғи) илмий-тадқиқот ишлари олиб борилишини назорат қилади, алоҳида муҳофаза қилинадиган янги геология объектлари вужудга келиши тўғрисида хулосалар беради ва таклифлар киритади;

Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини олиб боровчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини лойиҳалаштириш ва юритиш соҳасида нормалар ва қоидаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини олиб боришга лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизасини ташкил этади ва унинг амалга оширилишини таъминлайди, белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларини тасдиқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва Саноатда ва кончиликда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг кенг тарқалган фойдали қазилмалари рўйхатини аниқлайди ва уни тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади;

ер ости бойликлари тўғрисидаги геологик ахборотлар ва бошқа ахборотларнинг давлат фондиди, тош геологик материаллари давлат фондиди юритади;

фойдали қазилмалар конларини келгусида аниқлаш мумкин бўлган конлар ва ер ости бойликлари участкалари давлат реестрини (ўз ваколатлари доирасида), фойдали қазилмалар захиралари давлат балансини, шу жумладан углеводородлар давлат балансини, конларнинг, фойдали қазилмалар ва техноген минерал ҳосилалар намоён бўлиши давлат кадастрини, давлат сув кадастрини (ер ости сувлари), алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар (чучук ер ости сувлари шаклланиши зоналари) давлат кадастрини, юқори табиий хавфли зоналар (хавфли геология жараёнлари пайдо бўлиш зоналари) давлат кадастрини юритади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликда ер ости бойликлари давлат мониторинги, шу жумладан ер ости сувлари мониторинги амалга оширилишини таъминлайди;

хавфли геология жараёнлари (кўчки, ўпирилиш, чўкиш, суффозийлар, карст-

лар)ни ўрганиш, шунингдек уларнинг ҳосил бўлиши ва ривожланишини кузатиш ишларини амалга оширади;

қўшни давлатларнинг геология хизматлари билан биргаликда трансчегара ҳудудлар доирасида радиоактив ва заҳарли элементлар билан ифлосланиш ўчоқларини аниқлаш ва ўрганиш ишларини амалга оширади, қўшни ҳудудларнинг экологик ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган алоҳида хавfli зоналар ва участкаларни акс эттирган ҳолда геология хариталари ва атласларини тузади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга тақдим этади;

вазирликлар ва идоралар билан биргаликда сув ресурсларидан (ер ости сувларидан) фойдаланиш ҳамда ҳудудларни техноген ва хавfli геология жараёнлари таъсиридан ҳимоя қилиш схемаларини ишлаб чиқади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда геология муҳити объектлари қўриқланиши, шу жумладан ер ости сувларининг ифлосланиш ва қуриб қолишдан қўриқланиши устидан назоратни амалга оширади;

сувдан фойдаланиш учун қудуқларни бурғулашга рұхсатнома ва сувдан (ер ости сувларидан) махсус фойдаланишга рұхсатнома берилишини келишади;

республиканинг шўрланган ва чўлга айланган ҳудудларига таъсир кўрсатувчи минтақавий экзоген геология жараёнларини ўрганеди;

келгусида саноат ва хўжалик қурилиши объектларини жойлаштириш учун муҳандислик-геология, гидрогеология ва геоэкология асослашларини тайёрлайди;

қурилаётган ва реконструкция қилинаётган йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги объектларининг атроф муҳитга таъсирини баҳолаш ишларида иштирок этади;

ер ости бойликлари участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб билан боғлиқ бўлмаган, шу жумладан чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш учун ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун фойдаланиш имконияти ўрганиб чиқишини таъминлайди ва хулосалар беради;

бўлажак қурилиш участкалари остида фойдали қазилмалар йўқлиги, саноат ўзлаштириши учун берилмаган фойдали қазилмалар конлари майдонларида иморат қуриш имконияти тўғрисида (кенг тарқалган фойдали қазилмалар конларидан ташқари) хулосалар, шунингдек хавfli геология жараёнлари пайдо бўлиши мумкин бўлган зоналарда халқ хўжалиги ва хўжалик объектлари қуриш учун участкаларни танлаш бўйича хулосалар берилишини таъминлайди;

ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини беришга оммавий савдолар ташкил этилиши ва ўтказилишига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда материаллар тайёрлайди ва уларда қатнашади, ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш билан боғлиқ инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий асослашлари ишлаб чиқишида иштирок этади;

вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда геологик ўрганиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш стратегияси тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади;

хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини олиб боради, хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказади ва уларга ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги таклифларни (ўз ваколатлари доирасида) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

халқаро ҳамкорликни амалга оширади, конференциялар, симпозиумлар, кўргазмалар ўтказади, Давлат геология қўмитаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича халқаро ташкилотлар, бошқа мамлакатларнинг геология хизматлари билан белгиланган тартибда алоқалар ўрнатади;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро ташкилотлардаги аъзолигидан ҳамда геологик ўрганиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш, минерал-хом ашё потенциалини такрорий ишлаб чиқариш ва ривожлантириш соҳасида халқаро шартномаларда иштирок этишидан келиб чиқувчи мажбуриятлар бажарилишини ташкил этишда ва уларнинг мувофиқлаштирилишида иштирок этади;

республиканинг минерал-хом ашё базаси ҳолати тўғрисидаги ахборот тизимлари фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлайди, геология, геофизика, геокимё, гидрогеология, муҳандислик-геология, геоэкология мундарижасига эга бўлган давлат хариталари ва атласларини, бошқа картография материалларини, ахборотномаларни, шу жумладан ер ости сувларининг ҳолати тўғрисидаги ахборотномаларни, геологик ўрганиш, ер ости бойликларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасида тўпламлар, каталоглар, методик материаллар, йўриқномалар, маълумотномаларни белгиланган тартибда нашр этади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда геология-қидирув ишларига харажатларни (минерал-хом ашё базасини такрорий ишлаб чиқариш) қоплаш ставкалари миқдорларини, геология-қидирув ишларини молиялаштириш ва уларга кредитлар ажратиш бўйича норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади;

тармоқ корхоналари ва ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга кўмаклашади;

экстремал шароитларда (сувсизлик, баланд тоғли, ер ости ва бошқа шароитларда) ишларни олиб бориш учун қўшимча ҳақ миқдорларини белгилаш юзасидан таклифларни асослайди ва ишлаб чиқади;

тармоқда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини мувофиқлаштиради;

кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини олиб боради, геолог мутахассисларни ўқитишни амалга оширади;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни бажаради.

8. Давлат геология қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўзига қарашли давлат корхоналари ва ташкилотлари орқали ҳал этади.

III. Давлат геология қўмитасининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

9. Давлат геология қўмитаси ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, юридик шахслардан Давлат геология қўмитаси ваколатига тегишли масалалари бўйича ахборотларни сўраш ва олиш;

ўз ваколатлари доирасида ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини бериш;

ўз ваколатлари доирасида ер ости бойликларидан фойдаланувчиларнинг ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларда белгиланган шартларга, ер ости бойликларини геологик ўрганиш ишларини олиб бориш нормалари ва қоидаларига риоя этилишини текшириш;

вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар билан келишув бўйича геология материаллари экспертизасини ўтказиш учун уларнинг мутахассисларини жалб этиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ер ости бойликлари участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаш, тўхтатиб туриш ва тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

зарурият бўлганда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун олимлар, тармоқ мутахассислари орасидан вақтинчалик ишчи гуруҳлар ташкил этиш, шартнома асосида ушбу ишга бошқа вазирликлар ва идораларнинг мутахассислари ва экспертларини жалб этиш;

геология, геофизика, геокимё, гидрогеология, муҳандислик-геология, геология-экология мундарижасидан иборат давлат хариталари ва атласларини ҳамда бошқа картография материаллари, ахборотномалар, шу жумладан ер ости сувларининг ҳолати тўғрисидаги ахборотномалар, ер ости бойликларини геологик ўрганиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги тўпламлар, каталоглар, методик материаллар, илмий асарларни нашр этиш;

Давлат бюджети маблағлари ва ўз маблағлари ҳисобига олинган ер ости бойликлари тўғрисидаги геологик ахборотлар ва бошқа ахборотларни белгиланган тартибда шартнома асосида реализация қилиш (бериш, алмаштириш, сотиш);

Давлат геология қўмитаси, геология тармоғи корхоналари ва ташкилотлари ходимларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг фуқароларини геология тармоғи кўкрак нишонлари, фахрий ёрликлар билан мукофотлашни таъсис этиш ва белгиланган тартибда мукофотлаш.

Давлат геология қўмитаси Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Давлат геология қўмитаси ўз ваколатлари доирасида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

Давлат геология қўмитаси, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

11. Давлат геология қўмитаси ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Давлат геология қўмитаси фаолиятини ташкил этиш

12. Давлат геология қўмитасига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис бошчилик қилади.

Раиснинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган бир нафар ўринбосари бўлади.

Давлат геология қўмитаси раиси моддий, маиший, транспорт ва тиббий хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари бўйича вазирга, унинг ўринбосари эса вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади.

13. Давлат геология қўмитаси раиси:

Давлат геология қўмитаси фаолиятига умумий раҳбарлик қилади ва Давлат геология қўмитасига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

зарурият бўлганда ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Давлат геология қўмитаси марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Давлат геология қўмитаси тизимига кирувчи давлат корхоналари ва ташкилотларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Давлат геология қўмитаси марказий аппарати ходимларини, Давлат геология қўмитаси тизимига кирувчи давлат корхоналари ва ташкилотлари раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

геология тармоғининг кўкрак нишонлари тўғрисидаги низом ишлаб чиқилишини ташкил этади ва уни белгиланган тартибда тасдиқлайди, кўкрак нишонлари тавсифини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, соҳа ходимларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларнинг фуқароларини геология тармоғи кўкрак нишонлари, фахрий ёрлиқлар билан мукофотлашга тақдим этиш тартибини белгилайди.

Раис қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

14. Давлат геология қўмитасида қўмита раиси (хайъат раиси), раиснинг ўринбосари (лавозимига кўра), Давлат геология қўмитаси марказий аппарати, шунингдек қўмитага қарашли корхоналар ва ташкилотлар раҳбар ходимларидан иборат таркибда 7 кишидан иборат хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг шахсий таркиби Давлат геология қўмитаси раисининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Давлат геология қўмитаси хайъати Давлат геология қўмитаси фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Давлат геология қўмитаси корхоналари ва ташкилотларининг раҳбарлари ҳисоботларини эшитади, Давлат геология қўмитасининг муҳим қарорлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Хайъат қарорлари Давлат геология қўмитасининг буйруқлари билан ҳаётга жорий этилади.

15. Ер ости бойлиқларини геологик ўрганиш билан боғлиқ энг муҳим йўналишларни, ишлар натижаларини ва бошқа масалаларни кўриб чиқиш учун Давлат геология қўмитасида юқори малакали мутахассислардан, шунингдек илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа ташкилотларнинг вакилларида иборат таркибда илмий-техник кенгаш ташкил этилади. Илмий-техник кенгашнинг таркиби ва унинг тўғрисидаги Низом Давлат геология қўмитаси раиси томонидан тасдиқланади.

16. Қидирув ва фойдаланиш кондицияларини, фойдали қазилмалар захираларини тасдиқлаш ва геология материалларининг давлат экспертизасини ўтказиш учун Давлат геология қўмитасида Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси ташкил этилади, комиссияга Давлат геология қўмитаси раиси бошчилик қилади.

17. Давлат геология қўмитаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайта ташкил этилади ва тугатилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 25 мартдаги 139-сон қарорига
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган, шунингдек ўзгартиришлар киритилаётган қарорлари рўйхати

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасини ташкил этиш тўғрисида» 1991 йил 10 майдаги 125-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 5-сон, 15-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат геология қўмитасининг нефть ва газни геологик-қидирув ҳамда излаш ишларини амалга оширувчи корхоналарини «Ўзбек-

нефтгаз» миллий корпорацияси таркибига ўтказиш тўғрисида» 1995 йил 3 январдаги 2-сон қарорига 2-илованинг 1-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 9 декабрдаги 435-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 34-модда).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарори билан тасдиқланган Ер ости бойликларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, ер қаърини геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат текшируви ва назорати ўрнатиш тўғрисидаги низомда:

3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «ва унинг ҳудудий бўлимлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ер қаърини геологик ўрганиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан давлат назорати (давлат геология назорати бўлими) бўлими бошлиғи» сўзлари «Давлат геология назорати бошқармаси бошлиғи» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи ва учинчи хатбошидаги «бўлим» сўзи «бошқарма» сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органларининг бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-илованинг «V. Ёқилғи-энергетика комплекси бўлимида» 52-банднинг 6-сатрида «41» рақами «45» рақами билан, «564,5» рақами «560,5» рақами билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

144 Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Истеъмолчилар ҳуқуқлари ва соғлиғини ҳимоя қилиш, ички истеъмол бозорига сифатсиз товарлар олиб келинишининг олдини олиш, давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни назорат қилиш, ҳисобга олиш ва сотишни тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда низом 2004 йил 1 апрелдан бошлаб амалга киритилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида 2004 йил

1 апрелгача қарор қабул қилинган мол-мулкни сотиш, шунингдек уни сотишдан тушган пул маблағларини ўтказиш мазкур қарор билан тасдиқланган Низом кучга киргунга қадар амалда бўлган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида 2004 йил 1 апрелгача қарор қабул қилинган мол-мулкнинг 2004 йил 1 майгача сотилишини таъминласинлар.

3. Қўрсатиб ўтилган товарларнинг айрим турларини олиб қўйиш, уларни экспертизадан ўтказиш, баҳолаш ва йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатлари берилган давлат бошқаруви, назорат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар прокурорлари амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2003 йил 21 январдаги 36-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 1-сон, 9-модда) 2004 йил 1 апрелдан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.А. Худайбергенов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 25 март,
140-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарорига
ИЛОВА

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида», «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

асосида ишлаб чиқилган ҳамда давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ҳисобга олиш, баҳолаш ва сотиш, шунингдек мол-мулк истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб тан олинганда уни йўқ қилиб ташлаш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом давлат даромадига ўтказиладиган:

жиноий ишлар бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг ҳуқуқбузарлик буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида — белгиланган тартибда эгасиз деб эътироф этилган мол-мулкка;

фуқаролик ишлари бўйича суд қарорлари асосида — мол-мулкнинг давлатга етказилган зарарни қоплашга йўналтириладиган қисмига;

ишни тўхтатишда тергов органларининг қарорлари асосида — мол-мулкнинг жиноят буюмлари ва қуроллари, шунингдек ашёвий далилларга оид қисмига;

божхона органлари қарорлари асосида — экспорт қилиш тақиқланган буюмлар ва маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетилаётган қисмига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинаётган, унинг ҳудуди орқали ташилаётган (ҳалқаро транзитдан ташқари), акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга;

солиқ органлари қарорлари асосида — акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари қарорлари асосида — акциз маркаси билан маркаланмаган сақланаётган, сотилаётган, ноқонуний ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари ва алкоғолли ичимликларга татбиқ этилади.

II. Давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва сақлаш тартиби

3. Мазкур Низомнинг 2-бандида назарда тутилган мол-мулкни (кейинги ўринларда мол-мулк деб юритилади) олиб қўйиш ваколатли орган мансабдор шахси томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ва асосларда амалга оширилади.

4. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисида ваколатли орган мансабдор шахси томонидан протокол тузилади, унда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

а) тузилган вақти ва жойи;

б) протоколни тузган шахсининг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми;

в) мол-мулк эгаси ва мол-мулк олиб қўйилган шахс тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, манзили, паспортига оид маълумотлар ва шу кабилар), уларни аниқлаш имконияти бўлмаган ҳоллар бундан мустасно;

г) мол-мулкни олиб қўйишда иштирок этган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, агар улар бўлса;

д) ҳуқуқбузарлик содир этилган жой, вақт ва унинг мазмуни;

е) мазкур ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни назарда тутувчи норматив ҳужжат;

ж) ҳуқуқбузарнинг тушунтириш хати;

з) олиб қўйилаётган ҳар бир буюмнинг номи ва миқдори, унинг ўзига хос белгилари (оғирлиги, узунлиги ва бошқалар);

и) олиб қўйилаётган мол-мулкнинг сақланиши таъминланиши, шу жумладан ҳам буюмларнинг ўзини, ҳам улар вақтинча сақланаётган жойни муҳрлаб қўйиш, агар бу ишлар амалга оширилган бўлса.

5. Мол-мулк олиб қўйилгандан кейин ваколатли орган мансабдор шахси томонидан бир сутка муддатда мол-мулкни:

сақлаш учун масъул шахсни белгилаган ҳолда ваколатли органнинг бинолари, майдонлари, омборларида;

талаб қилинадиган омборларга, асбоб-ускуналар ва мол-мулкни масъулият остида сақлаш нормаларига мувофиқ шароитларга эга бўлган бошқа корхоналар ва ташкилотларнинг бинолари, майдонлари, омборларида сақлаш учун жойлаштириш масаласи ҳал қилинади.

Мол-мулкни сақлаш учун масъул бўлган шахслар (ташкилотлар) уни сақлаш шартларига риоя этишга ва тегишли шарт-шароитларни таъминлашга мажбурдирлар ҳамда мол-мулкнинг бузилиши, шикастланиши, ўзлаштирилиши, камомади, яширилиши ва йўқ қилиниши учун тўлиқ моддий жавоб берадилар ва бошқача жавобгарликка тортиладилар.

Сақлаш учун қабул қилиш-топшириш ваколатли орган масъул мансабдор шахсининг ҳамда мол-мулкни сақлашга қабул қилган шахсининг имзолари билан тасдиқланган уч нусхадаги мол-мулк рўйхати билан расмийлаштирилади.

Мол-мулк сақлашга топширилгунгача унинг сақланиши учун масъулият мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси зиммасига юкланади.

6. Олиб қўйилган мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш, қайта ишлаш учун яроқлилигини экспертизадан ўтказиш, шунингдек уни баҳолаш мақсадида ваколатли органнинг мансабдор шахси уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида эксперт тайинлайди.

Эксперт ваколатли органнинг мансабдор шахси ва мол-мулкнинг эгаси иштирокида, у бўлмаган тақдирда эса — ҳолис гувоҳлар иштирокида белгиланган тартибда синов учун бўлак ва намуналар олади.

Экспертизадан ўтказиш ва мол-мулкни баҳолаш, агар бу унинг ваколатига кирган тақдирда, битта ташкилотга (ташкилотнинг мутахассисига) юкланиши мумкин.

7. Экспертиза мол-мулкнинг турига қараб қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бунга ваколоти бўлган ташкилотлар (стандартлаштириш органи ёки унинг томонидан аккредитация қилинган ташкилотлар, лабораториялар, санитария-эпидемиология органлари, ихтисослаштирилган эксперт ташкилотлар ва бошқа муассасалар) томонидан ўтказилади. Экспертиза натижалари тўғрисида ваколатли ташкилот уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — бир сутка мобайнида мол-мулкни олиб қўйган органга ёзма хулоса тақдим этади.

Уч кун муддатда экспертиза ўтказиш мумкин бўлмаган, ўзига хос хусусиятларга эга бўлган товарларнинг айрим турлари, тез бузиладиган товарлардан ташқари:

этил спирти (озик-овқат спирти), алкогольли маҳсулотлар ва пиво, тамаки маҳсулотлари, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари, шунингдек озиқ-овқат товарлари ўн кундан ортиқ бўлмаган муддатда;

мол-мулкнинг бошқа турлари бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда экспертизадан ўтказилади.

8. Мол-мулкни олиб қўйган орган (мансабдор шахс) баҳолаш учун мутахассис тайинлайди. Солиқ, божхона органлари ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов

органлари томонидан олиб қўйилган мол-мулкни баҳолашда молия органларининг вакиллари мажбурий тартибда иштирок этадилар.

Ваколатли органнинг тегишли мансабдор шахси томонидан уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарларга нисбатан эса — бир сутка мобайнида мутахассис сифатида зарур билимларга эга бўлган шахс (савдо, баҳолаш, аудиторлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари) жалб этилади.

Мол-мулкни баҳолаш мутахассис томонидан талаб конъюнктурасининг мавжуд маълумотлари ва ички бозор таклифи асосида баҳолаш кунда амалда бўлган нархлар бўйича ўтказилади.

Мазкур Низомнинг 23—26, 29-бандларида кўрсатилган мол-мулкни, шунингдек ўзига хос хоссаларга эга бўлган мол-мулкни баҳолашда кўрсатиб ўтилган мол-мулк берилаётган (сотилаётган) тегишли ташкилотларнинг вакиллари мутахассис сифатида жалб этилади.

Мутахассис ваколатли органнинг мансабдор шахси чақириғига кўра келиши, қўйилган масалаларга ҳолисона хулоса бериши, улар томонидан бажарилаётган ишлар юзасидан тушунтириш бериши шарт.

Мутахассис уч сутка мобайнида, тез бузиладиган товарлар бўйича эса — бир кун мобайнида ёзма равишда хулоса беради.

9. Эксперт ва баҳолаш бўйича мутахассис ўзлари берган хулосанинг ишончлиги ва ҳолислиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ моддий ва бошқача тарзда жавоб берадилар.

10. Олиб қўйилган мол-мулкни ҳисобга олиш ва унинг судга бериладиган ҳаракати уни олиб қўйган орган томонидан ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

Солиқ органлари давлат даромадига ўтказилиши керак бўлган, унга нисбатан олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган мол-мулк ҳисобини уни сотишдан пул маблағлари тушишигача ёки мол-мулк йўқ қилиб ташлангунгача юритадилар.

Экспертиза органлари истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқчилиги ёки яроқсизлиги юзасидан хулоса берилган давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилиб ташланадиган мол-мулк (турлари бўйича) ҳажмлари ва қийматининг ҳисобини юритадилар.

11. Олиб қўйиш санасида энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйган орган мол-мулк олинган жойдаги ҳудудий прокуратура дарҳол махсус билдиришнома юбориши шарт.

Ҳар бир бундай ҳолат бўйича прокуратура органлари узил-кесил қарор қабул қилингунгача ва мол-мулк давлат даромадига ўтказилгунгача назорат юритадилар.

Энг кам ойлик иш ҳақининг 200 бараварига тенг ва ундан ортиқ қийматдаги мол-мулкни олиб қўйиш ва уни давлат даромадига ўтказишнинг ягона ҳисобини прокуратура органлари Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан белгиланган тартибда юритадилар.

III. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материаллар мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ва қайта ишлаш учун яроқчилиги ҳақида экспертнинг хулосаси ҳамда баҳолаш бўйича мутахассиснинг хулосаси билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш (яроқсиз бўлган тақдирда) тўғрисида қарор қабул қилган тегишли судга ёки органга (мансабдор шахсга) берилиши керак.

13. Этил спирти (озик-овқат спирти), алкоғолли маҳсулотлар ва пиво, тамаки маҳсулотлари, доривор воситалар ва тиббиёт буюмлари, шунингдек экспертиза хулосасига кўра бевосита истеъмол (фойдаланиш) учун яроқсиз деб тан олинган озик-овқат товарлари мажбурий тарзда йўқ қилиб ташланиши керак.

14. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки орган ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан сўнг кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжатларини ижро этиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг тегишли суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларига юборади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги кучга кирган суд қарори асосида суд томонидан бериладиган ижро варақаси, шунингдек ваколатли органнинг мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш ёки мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги кучга кирган қарори нусхаси ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро ҳужжатиға олиб қўйиш тўғрисидаги протокол, мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқлилиги ёки яроқсизлиги тўғрисида эксперт хулосаси, мутахассиснинг мол-мулк баҳоланганлиги тўғрисидаги хулосаси нусхалари, сақлаш учун қабул қилиш-топшириш далолатномаси, шунингдек ижрони юриштиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

IV. Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарорларни бажариш ва уларни ҳисобга олиш тартиби

15. Суд ижрочиси суднинг ёки уни берган бошқа ваколатли органнинг ижро ҳужжатини бажариш учун қабул қилиб олишга ва қонун ҳужжатларига мувофиқ унга ижро ҳужжати келиб тушган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро иши қўзғашга мажбур.

Суд ижрочиси ўзида сақланаётган мол-мулк рўйхатини тузади, ушбу мол-мулк шу пайтдан бошлаб унинг ихтиёрига ўтади.

Мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун жавобгар бўлган шахс томонидан имзоланади.

16. Суд ижрочиси ижро ҳужжати бажарилишигача мол-мулк сақланадиган жойни ўзгартиришга ҳақлидир. Бунда қабул қилиш-топшириш далолатномаси тузилади. Далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйган органнинг мансабдор шахси, мол-мулк сақланиши учун жавобгар бўлган шахс, мол-мулк сақланиши учун жавобгар этиб тайинланган шахс томонидан имзоланади.

Мол-мулкни сақлаш жойи ўзгарган тақдирда рўйхат тузиш билан бир вақтда фақат қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилади, унда мол-мулкнинг рўйхати акс эттирилади.

Мол-мулкни сақлаш тузилган шартнома асосида кейинчалик сотиш учун савдо ташкилотига юкланиши ҳам мумкин.

17. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотиш, кўчмас мулкдан ташқари, шартнома-воситачилик асосида ёхуд ким ошди савдоси шартларида амалга оширилади.

Кўчмас мулк қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан савдо ўтказиш йўли билан сотилади.

18. Мол-мулкни сотиш бўйича муқобил шартларда ҳокимлик томонидан белги-

ланган савдо ташкилоти билан хизматлар кўрсатишга шартнома Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг ҳудудий бўлимлари билан тузилади.

Савдо ташкилотлари билан шартнома тузишда уларнинг ихтисослашуви, жойлашган жойи ва истеъмолчи учун қулайлиги (вилоят ва туман (шаҳар) марказлари, бозорлар ва ҳоказолар), тегишли омборхоналар, жиҳозлар ва бошқалар мавжудлиги, илгариги фаолиятида белгиланган савдо қоидаларини бузиш ҳолларига йўл қўйилмаганлиги ва бошқалар ҳисобга олинади.

Мол-мулкни сотиш хизматлари кўрсатиш учун шартноманинг амал қилиш муддатини узайтиришда мазкур шартнома шартларига риоя этиш ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилмаганлиги ҳам ҳисобга олинади.

19. Сотиладиган мол-мулк ижро ишини юритувчи суд ижрочилари томонидан товарга илова қилинадиган юкхати билан биргаликда савдо ташкилотларига берилади. Ижро ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш учун мол-мулк унинг миқдоридан, ҳажмидан ва тез сотилиши имкониятларидан келиб чиқиб бир вақтнинг ўзида сотиш учун бир нечта савдо ташкилотларига берилиши мумкин.

Шартнома шартларига риоя этилиши, шунингдек мол-мулк сотилиши тартибини назорат қилиш тегишли суд ижрочилари томонидан амалга оширилади. Шартнома шартлари ва мол-мулкни сотиш тартиби бузилган тақдирда тегишли суд ижрочиси мол-мулкни уни сотиш юзасидан хизматлар кўрсатишга шартнома тузилган бошқа савдо ташкилотига беришга ҳақлидир.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни сотаётган савдо ташкилоти томонидан савдо фаолиятини амалга оширишнинг белгиланган қоидаларини бузиш ҳоллари аниқланганда назорат қилувчи органлар унга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўради, шунингдек ушбу ҳолат тўғрисида суд ижрочисини ва тегишли ҳокимликни мажбурий тартибда хабардор қилади.

20. Савдо ташкилотлари ўзининг мол-мулкни қабул қилиб олиш ва сотиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун шартномада белгиланган, бироқ сотилган мол-мулк қийматининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаган сотилган мол-мулк савдо чегирмасини ўз фойдасига ушлаб қоладилар.

21. Савдо ташкилоти томонидан қабул қилинган мол-мулкка талаб бўлмаса ва 30 кун мобайнида белгиланган нарҳда сотилмаса, савдо ташкилоти мол-мулкнинг баҳосини суд ижрочиси, молия ва солиқ органлари вакиллари ҳамда баҳолаш бўйича тайинланган мутахассис иштирокида унинг қийматининг 20 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда арзонлаштиради. Айни бир вақтда мол-мулк сотилганлиги учун савдо ташкилотига тегишли бўлган савдо чегирмаси суммаси қайта ҳисоб-китоб қилинади, арзонлаштириш тўғрисида махсус шакл бўйича далолатнома тузилади, унинг нусхаси молия, солиқ органларига ва ваколатли органларга берилади.

22. Сотиш учун савдо ташкилотларига бериладиган барча буюмлар рўйхатга олиш далолатномасида ёки қабул қилиш-топшириш далолатномасида назарда тутилган тартиб рақамлари, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар кўрсатилган ҳолда мувофиқлик сертификатлари (сертификатланиши шарт бўлган товарлар бўйича) ва савдо ташкилотининг товар ёрлиқлари билан таъминланиши керак.

Буюмларни жузъий таъмирлаш, тозалаш, текислаш уларни сотиш учун қабул қилиб олган савдо ташкилотлари ҳисобига амалга оширилади.

23. Қимматбаҳо металллар — олтин, кумуш, платина ва ҳар қандай турдаги ва ҳолатдаги платина гуруҳига кирувчи металллар (палладий, иридий, родий, рутений ва осмий), ишлов берилмаган ва қайта ишланган табиий қимматбаҳо тошлар (ол-

мос, бриллиант, фируза, лаъл, ёқут, шунингдек табиий марварид) ва ярим қимматбаҳо тошлар, шунингдек таркибида қимматбаҳо ва ярим қимматбаҳо тошлар ва табиий марварид бўлган буюмлар (баҳолаш далолатномаси бўйича музейлар, кутубхоналар, архивлар, илмий муассасаларга текин бериладиган тарихий, илмий, бадий қимматга эга бўлганларидан ташқари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металлар агентлигига берилиши керак.

24. Диний маданиятга тегишли буюмлар (тарихий, бадий, илмий қимматга эга бўлган, шунингдек таркибида қимматбаҳо металлар ва тошлар бўлган буюмлардан ташқари) диний ташкилотларга далолатнома бўйича бепул берилади.

25. Пул маблағлари, хорижий валюта, чеклар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар, акциялар, жамғарма омонатлари, пул-буюм лотереялари чипталаридан ташқари, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига берилади.

26. Почта маркалари, шу жумладан коллекция қилинадиган маркалар ҳақи олиниб почта алоқаси ташкилотларига берилади.

27. Китоблар, тарихий, илмий-бадий қимматга ва бошқа маданий қимматга эга бўлган китоблардан ташқари, ҳақи олиниб китоб савдоси ташкилотларига берилди. Агар китоблар кўрсатилган тартибда сотилмаган тақдирда, улар чиқинди қоғозларни қабул қилиш учун белгиланган нархлар бўйича иккиламчи хом ашё ташкилотларига тўлов эвазига ўтказилади.

28. Қишлоқ хўжалиги машиналари, инвентарь, маҳсулдор ва иш моллари, асалари оилалари, ем-хашак, минерал ўғитлар ва пестицидлар ҳақи олиниб қишлоқ хўжалиги корхоналарига ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фуқароларга берилади.

29. Жун, бўрдоқи моллар, паррандалар, қуёнлар, дон, каноп ва зифир толаси ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақи олиниб уларни тайёрлаш билан шуғулланувчи ташкилотларга берилади.

Тери, момиқ-мўйна ва қорақўл хом ашёси уларни қайта ишлашга ихтисослаштирилган ташкилотларга тўлов эвазига берилади.

30. Кўп йиллик дов-дарахтлар (боғ, полиз ўсимликлари) ҳокимликларга текин берилади.

31. Фойдаланиб бўлмайдиган қора ва рангли металлардан ясалган буюмлар, шунингдек металл парчалари ва ушбу металларнинг чиқиндилари тўлов эвазига қора ва рангли металлар парчалари ва чиқиндиларини йиғиш билан шуғулланувчи корхоналар ва ташкилотларга берилади.

32. Дастгоҳлар ва бошқа ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, шунингдек товарлар ва маҳсулотлар ҳамда шу кабиларни ишлаб чиқарувчи кичик заводлар, линияларни сотиш белгиланган тартибда ким ошди савдоларида амалга оширилади.

33. Дастлабки қайта ишланмасдан савдо тармоғи орқали сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар тегишли корхоналарга кейинчалик қайта ишлаш учун сотилади, мазкур Низомнинг 13-бандида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

34. Фойдаланилиши ёки сотилиши мумкин бўлмаган буюмлар, шунингдек макулатура ва иккиламчи хом ашёнинг бошқа турлари иккиламчи хом ашёни йиғиш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга сотилади, мазкур Низомнинг 13-бандида санаб ўтилганлар бундан мустасно.

35. Йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги ижро ҳужжати берилган мол-мулк суд ижроси томонидан мазкур Низомнинг VII бўлимида белгиланган тартибда йўқ қилиб ташланади.

36. Мол-мулкнинг суд ижрочилари, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти, солик, молия, божхона, суд, прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари, экспертиза ва баҳолашни амалга оширган мутахассислар, шунингдек ушбу мол-мулкни сотувчи савдо ташкилотлари ходимлари томонидан сотиб олиниши тақиқланади.

37. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни ва уларни сотишдан олинadиган пул маблағларини ҳисобга олиш суд ижрочилари томонидан ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича юритилади.

V. Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни тасарруф этиш хусусиятлари

38. Сақлаш муддати 72 соатгачани ташкил қиладиган тез бузиладиган товарлар, шунингдек яроқлилик муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарлар, уларнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинганидан қатъи назар, истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги бўйича экспертиза хулосаси ва уни баҳолаш вақтидан бошлаб бир сутка мобайнида олиб қўйган органнинг мансабдор шахси томонидан суд ижрочиси иштирокида савдо ташкилотларига сотиш учун берилади.

Бунда товарларни сотишдан тушган маблағлар товарни давлат даромадига ўтказиш ёхуд уни қайтариш тўғрисида ижро ҳужжати олингунга қадар суд ижрочиларининг тегишли бўлинмаларидаги депозит ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Тез бузиладиган товарларнинг, шунингдек яроқлилик муддати бир ой мобайнида тугайдиган товарларнинг истеъмолга (фойдаланишга, қайта ишлашга) яроқлилиги тўғрисида экспертиза томонидан хулоса чиқарилган тақдирда уни олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси суд ижрочиси, санитария-эпидемиология станцияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси вакиллари ва ҳолис гувоҳлар иштирокида, истеъмол қилиш, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб топилган мол-мулкни мазкур Низомда назарда тутилган барча талаблар бажарилган ҳолда йўқ қилиб ташлайди, бу ҳақда йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги далолатнома тузилади.

39. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва қурол-яроғларни олиб қўйиш, экспертизадан ўтказиш, сақлаш ва улар билан боғлиқ бошқа хатти-ҳаракатлар, шунингдек уларни ҳисобга олиш қонун ҳужжатларида тасдиқланган тартибда амалга оширилади.

VI. Автомототранспорт воситаларини давлат даромадига ўтказиш ва ҳисобга олиш хусусиятлари

40. Автомототранспорт воситаларини олиб қўйишда ваколатли органнинг мансабдор шахси томонидан у мажбурий тартибда кўрикдан ўтказилади ҳамда олиб қўйиш тўғрисидаги протоколда унинг маълумотлари, ҳолати ва бутлиги акс эттирилади.

41. Олиб қўйилган автоматотранспорт воситалари ваколатли органларнинг, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг ҳамда уларни сақлашнинг тегишли шароитларини таъминловчи бошқа ташкилотларнинг махсус ажратилган жойларида (сақлаш жойлари, омборлар, жарима майдончаларида) сақланади.

42. Автомототранспорт воситасини олиб қўйган ваколатли органнинг мансабдор шахси олиб қўйиш тўғрисида протокол тузилган вақтдан бошлаб уч кун муддатда автоматотранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказувчи тегишли нотариал органларга ва ички ишлар органларига билдиришнома жўнатади.

43. Олиб қўйилган автоматотранспорт воситасининг техник ҳолатини кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларининг мутахассислари томонидан молия органи ҳамда автомобилларга техника хизмати кўрсатиш ихтисослашган корхоналари вакилларининг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.

44. Автомототранспорт воситасини давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилингандан кейин суд ижрочиси ушбу Низомда белгиланган тартибда автоматотранспорт воситасини қабул қилиш-топширишни амалга оширади.

45. Автотранспорт воситаларини сотиш белгиланган тартибда ким ошди савдолари орқали амалга оширилади.

VII. Истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб тан олинган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тартиби

46. Суд ижрочиси тегишли ижро ҳужжати олинган кундан бошлаб уч кундан кечикмай ижро ишини қўзғайди ва ушбу Низомнинг 47-бандида кўрсатилган шахсларни яроқсиз деб тан олинган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва санаси тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

Бунда суд ижрочиси ушбу вақтдан бошлаб ўзининг тасарруфига ўтадиган сақлашда бўлган яроқсиз мол-мулк рўйхатини тузади.

Яроқсиз мол-мулк рўйхати тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади, далолатнома суд ижрочиси, мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширган органнинг мансабдор шахси, шунингдек мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс томонидан имзоланади.

47. Яроқсиз деб тан олинган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ижро ишини қўзғаш тўғрисида қарор чиқарилган кундан бошлаб 7 кундан кечикмай суд ижрочиси томонидан, қуйидагилардан:

мол-мулкни олиб қўйган ваколатли органининг мансабдор шахси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органининг вакили;

санитария-эпидемиология органининг вакили;

олиб қўйилган мол-мулкнинг сақланиши учун масъул шахс (ташкилот вакили);

камида икки нафар ҳолис гувоҳдан иборат таркибда тузиладиган комиссиянинг мажбурий тартибдаги иштирокида амалга оширилади.

48. Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш тартиботи санитария-эпидемиология хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси органлари билан келишилган усулларда ва жойларда амалга оширилади.

49. Яроқсиз мол-мулкнинг йўқ қилиб ташланганлиги тўғрисида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича беш нусхада далолатнома тузилади.

Яроқсиз мол-мулк йўқ қилиб ташланган кундан бошлаб уч кундан кечикмай далолатноманинг бир нусхаси — судга ёки уларни йўқ қилиб ташлаш тўғрисида қарор қабул қилган ваколатли органга, иккинчи нусхаси — мол-мулкни олиб қўйган органга, учинчи нусхаси — мол-мулкнинг истеъмолга, фойдаланишга ёки қайта ишлашга яроқсизлиги тўғрисида хулоса берган экспертиза органига юборилади, тўртинчи нусхаси — мазкур товарларнинг сақланиши учун масъул шахсга (ташкилотга)

берилади, бешинчи нусхаси эса ижро иши материалларига қўшиб қўйиш учун суд ижрочисиди қолади.

50. Йўқ қилиб ташланган мол-мулкнинг ишлаб чиқаришда ёки иккиламчи қайта ишлашда фойдаланилиши мумкин бўлган чиқиндилари ва идишлари давлат даромадига ўтказилади ҳамда ишлаб чиқарувчи корхоналарга ёки иккиламчи хом ашёни тўплаш ва қайта ишлаш билан шуғулланувчи тегишли ташкилотларга шартнома асосида сотилади.

51. Йўқ қилиб ташланадиган мол-мулкни, чиқиндилар ва идишларни сотишдан тушган пул маблағларини ҳисобга олиш ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича суд ижрочилари томонидан юритилади.

VIII. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушадиган пул маблағларини ҳисобга олиш

52. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари, савдо чегирмасини чиқариб ташлаган ҳолда, сотилишига қараб савдо ташкилоти томонидан суд ижрочиларининг тегишли бўлинмаларидаги махсус ҳисоб рақамига 3 кундан кечикмай, ижро ҳужжатининг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда ўтказилади.

Мол-мулкни сотишдан тушган суммани ўтказиш муддати кечиккан тақдирда савдо ташкилоти кечиккан ҳар бир кун учун тўланадиган сумманинг 0,5 фоизи миқдорида давлат бюджети даромадига пеня тўлайди.

53. Мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларини ўтказиш учун суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари томонидан банкда махсус ҳисоб рақами очилади.

Суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари ҳисоб рақамига тушган пул маблағларининг:

80 фоизи — тегишли маҳаллий бюджетга;

10 фоизи — мол-мулкни давлат даромадига олиб қўйган органнинг махсус ҳисоб рақамига;

10 фоизи — Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармаси ҳисоб рақамига уч банк куни мобайнида ўтказилади.

54. Суд ижрочиларига:

маҳаллий бюджетлар ҳисоб рақамлари реквизитлари — тегишли молия органлари томонидан;

тегишли давлат органларининг махсус ҳисоб рақамлари реквизитлари — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти томонидан ушбу органлар билан биргаликда етказилади.

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган маблағлар бўйича ҳар ойда кейинги ойнинг 5-кунигача суд ижрочиларининг тегишли бўлинмалари, прокуратура, солиқ, божхона ва тергов органлари ўртасида солиштириш далолатномаси тузилади.

55. Сақлаш, экспертиза ва баҳолашни ўтказиш, транспорт харажатлари ва мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш билан боғлиқ бошқа харажатлар тегишли равишда:

мол-мулкни олиб қўйган органлар маблағлари ҳисобига — мол-мулкни суд ижрочиларига бергунгача;

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти Ижро ишларини ривожлантириш жамғарма-

сининг маблағлари ҳисобига — мол-мулк суд ижрочиларига ўтказилгандан кейин қопланади.

56. Сақлаш, экспертиза ва баҳолашни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар, транспорт харажатлари ҳамда яроқсиз деб тан олинган мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобига, улар ушбу Низомнинг 53-бандига мувофиқ тақсимлангунгача, ваколатли органлар томонидан суд ижрочиларига кўрсатиб ўтилган харажатларни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда қопланади.

IX. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни қайтариш ва уни ҳисобга олиш

57. Мол-мулк ёки унинг қиймати:

мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги суд қарори ёки ваколатли орган қарори бекор қилинганда;

мол-мулкнинг бир қисмини банд қилиб қўйишни бекор қилиш (рўйхатдан чиқариш) тўғрисида суд қарори чиқарилганда;

мол-мулкни эгасиз деб эътироф этиш тўғрисидаги суд қарори бекор қилинганда;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда қайтарилади.

58. Мол-мулк ҳали сотилмаган ёки қайта ишлашга топширилмаган бўлса уни қайтариш ваколатли орган ёки суд органи ижрочиси томонидан, мол-мулкни қайтариш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади, бу мазкур Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича ҳисобга олинади.

Аризага мазкур мулк давлат мулкига тушганлигига асос бўлган қарор тегишли давлат органи томонидан бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

59. Агар мол-мулк сотилган ёки қайта ишлашга топширилган бўлса, мол-мулк қийматини қайтариш молия органлари томонидан тегишли бюджет маблағларидан, мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги ариза берилган кундан бошлаб ўн кун муддатда амалга оширилади.

Мол-мулк қийматини тўлаш тўғрисидаги аризага мазкур мулк давлат мулкига ўтказилганлигига асос бўлган қарор тегишли давлат органи томонидан бекор қилинганини тасдиқловчи ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси илова қилинади.

60. Мол-мулк қийматининг баҳоси (суммаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланади.

Бунда, агар сотилган мол-мулк қийматидан давлат органларининг махсус ҳисоб рақамларига чегиришлар амалга оширилган бўлса, у ҳолда қийматнинг тегишли суммаси ушбу органлар ҳисобидан тўланади.

61. Мол-мулкни қайтариш ёки унинг қийматини тўлаш, агар қайтариш тўғрисидаги ариза мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги қарорлар бекор қилинган кундан бошлаб уч йилдан кечикмай берилган бўлса, амалга оширилади.

X. Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан маблағлар тушиши тўғрисида ҳисобот

62. Суд ижрочилари бўлинмалари тегишли солиқ органларига белгиланган шаклда, ортиб борувчи якун билан ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 10-кунигача мол-

мулкни сотишдан пул маблағлари тушиши ва уларнинг тақсимланиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

Ҳисобот шакли Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Адлия вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

63. Солиқ органлари ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 20-кунигача молия органларига белгиланган шаклда, ортиб боровчи якун билан, мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат бюджетига тушиши тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар.

64. Ҳар чоракда ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-кунигача санитария-эпидемиология хизмати органлари Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига, бошқа экспертиза органлари эса — «Ўзстандарт» агентлигига давлат даромадига ўтказиладиган ёки йўқ қилиб ташланадиган, истеъмолга, фойдаланишга ёки қайта ишлашга яроқлилигини ёки яроқсизлигини аниқлаш бўйича экспертиза хулосалари берилган мол-мулкнинг (турлари бўйича) ҳажмлари ва қиймати тўғрисида ахборот тақдим этадилар.

XI. Ушбу Низомнинг бажарилишини назорат қилиш

65. Мол-мулкни сотишдан тушган пул маблағларининг давлат даромадига тўлиқ ва ўз вақтида тушишини назорат қилиш, шунингдек давлат органларига бепул берилган мол-мулкни ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан амалга оширилади.

66. Мол-мулкни олиб қўйиш, давлат мулкига ўтказиш ёки уларни йўқ қилиб ташлаш (истеъмол қилиш, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб топилган тақдирда), баҳолаш (қайта баҳолаш) ҳамда сотиш ваколоти берилган, олинган пул маблағларининг бюджетга тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи давлат бошқаруви, назорат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар прокурорлари амалга оширадилар.

Ушбу Низом талаблари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича прокуратура органлари жазонинг муқаррарлигини таъминлайдилар ҳамда қонунда назарда тутилган жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарлик чораларини кўрадилар.

67. Ушбу Низомнинг бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берилади.

68. Ушбу Низомни қўллаш бўйича пайдо бўладиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низомга 1-ИЛОВА

Экспертиза қилинадиган, баҳоланадиган ва давлат даромадига ўтказиладиган олиб қўйилган мол-мулк ҳаракатини ҳисобга олиш дафтари

Т/р	Мол-мулкни олиб қўйиш				Мол-мулкни экспертизадан ўтказиш ва баҳолаш				Сақлаш жойи		Материални судга топшириш		Суд қарори						Тушган маблағ					
	Олиб қўйиш даволатномаси ва №	Мол-мулкнинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Экспертиза хулосасининг санаси ва №	Баҳолаш даволатномаси санаси ва №	Баҳоси	Суммаси	Ўлчовнинг санаси ва №	Ташкилотнинг номи	Санаси	Ҳужжат	Санаси ва №	Эгасига қайтарилди			Давлат даромадига ўтказилди			Йўқ қилиб ташлашга берилди			Ҳаммаси	шу жумладан маҳаллий бюджетта
														Сони	Суммаси	Эгасига топшириш-қабул қилиш даволатномаси № ва санаси	Сони	Суммаси	Ижронига топшириш-қабул қилиш даволатномаси № ва санаси	Сони	Суммаси	Ижронига топшириш-қабул қилиш даволатномаси № ва санаси		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низомга 2-ИЛОВА

144-модда

Давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни ҳисобга олиш дафтари

Т/р	Ижро иши №, суд ижрочисининг Ф.И.О.	Ижро хужжатининг №, санаси, ижро далолатномаси тузилган сана	Ижро хужжатини берган суд ёки бошқа орган	Мол-мулкни олиб қўйган орган	Мол-мулкнинг номи, сони, суммаси	Олиб қўйилган мол-мулк суд ижрочисига берилган сана	Сақлаш жойи ва унинг ўзгаргани тўғрисида белги	Олиб қўйилган мол-мулк сотиш учун берилган сана ва сотувчи ташкилот	Сотишга берилган мол-мулкнинг қайта баҳоланганлиги тўғрисида белги, мутахассиснинг Ф.И.О.	Сотиш суммаси ва унинг тушган санаси	Мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш харажатларини қоплаш суммаси, йўқ қилиб ташлаш далолатномаси № ва санаси	Қолган суммани тақсимлаш			Алоҳида белгилар
												Бюджетта	мол-мулкни олиб қўйган органга	судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15	16

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тартиби тўғрисида низомга
3-ИЛОВА

Мол-мулк истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун ярқсиз деб тан олинганда уни йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги -сон далолатномаси

200__ йил «___» _____ туман (шаҳар)

Йўқ қилиш соат _____ дақиқада _____ бошланди
Йўқ қилиш соат _____ дақиқада _____ тугатилди

(мол-мулкни йўқ қилинаётган юридик (жисмоний) шахснинг номи)

Биз, қуйида имзо чекувчилар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 мартдаги 140-сон қарори билан тасдиқланган Давлат даромадига ўтказиладиган мол-мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб ташлаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ ҳамда 200__ йил «___» _____ даги _____-сон ижро ҳужжати асосида 200__ йил «___» _____ даги _____-сон олиб қўйиш протоколига асосан олиб қўйилган қуйидаги мол-мулкни йўқ қилиб ташлашни амалга оширдик:

Т/р	Номи	Миқдори

Йўқ қилиб ташлаш усули _____
Йўқ қилиб ташланган жой _____

- Суд ижрочиси _____
- Мол-мулкни олиб қўйишни амалга оширувчи ваколатли органнинг мансабдор шахси _____
- Санитария-эпидемиология хизмати органи вакили _____
- Давлат табиатни муҳофаза қилиш органи вакили _____
- Сақлаш учун жавобгар шахс (ташкилот вакили) _____
- Холис гувоҳлар: _____

Давлат даромадига ўтказиладиган мол-
мулкни олиб қўйиш, сотиш ёки йўқ қилиб
ташлаш тартиби тўғрисида низомга
4-ИЛОВА

**Истеъмол, фойдаланиш ёки қайта ишлаш учун яроқсиз деб тан олинган ва
йўқ қилиб ташланадиган мол-мулкни ҳисобга олиш дафтари**

Т/р	Ижро иши №, суд ижрочи- сининг Ф.И.О.	Ижро хужжа- тининг №, санаси, ижро далолат- номаси тузилган сана	Ижро хужжа- тини берган суд ёки бошқа орган	Мол- мулкни олиб қўйган орган	Мол- мулк- нинг номи, сони, суммаси	Олиб қўйил- ган мол- мулк суд ижрочи- сига берилган сана	Сақлаш жойи ва унинг ўз- гаргани тўғриси- да белги	Мол- мулкни йўқ қилиб ташлаш далолат- номаси № ва санаси	Мол- мулкни йўқ қилиб ташлаш жойи ва усули	Чикин- ди ва идиш- ларни сатиш сумма- си, унинг тушган санаси	Қолган суммани тақсимлаш			Алоҳида белгилар
											бюд- жетга	мол- мулкни олиб қўйган органга	суд ва адлия орган- ларини ривож- ланти- риш жам- ғарма- сига	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

145 «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқарув тузилмасини такомиллаштириш ва республика энгил саноатини янада ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқарув органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ-3366-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда бозор иқтисодиёти талабларига мувофиқ энгил саноатни бошқаришни янада эркинлаштириш, ишлаб чиқаришларни замонавийлаштириш ва тугалланган циклга эга бўлган янги ишлаб чиқаришларни яратиш, биринчи навбатда экспорт потенциалини кенгайтириш ва рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун тармоққа инвестицияларни жалб этиш бўйича рағбатлар ва преференцияларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ҳамда ходимларнинг чекланган умумий сони 67 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 55 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига зарурят бўлганда ижро этувчи аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартириш киритишга рухсат берилсин.

2. Қуйидагилар «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазибалари ҳисоблансин:

тармоқни барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегиясини белгилаш; ташқи ва ички бозорларда рақобатга бардошли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш, бунда ип йигиришдан тайёр буюмлар ишлаб чиқаришгача бўлган барча технологик жараёнларда маҳсулотлар сифати оширилиши ва қиймати пасайтирилишини назарда тутиш;

хорижий шериклар билан унча катта бўлмаган, ихчам қўшма корхоналар ташкил этиш, шунингдек энгил саноат корхоналарини хусусийлаштириш ва хусусий мулк этиб бериш масалаларига бутун чоралар билан қўмаклашиш, бунда йирик ҳамда бозор шароитларига мослашмаган улкан корхоналар ташкил этилишига йўл қўймаслик;

фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқаришларни техника билан қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш, бунда уларда замонавий илғор асбоб-ускуналар ва технологиялар жорий этилишини назарда тутиш;

энгил саноат соҳасида жаҳон бозорида етакчи мавқени эгаллаган мамлакатлар тажрибасини чуқур ўрганиш ва маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, бунда тармоқнинг экспорт потенциалини ривожлантиришга ва товарларни ташқи бозорларга киритишга алоҳида эътибор қаратиш;

тармоқда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, корхоналар ва ташкилотларга ахборот хизматлари кўрсатиш, кенг реклама фаолиятини амалга ошириш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўрғазмалари ва ярмаркаларини, шу жумладан чет элларда ташкил этиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси бир ой муддатда Компания уставига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритсин ҳамда уни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказсин.

4. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг 2004—2006 йиллар учун Инвестиция дастури 3-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг янги корхоналар қурилиши ва ишлаб турганларининг реконструкция қилиниши фақат янги, илгари ишлатилмаган технология асбоб-ускуналарини ўрнатиш асосида амалга оширилиши тўғрисидаги баёноти маълумот учун қабул қилинсин.

5. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналарига контракт тузиш пайтида вужудга келган жаҳон нархларидан паст бўлмаган нархлар бўйича эркин муомаладаги валютага (қўшилган қиймат солиғини нўл ставка бўйича ҳисоблаган ҳолда) ички бозорда ярим тайёр тўқимачилик маҳсулотларини (калава, газмол, трикотаж полотно ва пахтани йигириш чиқиндиларини) 2007 йил 1 январгача харид қилишига истисно тариқасида рухсат берилсин, бунда ушбу ярим тайёр маҳсулотлардан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг камида 80 фоизи экспортга йўналтирилиши назарда тутилсин.

6. Енгил саноат маҳсулотлари сифатини ва рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек ассортиментини кенгайтириш учун «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси корхоналари томонидан олиб келинаётган 4-иловага* мувофиқ химикатлар, бўёқлар, фурнитура ва аксессуарлар, шунингдек республикада ишлаб чиқарилмайдиган бошқа ёрдамчи материаллар 2007 йил 1 январгача импорт божхона божлари тўлашдан озод қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бўшайдиган маблағлар тармоқ корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашда мақсадли фойдаланилади.

7. Тайёр тикувчилик ва трикотаж буюмлар ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчи енгил саноат корхоналарига тўловнинг аккредитив шакли тасдиқланган тақдирда аккредитивнинг амал қилиш муддатини 90 кунгача этиб белгилашга истисно тариқасида рухсат берилсин.

Республика тижорат банкларида енгил саноат корхоналарига экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш учун муддати 180 кунгача бўлган қисқа муддатли кредитлар, шу жумладан валюта кредитлари бериш тавсия қилинсин.

11. 2005 йилдан 1 январдан бошлаб икки йил муддатга хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга, пахта толасининг барча ҳажми улар томонидан тайёр товаргача (тикувчилик, трикотаж, чулки-пайпоқ маҳсулотлари) тўлиқ қайта ишланиши ҳамда ишлаб чиқариш ҳажмининг камида 80 фоизи экспорт қилиниши шарти билан, эркин муомаладаги валютага харид қилинадиган пахта толаси учун 5 фоиз микдорида қўшимча чегирма берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги «Ўзпахтасаноат» уюшмаси, «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ва бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга пахта толаси учун қўшимча чегирма бериш тартибини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

12. «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси 2004 йил 1 июлгача енгил саноат корхоналари учун Кадрлар (менежерлар ва технологлар) малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш марказини ташкил этсин.

* 3, 4-иловалар берилмайди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 636-ф-сон фармойиши ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.


Вазирлар Маҳкамасининг «Республика енгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарорига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари М.З. Усмонов ва Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,
2004 йил 25 март,
141-сон

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси



Корхона ва ташкилотлар:
Жами — 104та, шу жумладан:
тўқимачилик тармоғи корхоналари — 62та, жумладан қўшма корхоналар — 17 та;
тикувчилик тармоғи корхоналари — 14 та, жумладан қўшма корхоналар — 1 та;
трикотаж тармоғи корхоналари — 22 та, жумладан қўшма корхоналар — 8та;
чинни буюмлар корхоналари — 3 та инфратузилма корхоналари — 4 та.

«Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони – 67 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари – 55 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 25 мартдаги 141-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Республика энгил саноатини ривожлантириш ва бошқаришни
ташқил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»
2002 йил 2 июлдаги 240-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарорнинг 1, 3 ва 7-бандлари ҳамда қарорга 1, 2, 3, 4, 6-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. 6-бандда:

«2006 йил 1 январгача» сўзлари «2007 йил 1 январгача» сўзлари билан алмаштирилсин;

«2005 йилгача бўлган даврда тўқимачилик ва энгил саноат корхоналарини ривожлантириш Концепциясига кирган» сўзлари «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

146 Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташқил этиш тўғрисида

Республикада бозор иқтисодиёти замонавий талабларига жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни такомиллаштириш, шунингдек менежмент, маркетинг, туризм ва сервис хизмати кўрсатиш соҳасида кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Самарқанд вилояти ҳокимлигининг Самарқанд кооператив институтини Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига айлантириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

а) қуйидаги устувор йўналишлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш:

менежмент ва маркетинг масалалари бўйича ихтисослашган иқтисодиёт;

халқаро туризм, туризм менежменти, туризм бўйича операторлик хизматлари бизнеси;

хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари иқтисодиёти ва уни ташқил этиш;

молия, банк ва суғурта хизматлари соҳасини ташқил этиш ва бошқариш;

б) институт фаолиятининг асосий устувор йўналишлари бўйича амалий аҳамиятга эга бўлган амалий илмий, қидирув ишларини амалга ошириш учун илмий-тадқиқот базасини шакллантириш;

в) илмий ва педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш.

3. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг ташкилий тузилмаси, шунингдек соҳалар бўйича ихтисослашган кафедралар рўйхати 1 ва 2*-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректорига Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, зарурият бўлганда, институтнинг ташкилий тузилмасига ҳамда кафедралари рўйхатига тасдиқланган штатлар жадвали доирасида ва белгиланган таълим йўналишларига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлиги бир ой муддатда:

олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторининг «Хизмат кўрсатиш соҳаси — 810000» бўлимини қайта кўриб чиқсинлар ҳамда унга белгиланган тартибда, хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари иқтисодиёти ва уни ташкил этиш бўйича замонавий кадрлар тайёрлаш зарурилигини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш ва қўшимчалар киритсинлар;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини тасдиқласинлар;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти уставини белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда, тегишли соҳа мутахассисларига бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда 2004/2005-ўқув йили ва кейинги ўқув йиллари учун Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтига қабул квоталари бўйича белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

2004/2005-ўқув йили бошлангунгача Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти билан биргаликда республика давлат таълим стандартларига қатъий риоя қилган ҳолда Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида 2008/2009-ўқув йилидан бошлаб «Туризм» ва «Сервис» йўналишлари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлашни ташкил этсин, шу давр мобайнида тегишли моддий-техник базани ва профессор-ўқитувчилар салоҳиятини шакллантирсин;

2004/2005-ўқув йилидан бошлаб «Озиқ-овқат технологияси» (5541100) таълим йўналиши бўйича талабалар қабул қилишни Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтига ўтказсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти учун 2004 йилга тасдиқланган бюджет маблағларига тегишли ўзгартиришлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти билан биргаликда, мавжуд профессор-ўқитувчилар, илмий кадрлар салоҳияти ва илмий-тадқиқот базасидан келиб чиққан ҳолда Самарқанд иқти-

* 2-илова берилмайди.

содиёт ва сервис институтида тегишли асосий соҳа мутахассисликларига доир диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгаш очиш юзасидан таклифларни кўриб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Олий иқтисодиёт таълим муассасаларининг ихтисослашган кафедралар мудирилари аттестациядан ўтказиш комиссияси (Р.С. Азимов) 2004 йил апрель ойида Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти раҳбар ходимларини ва педагог кадрларини аттестациядан ўтказсин.

8. «Истеъдод» жамғармаси Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчиларини мақсадли тажриба орттириш орқали қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни назарда тутсин.


9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 26 март,
144-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 26 мартдаги 144-сон қарорига
1-ИЛОВА

Самарқанд иқтисодий ва сервис институтининг ташкилий тузилмаси



БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**147 Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини
бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва
кўриб чиқиш қоидалари тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
22 мартда 1329-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Қонунини бажариш юзасидан **буюраман:**

1. Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патенти берилиши учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу Қоидалар кучга кирган санадан эътиборан Фан ва техника давлат комитети раиси томонидан тасдиқланган Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патенти берилиши учун талабномани тузиш қоидалари (1997 йил 10 сентябрь, рўйхат рақами 365-сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

Ушбу буйруқнинг ижро этилиши юзасидан назорат қилиш директор биринчи ўринбосари В.В. Ермолаевага юклатилсин.

Давлат патент идораси директори А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 февраль,
9-сон

* Илова рус тилидаги матнда бериледи.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

148 Адвокатлик бюрolari, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
22 мартда 1330-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 1 апрелдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофазаси тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Адвокатлик бюрolari, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 февраль,
41-сон

Адлия вазири А. ПОЛВОН-ЗОДА

Тошкент ш.,
2004 йил 29 февраль,
66-мх-сон

Давлат солиқ қўмитасининг раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 29 февраль,
2004-29-сон

Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги ва
Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил
29 февралдаги 41-сон, 66-мх-сон ва
2004-29-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик
фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва
бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги
ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддаси, «Адвокатура тўғрисида»ги, «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги ва «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ишлаб чиқилиб, адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ Адвокатура нотижорат ташкилотдир ва фаолиятни ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширади. У адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензия олган адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ихтиёрийлик асосида ташкил этилган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир.

2. Адвокатуранинг ташкилий тузилмалари бўлиб адвокатлар коллегиялари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлик бюрolari (кейинги ўринларда — адвокатлик тузилмалари) ҳисобланади.

Адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни белгиланган тартибда олган жисмоний шахс ўз адвокатлик бюросини очиб, яқка тартибда фаолият кўрсатишга ёхуд ихтиёрийлик асосида бошқа адвокатлар (шериклар) билан ҳайъатлар ва фирмалар тузишга, шунингдек, адвокатлик фирмалари ва коллегияларига аъзо (муассис) сифатида киришга ҳақлидир.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига мувофиқ адвокатлар бюрolari, ҳайъатлари ва фирмалари рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини оладилар ҳамда кўрсатилган юридик ёрдам учун фуқаролардан ва юридик шахслардан тушадиган пул маблағлари (даромадлар) ҳисобига фаолият кўрсатадилар.

3. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига мувофиқ, нодавлат нотижорат ташкилотларининг мол-мулкни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:
кириш ва аъзолик бадаллари, агар улар уставда назарда тутилган бўлса;

муассислардан, қатнашчилардан (аъзолардан) бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар;

ихтиёрий мулкӣ бадаллар ва эхсонлар;

тадбиркорлик фаолиятидан олинган, фақат устав мақсадлари учун ишлатиладиган даромадлар (фойда);

қонунларда тақиқланмаган бошқа тушумлар.

Бунда қатнашчилар (аъзолар), яъни адвокатларнинг жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган юридик ёрдам учун оладиган даромадларининг бир қисми кўринишидаги мунтазам тушумлари адвокатлик тузилмаларини маблағ билан таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади. Кўрсатилган юридик ёрдам учун келиб тушган маблағлардан адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ажратмалар миқдори адвокатлик тузилмасининг таъсис ҳужжатида (уставида) ёки қатнашчилар (аъзолар) нинг бошқа қарорида белгиланади.

4. Адвокатлик тузилмасини сақлаш учун харажатларга маъмурий ва хўжалик харажатлари, шунингдек уни сақлаш учун қилинган бошқа харажатлар киради.

5. Адвокатлик тузилмасини сақлаш учун харжатлар таркибига қуйидаги харажатлар киради:

а) маъмурий ва хўжалик (техник) ходимларни сақлаб туриш, жумладан компенсация ва кафолатли тўловлар билан биргаликда улар меҳнатига ҳақ тўлашга;

б) коммунал хизматлар, шунингдек, телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматлари учун ҳақ тўлашга;

в) инвентарь, материаллар, канцелярия, офис учун ва бошқа жиҳозларни харид қилишга;

г) транспорт воситалари, техникаларни сақлаш, ижарага олишга ва бошқа хизматларга ҳақ тўлашга, бензин ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларига;

д) адвокатларни (адвокатура ходимларини) ўқитишга, газеталар, журналлар ва бошқа даврий нашрларга обуна бўлишга, бошқа жорий харажатларга;

е) жорий таъмирлашга;

ж) техника ва асбоб-ускуналарни, оргтехника воситалари, компьютерлар ва бошқа асосий воситаларни харид қилишга;

з) қурилиш ва капитал таъмирлашга;

и) адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун бошқа харажатларга.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасига мувофиқ, адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун харажатлар таркибига, шунингдек, маблағлари адвокатларнинг ижтимоий эҳтиёжларига ишлатиладиган Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасини шакллантириш бўйича харажатлар киради. Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасининг маблағлари қуйидагиларга сарфланади:

а) адвокатлик тузилмасининг адвокатларига нафақалар, компенсация ва кафолатли тўловларни тўлаш, уларнинг таътили учун ҳақ тўлашга. Бунда адвокатлик тузилмалари таътил учун ҳақ тўлаш мақсадида маблағларни (масалан, иш ҳақининг миқдоридан келиб чиққан ҳолда) жамлашга ҳақлидирлар;

б) моддий ёрдам сифатида бериладиган турли хил пуллик нафақаларга;

в) санатория-курортда даволаниш учун ва дам олиш уйларига йўлланмаларни тўлашга, стационар ва амбулатор даволаниш ҳақини тўлашга;

г) оққатланиш учун кўшимча тўловларга, йўл чипталарини бериш ёки уларнинг қийматини қоплашга;

д) адвокатларнинг ҳаёти ва соғлиғини суғурта қилиш бадалларини тўлашга;

- е) туристик йўлланмалар, спорт секцияларига абонементларни тўлашга ва бошқа шу каби харажатларга;
- ж) Ўзбекистон Адвокатлар ассоциациясига аъзолик бадалини адвокат ҳисобидан тўлашга;
- з) адвокатларнинг бошқа ижтимоий эҳтиёжларига.

II. Фойда солиғи ва ягона солиқ

6. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 31-моддасига мувофиқ тижорат билан шуғулланмайдиган юридик шахслар, уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан оладиган даромадларидан (фойдаларидан) ташқари фойда солиғидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон қарори билан тасдиқланган Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимини қўллаш тартибининг 1-бандига мувофиқ, солиққа тортишнинг соддалаштирилган тизими тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун қўлланилади.

7. Адвокатлик тузилмалари нодавлат нотижорат ташкилотлар сифатида, фойда солиғини тўлашдан озод этиладилар ҳамда ягона солиқ тўловчиси ҳисобланмайдилар.

8. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11-моддасига мувофиқ, адвокатларнинг меҳнатига кўрсатилган юридик ёрдам учун жисмоний ва юридик шахслардан адвокатлар бюrolари, хайъатлари ва фирмаларига келиб тушган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади. Бунда юридик хизмат учун ҳақ тўлаш адвокат билан мижоз ўртасида ихтиёрий равишда тузиладиган битим (шартнома) асосида амалга оширилади.

Адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун келиб тушган маблағлар адвокатлик тузилмаларининг даромадлари ҳисобланмайди.

Маблағларнинг адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган (ушлаб қолинадиган) қисми тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад бўлиб ҳисобланмайди. Ушбу маблағларга мазкур Йўриқноманинг 3 ва 4-бандларига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун мунтазам тушумлар сифатида қаралади.

9. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятидан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган даромадлар (фойда) белгиланган тартибда фойда солиғи ёки ягона солиққа тортилади.

III. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ

10. Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар — адвокатлар жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни тўловчилардир.

11. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадлардан жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва уни бюджетга ўтказиш адвокатлик тузилмалари томонидан амалга оширилади.

12. Адвокатлар меҳнатига ҳақ тўлаш шаклида олинадиган даромадларни аниқлаш учун асос бўлиб адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобланади.

Жисмоний шахслар даромадига солинадиган солиқни аниқлаш мақсадида, ад-

вокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, белгиланган ставкаларда ажратиладиган ижтимоий суғурта бадалларини чегириб ташлаган ҳолда қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Phi = (Y \times 100) / (100 + C), \text{ бунда}$$

Φ — адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;

Y — адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун олинган маблағлар (адвокат гонорари) ҳамда мазкур Йўриқноманинг 3 ва 4-бандига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар ўртасидаги фарқ;

C — меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан олинadиган ижтимоий суғурта бадалининг фойздаги ставкаси.

Масалан, кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатнинг гонорари 100000 сўми ташкил этган. Бунда, адвокатлик тузилмасининг тегишли қарорига кўра, адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун мунтазам тушум сифатида 30000 сўм ушлаб қолинган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига мувофиқ, адвокатлик тузилмалари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фойзли ставкада ижтимоий суғурта бадалини тўлайдилар. Бундай ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш фонди қуйидагича аниқланади:

$$(100000 - 30000) \times 100 / (100 + 25) = (70000 \times 100) / 125 = 56000 \text{ сўм.}$$

Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадларни аниқлашнинг намунавий схемаси мазкур Йўриқноманинг иловасида келтирилган.

13. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқаришда меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинadиган даромадлар таркибига мазкур Йўриқноманинг 12-банди асосида аниқланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 49-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган даромадлар ҳам киради.

14. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқни ушлаб қолиш ва бюджетга ўтказиш учун адвокатлик тузилмалари жавобгардир. Солиқ суммаси ушлаб қолинмаганда, улар ушлаб қолинмаган солиқ суммасини ҳамда у билан боғлиқ жарима ва пеняларни бюджетга тўлаши шарт.

15. Жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқ ушлаб қолинганда адвокатлик тузилмалари ушлаб қолинган солиқ суммасини тўлов амалга оширилган ой тугаганидан кейин беш кун ичида бюджетга ўтказадилар.

16. Адвокатлик тузилмалари:

иш ҳақини тўлаш чоғида адвокатнинг талабига кўра унга унинг даромади суммаси ва тури, шунингдек, ушлаб қолинган солиқ суммаси (агар солиқ ушлаб қолинган бўлса) кўрсатилган маълумотномани бериши;

асосий бўлмаган иш жойидан олинган даромадлар тўғрисида жисмоний шахснинг рўйхат рақами, фамилияси, исми ва отасининг исми, доимий яшаш манзили, ҳисобот йилида қилган даромадининг умумий суммаси ва ушлаб қолинган солиқнинг умумий суммаси кўрсатилган маълумотномани қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда молия йили тугаганидан сўнг ўттиз кун ичида солиқ органларига тақдим этиши;

ёлланиб ишлайдиганларга меҳнат ҳақи тарзида ҳисоблаб чиқарилган ва амалда

тўланган суммалар ҳамда бошқа даромадлар, шунингдек, бу даромадларнинг солиқ суммалари тўғрисидаги маълумотларни қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда йилнинг ҳар чорагида, йилнинг ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-қунига қадар солиқ органларига тақдим этиши шарт.

IV. Қўшимча қиймат солиғи ва акциз солиғи, божхона тўловлари

17. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 66-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир.

Адвокатлик тузилмалари қўшимча қиймат солиғини тўловчи ҳисобланмайдилар, мазкур Йўриқноманинг 18-бандида ва 19-бандининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

18. Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолият доирасидаги товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси бўйича оборот белгиланган тартибда қўшимча қиймат солиғига тортилади.

19. Адвокатлик тузилмалари товарларни импорт қилишда божхона тўловларини (шу жумладан қўшимча қиймат ва акциз солиғини) белгиланган тартибда тўлайдилар, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

V. Бошқа солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш

20. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 110-моддасига мувофиқ товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўловчилардир.

Юридик ёрдам адвокат билан мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида адвокат (жисмоний шахс) томонидан кўрсатилишини инобатга олиб, ушбу юридик ёрдам экология солиғига тортилмайди.

Агар бевосита адвокатлик тузилмаси томонидан товарлар ишлаб чиқарилса, ишлар бажарилса ва хизматлар кўрсатилса, ушбу фаолиятдан белгиланган тартибда экология солиғи тўланади.

21. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 92, 102 ва 119-моддаларига мувофиқ адвокатлик тузилмалари нодавлат ноғижорат ташкилотлар сифатида мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни тўлашдан озод қилинадилар.

Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолият учун фойдаланилган мол-мулк, ер участкалари ва сув ресурслари белгиланган тартибда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиққа тортилади.

22. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини ҳисоблаш чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1100-сон — Меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 3-сон)нинг 1-бандига мувофиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчилар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслардир.

Адвокатлик тузилмалари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўловчи ҳисобланмайдилар.

Агар адвокатлик тузилмалари тадбиркорлик фаолияти, яъни адвокатлик фаолиятдан ташқари бошқа (адвокатнинг юридик ёрдам кўрсатиши билан боғлиқ бўлмаган) фаолият билан шуғуллансалар, ушбу фаолиятдан олинган соф фойда белгиланган тартибда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғига тортилади.

VI. Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ва бадаллар

23. Юридик ёрдам адвокат ва мижоз ўртасида тузилган шартнома асосида адвокат (жисмоний шахс) томонидан кўрсатилганлиги сабабли, адвокатлик тузилмасининг адвокатлари томонидан кўрсатилган юридик ёрдам ҳажмидан Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ўтказилмайди.

Агар бевосита адвокатлик тузилмаси томонидан товарлар ишлаб чиқарилса, ишлар бажарилса ва хизматлар кўрсатилса, ушбу товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажмидан белгиланган тартибда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ва Республика йўл жамғармасига ажратмалар ўтказилади.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 августдаги 361-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси даромадларини шакллантириш ва сарфлаш фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 29-бандига мувофиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар тижорат ва хўжалик фаолияти бўлмаган фаолиятдан олинган даромадлар ва тушумлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилади.

Адвокатнинг кўрсатилган юридик ёрдам учун олган гонорари, уставда назарда тутилган кириш ва аъзолик бадаллари, ихтиёрий мулкый бадаллар ва эҳсонлар, адвокатлардан бир маротаба ва мунтазам равишда келадиган тушумлар тижорат ёки хўжалик фаолиятдан олинган даромадлар ёки тушумлар ҳисобланмайди.

25. Адвокатлик тузилмалари ягона ижтимоий тўлов ўрнига меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоизлик мажбурий ижтимоий суғурта бадалларини тўлайдилар.

26. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар ҳамда фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий суғурта бадаллари, солиқлар ушланишини ҳисобга олмасдан, иш ҳақи (даромад) нинг барча турларига (шу жумладан адвокатуранинг ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасидан тўланадиган тўловларга) ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тўловлар бундан мустасно.

Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратиладиган мажбурий ажратмалар суммаси қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$CF = ((Y + V) \times C) / (100 + C), \text{ бунда}$$

CF — адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ажратиладиган ижтимоий суғурта бадали суммаси;

Y — адвокат томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун олинган маблағлар (адвокат гонорари) ҳамда мазкур Йўриқноманинг 3 ва 4-бандига мувофиқ адвокатлик тузилмасини сақлаб туриш учун ўтказиладиган маблағлар ўртасидаги фарқ;

V — Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармасидан ажратиладиган ва суғурта бадаллари ҳисобланиши назарда тутилган тўловлар. Бунда суғурта бадаллари ҳисобланиши назарда тутилмайдиган тўловлар, адвокатлик тузилмалари томонидан ижтимоий суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашда ҳисобга олинмайди;

C — меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан олинадиган ижтимоий суғурта бадалининг фоиздаги ставкаси.

Масалан, кўрсатилган юридик ёрдам учун адвокатнинг гонорари 100000 сўмни ташкил этган. Бунда адвокатлик тузилмасининг тегишли қарорига кўра, адвокатлик тузилмасни сақлаб туриш учун мунтазам тушум сифатида 30000 сўм ушлаб қолинган.

Бундан ташқари, адвокатлик тузилмаси томонидан адвокат ҳисобига Адвокатурани ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармаси маблағларидан 2000 сўм миқдорида аъзолик бадали тўланган, шунингдек, 3000 сўм миқдорида моддий ёрдам берилган. Бунда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган Пенсияни ҳисоблаб чиқаришда ҳамда суғурта бадалларини ҳисоблашда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва даромадлар турлари рўйхатига мувофиқ моддий ёрдам бўйича ижтимоий суғурта бадали ҳисобланмайди. Аъзолик бадали мунтазам равишда адвокат ҳисобига тўланишини инобатга олиб, ушбу тўлов адвокатнинг даромади ҳисобланади ва у бўйича ижтимоий суғурта бадали ҳисобланади (бунда аъзолик бадали пенсияни ҳисоблашда ҳам ҳисобга олинади).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон қарорига мувофиқ, адвокатлик тузилмалари меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 25 фоизли ставкада ижтимоий суғурта бадалини тўлайдилар.

Бундай ҳолда, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратиладиган ижтимоий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$\frac{((100000 - 30000) + 2000) \times 25}{(100 + 25)} = \frac{(72000 \times 25)}{125} = 14400 \text{ сўм.}$$

Фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$CF^1 = ((Y - CF) + V) \times C^1 / 100, \text{ бунда}$$

CF^1 — иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадали суммаси;

C^1 — иш ҳақидан мажбурий ижтимоий суғурта бадалининг фоиздаги ставкаси.

Юқорида кўрсатилган мисолда фуқароларнинг иш ҳақидан 2,5 фоизли мажбурий суғурта бадали суммаси қуйидагича аниқланади:

$$((70000 - 14400) + 2000) \times 2,5 / 100 = 57600 \times 2,5 / 100 = 1440 \text{ сўм.}$$

VII. Мазкур Йўриқнома талабларига риоя этилиши устидан назорат, адвокатлик тузилмаларининг жавобгарлиги

27. Солиқлар ва мажбурий тўловларни мазкур Йўриқномага асосан тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга тўланиши устидан назорат белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

28. Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари рўйхатдан ўтказувчи органлар сифатида адвокатлик тузилмалари томонидан ўзларининг таъсис шартномалари ва уставларига риоя этилиши устидан назоратни олиб борадилар.


Адвокатлик тузилмалари мазкур Йўриқнома талабларига риоя этмаганлик учун қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

VIII. Яқунловчи қоидалар

29. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси билан келишилган.

Адвокатлик бюралари, адвокатлар хайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ИЛОВА

Адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисоблаб чиқаришнинг намунавий схемаси



Изоҳ:

Мазкур схема адвокатларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини аниқлаш учун намуна тарикасида келтирилган. Мажбурий ва ҳўжалик (техник) хоҳимларнинг иш ҳақи ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳамда улар бўйича ижтимоий сугурта бадаллари адвокатлик тузилмасининг таъминоти учун маблаглар ҳисобидан белгиланган тартибда алоҳида аниқланади.

* Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқни меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлардан ушлаб қолинади. Бунда, Солиқ кодексининг 49-моддасига мувофиқ, меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадларга адвокат ҳисобига тўланган аъзолик бадали ҳамда адвокатнинг амбулатор давонаниши қиймати киритилади.

** Солиқ кодексининг 58-моддасига кўра, йил давомида берилган, сўммаси ёнг кам ойлик иш ҳақининг ўн икки бараваридан ошмайдиган моддий ёрдам солиқ солиши базасига киритилмайди.

*** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ажратмалар (25%) ҳамда фуқароларнинг иш ҳақидан мажбурий сугурта бадаллари (2.5%), иш ҳақи (даромад) нинг барча турларига (шу жумладан адвокатларни ижтимоий ҳимоя қилиш жағғармасидан тўланадиган тўловларга) ҳисобланади, қонунчиликда белгиланган тўловлар бундан мустасно.

**** Қасаба уюшмасига бадаллар, агар адвокатлик тузилмасида бундай ушлаб қолиш назарда тутилган бўлса, қасаба уюшмаси аъзоси бўлган адвокатнинг розилигига асосан (даромад солиғи ва мажбурий ижтимоий сугурта бадалларини тўлагандан сўнг қолган иш ҳақидан) ушлаб қолинади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 20 мартдан 26 мартгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон буйруғи (янги таҳрирда).*

2004 йил 22 мартда 1329-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 1 апрелдан кучга киради).

2. «Адвокатлик бюрolari, адвокатлар ҳайъатлари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 29 февралдаги 41, 66-мҳ, 2004-29-сон қарори.*

2004 йил 22 мартда 1330-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 1 апрелдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патенти, дастлабки патентини бериш учун талабномаларни тузиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (10.09.1997 й., рўйхат рақами 365).*

Адлия вазирининг 2004 йил 22 мартдаги 65-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Акциядорлик жамиятларининг устав фондларини фонд бозоридан, шунингдек хорижий инвесторларга сотишга йўналтириладиган ресурсларини кўпайтириш мақсадида инвентаризациядан ўтказиш Услугияти. Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари Ў.Қ. Исмоилов томонидан 2001 йил 11 апрелда тасдиқланган.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.